

КОШБАХТИЕВ И.А., КЕРИМОВ Ф.А., АХМАТОВ М.С.

# **ВАЛЕОЛОГИЯ АСОСЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2005

Муаллифлар:

*Кошбахтиев И.А. – педагогика фанлари доктори, профессор,*

*Керимов Ф.А. – педагогика фанлари доктори, профессор,*

*Ахматов М.С. – биология фанлари номзоди, доцент.*

Тақризчилар:

*Усмонхўжаев Т.С. – педагогика фанлари доктори, профессор,*

*Ливицкий А.Н. – педагогика фанлари номзоди, профессор.*

Дарслик жисмоний тарбия институтлари, педагогика университетлари жисмоний тарбия факультетлари талабалари учун мўлжалланган.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Фан ва технологиялар маркази»нинг инновацион дастури доирасида яратилган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳузуридаги илмий-услубий кенгаш томонидан нашр этиш учун тавсия этилган (2005 йил 14 октябрдаги 4-сон баённома).

© ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа  
бўлими, 2005 й.

## СЎЗ БОШИ

XXI аср бўсағасида Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришди, халқимизнинг ўз тақдирини, келажагини ўз қўллари билан яратишдек кўп асрлик орзуси ушалди.

Шубҳасиз, янги жамиятни қуриш, энг аввало ёшларга, уларнинг маънавий дунёси, касбий маҳорати ва яхши жисмоний ҳолатига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида» ги қонунининг 16 моддасида мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар ва талабалар саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, уларда жисмоний ривожланишга эҳтиёжини шакллантириш мактабгача тарбия ва ўрта олий таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, дейилган. Кадрларни тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълимни ислоҳ этишнинг стратегик йўналишларидан бири ўсиб келаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Жамиятда соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан бой ёш авлодни тарбиялаш, фуқароларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб этишни таъминлашга йўналтирилган, комплекс тадбирларни амалга ошириш мақсадида шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2005 йилни «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан вазирлар маҳкамаси «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу қарор моддаларининг бирида жисмоний тарбия институтларида, педагогика олий ўқув юрталарининг жисмоний тарбия факультетларида «Валеология асослари» факультативини киритиш ҳақида сўз боради, бунинг учун ўқув дастурини ишлаб чиқиш керак.

Валеологияни ўқитиш бўйича намунавий ўқув дастурини тайёрлашда 74 соат = 28 соат маъруза, 12 соат лаборатория, 22 соат семинар машғулоти, 18 соат амалий машғулотлар ҳисобга олинган. Бу Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг жисмоний тарбия бўйича ўқув режаси томондан тасдиқланган.

Ушбу дастурда маъруза, лаборатория, семинар, амалий машғулотлар учун соатлар тахминан тақсимланган.

Ҳар бир ОЎЮ ўз хусусиятларидан келиб чиқиб ажратилган соатларга ўз ўзгартиришларини киритиши мумкин.

Дастур маданият ва спорт ишлари бўйича вазирлиги илмий-услубий кенгаши аъзолари томонидан билдирилган мутахассислар фикр ва таклифларини ҳисобга олади.

Ўқув дастур бўйича таклиф ва мулоҳазалар миннатдорлик билан қабул қилинади.

## МАЪРУЗАЛАР

### 1-мавзу.

Кириш. Валео – саломатлик ва соғлом ҳаёт тарзи ҳақида таълимот. Валеологиянинг асосий тушунчалари. Валеологиянинг предмети. Валеологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси. Валеоло-гиянинг вазифалари. Валеологиянинг тадқиқот усуллари. Соғлом ҳаёт тарзи ва саломатлик. Жисмоний тарбия ва саломатлик.

### 2-мавзу.

Валеология курсининг тузилиши. Оммавий профилактика Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг саломатлиги базаси сифа-тида. Индивидуал профилактика – шахс саломатлигининг асоси. Та-лабалар валеологиясининг концепцияси. Валеология курсининг мазмуни.

### 3-мавзу.

Валеологияни ўқитиш тизими. Валеология машғулотларининг шакллари. Саломатликни яхшилашнинг рационал усуллари. Сало-матликни яхшилашнинг самарали воситалари. Саломатликни мусс-таҳкамлашнинг ноанъанавий воситалари. Бўш вақтдан рационал фойдаланишга ўргатиш.

### 4-мавзу.

Талабаларни ўқитишнинг фаол усуллари. Талабаларни жисмонан ривожлантиришни бошқариш. Талабаларнинг ҳар томон-лама тайёрлигини комплекс баҳолаш. Жисмоний ривожлантириш жараёнида педагогик назорат. Жисмоний ривожлантиришнинг самарали усуллари. Жисмоний ривожлантириш воситаларининг педагогик асослари. Умумий жисмоний тайёргарлик саломатликни яхшилашнинг асосий воситаси сифатида.

### **5-мавзу.**

Талабаларнинг валеология бўйича ўқув жараёни монито-ринги. Мунтазам жисмоний машғулотларга эҳтиёжни фаоллаш-тириш. Саломатликни аниқлашнинг рейтинг тизими. Саломатликни яхшилаш учун ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилишнинг самарали усуллари. Жисмоний ривожланиш ва гавда тузилишини баҳолаш мезонлари. Жисмоний тайёрликни баҳолаш мезонлари. Жисмоний ҳолатни баҳолаш. Талабалар соғломлаш-тирилишини педагогик назорат қилишнинг рейтинг тизими. Валеология бўйича синов ва имтиҳонларни қабул қилиш низоми.

### **6-мавзу.**

Валеологияни ўқитиш жараёнида тарбия. Ўқитувчи шахси талабани тарбиялаш омили сифатида. Ўқитувчи-тренер шахси талабани тарбиялаш омили сифатида. Шахсни тарбиялаш жараёнида индивидуал ёндашув. Ўз-ўзини назорат қилиш тарбиянинг самарали усули сифатида. Ўрта Осиё халқлари ўйинлари, мусоба-қалари ёшларни тарбиялашнинг самарали воситаси сифатида. Беллашувлар ёшларни тарбиялашнинг самарали воситаси сифатида.

### **7-мавзу.**

Саломатликнинг психологик асослари. Психодиагностика- соғломлаштиришни индивидуаллаштириш асоси. Темперамент ва асаб тизимининг хусусиятлари. Спортда шахснинг шаклланиш пси-хологияси. Саломатликнинг психологик саволлари. Ўқувчи ёшлар асаб тизимининг типологик хусусиятларини тадқиқ этиш. Ўқувчи ёшларнинг эмоционал зўриқишини тадқиқ этиш.

## **8- мавзу.**

Ҳаракат фаоллиги ва саломатлик. Спортда тренировка юкла-малари характеристикаси. Жисмоний машғулотларнинг энергетик қиймати. Мактаб ўқувчилари жисмоний юкласини дозлаш. Талабалар жисмоний тарбиясида юкламаларни меъёрлаштириш. Қуруқ иссиқ иқлим шароитида жисмоний машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари.

## **9-мавзу.**

Саломатликни яхшилашнинг илмий асосланган воситалари ва машғулотларни рационал ташкил этиш. Шахснинг типологик хусу-сиятлари ва ҳаракат сифатлари ўртасида боғлиқликнинг хусусиятлари. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ва уларни яхшилаш воситалари ўртасида ўзаро боғлиқликнинг ўзига хос хусусиятлари. Талабаларнинг қон айланиши хусусиятлари ва юрак-томир тизими функцияларини яхшилаш воситалари. Ҳаракатланиш сифатлари ўртасида ўзаро боғлиқлик хусусиятлари. Саломатликни мустаҳкам-лаш учун машғулотларни рационал ташкил этиш.

## **10-мавзу.**

Талабаларга валеологиядан таълим беришда ахборот таъ-минот. Инсон саломатлигини ташкил этувчилар бўйича телеметрик компьютер комплекси тизими. Юрак ритми мониторлари. Интер-фейслар ва дастурий таъминот. Тана ёғ массасини ўлчаш учун та-розианализаторлар.

## **11-мавзу.**

Овқатланиш ва саломатлик. Овқатланиш ва инсон фаолияти. Ортиқча вазнда овқатланиш. Овқатланиш ва касалликлар. Рационал овқатланиш.

## 12-мавзу.

Ўқувчи ва талаба ёшлар мусобақалари саломатликни мустаҳкамлашнинг самарали воситаси сифатида. Мусобақалар мунтазам жисмоний машғулотларга жалб этиш воситаси сифатида. Ўқувчи ёшларнинг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», талабаларнинг «Универсиада» мусобақалари.

## 13-мавзу.

Орттирилган иммун танқислик синдроми. ОИТС билан зарарланиш йўллари. Инсон иммун танқислик вируси. ОИТС диагностикаси. ОИТС га ҳамроҳ касалликлар. Даволаниш.

## 14-мавзу.

Саломатлик кушандалари (чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳванд-лик). Наркотик модда нима? Гиёҳвандлар ўлимнинг сабаблари.

### *Ўқув соатларини таълим йиллари бўйича тақсимлаш*

№	Машғулот шакллари	Ўқув йиллари			
		I	II	III	Жами
1.	Маърузалар	12	8	8	28
2.	Лаборатория машғулотлари	4	4	4	12
3.	Амалий машғулотлар	18	18	18	54
4.	Семинар машғулотлар	10	8	8	26
	Жами соатлар	44	38	38	120



### *Ўқув соатларини тақсимлаш*

№	Маъруза мавзулари	Маъруза соатлари
1.	Валеология – саломатлик ва соғлом турмуш тарзи ҳақидаги таълимот.	2
2.	Валеология курсининг тузилиши.	2
3.	Валеологияни ўқитиш тизими.	2
4.	Талабаларга валеологиядан дарс беришнинг фаол усуллари.	2
5.	Талабаларни валеологияга ўқитиш таълим жараёнининг мониторинги	2
6.	Валеологияни ўқитиш жараёнида тарбия	2
7.	Саломатликнинг психологик асослари	2
8.	Ҳаракат фаоллиги ва саломатлик	2
9.	Саломатликни яхшилаш ва машғулотларни ташкил этишнинг илмий асосланган воситалари	2
10.	Овқатланиш ва саломатлик	2
11.	Талабаларни валеологияга ўқитишда ахборот таъминот	2
12.	Ўқувчи ва талаба ёшлар мусобақалари ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашнинг самарали воситаси	2
13.	Ортирилган иммун танқислик синдроми	2
14.	Саломатлик кушандалари (чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик)	2
	Жами	28

### *Семинар машғулотлар*

№	Семинарлар мавзулари	Соатлар
1.	Валеология-саломатлик ва соғлом турмуш тарзи ҳақидаги таълимот	2
2.	Жисмоний ривожланиш маълумотларини аниқлаш ва баҳолаш	2
3.	Жисмоний тайёрлик маълумотларини баҳолаш	2
4.	Юрак-қон тизими кўрсаткичларини баҳолаш методикаси	2
5.	Жисмоний аҳвол маълумотларини баҳолаш методикаси	2
6.	Асаб тизимининг асосий хусусиятлари ва шахснинг типологик хусусиятларини баҳолаш методикаси	2
7.	Инсон саломатлиги даражасини баҳолаш методикаси	2

8.	Инсон саломатлигини яхшилашнинг самарали воситалари	2
9.	Рационал ва умумий овқатланиш	2
10.	Инсон саломатлиги даражасини аниқлашнинг ахборот технологиялари	2
11.	Саломатликни мустаҳкамлаш учун дам олишни ташкил этиш шакллари	2

12.	Мусобақалар мунтазам жисмоний машғулотларга жалб этиш воситаси сифатида	2
13.	ОИТС билан зарарланиш йўллари	2

*Лаборатория машғулотлари*

№	Машғулотлар мавзулари	Соатлар
1.	Жисмоний ривожланиш маълумотлари ва морфофункционал кўрсаткичларни аниқлаш	2
2.	Асаб тизимининг асосий хусусиятлари ва шахснинг типлогик хусусиятларини аниқлаш	2
3.	Юрак-қон тизими фаолияти ва жисмоний аҳволи маълумотларини баҳолаш	2
4.	Жисмоний тайёрлик кўрсаткичларини баҳолаш	2
5.	Инсон жисмоний аҳволини аниқлашнинг замонавий ахборот технологиялари	2
6.	Инсоннинг ҳар томонлама тайёрлиги мониторинги	2
	Жами	12

*Мустақил машғулотлар*

№	Мазмуни	Соатлар
1.	Саломатлик паспортини тузиш	2
2.	Саломатликни мустаҳкамлаш дастураарини ишлаб чиқиш	2
3.	Ҳар томонлама тайёрлик мониторинги	2
4.	Бўш вақтни ўтказишнинг рационал шакл ва воситалари	2
5.	Инсон жисмоний аҳволини баҳолаш учун компьютер тизимларни қўлланилиши	2
	Жами	10

## КИРИШ

Валеология - саломатлик ёки қандай қилиб соғлом бўлиш мумкинлиги ҳақидаги фан бўлиб, тиббиёт фанидан тубдан фарқ қилади. Тиббиёт ўз олдига турли касалликлар табиати, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, касалликларни олдини олиш ва даволаш вазифаларини қўйса, валеология саломатлик табиати, соғлом бўлиши омиллари ва механизми масалаларини ечади. (В.П.Казначеев, 1977й).

Барча тараққий этган мамлакатларда саломатлик инсоннинг энг муҳим бойлиги ҳисобланади. Соғлом инсон исталган жамиятда катта кучга эга яратувчилик вазифасини бажаради, қувонч, интел-лектуал ва жисмоний қобилиятнинг манбаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан инсон эҳтиёжи бўлмиш саломатликни мустаҳкамлаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бундан жамият-нинг ҳар бир аъзосида инсон ҳаётида энг муҳим бўлган саломат-ликка бўлган муносабатни тарбиялаш масаласи пайдо бўлади. Бунинг учун соғлом инсон моделини, педагогик назорат тизимини ва жисмоний камолотга эришишнинг эффе́ктив усул ва услублари-ни ишлаб чиқиш лозим. 1-жадвалда ёшлар валеологияси концеп-цияси схема тарзида кўрсатилган.

Жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик, жисмоний ҳолат ва функционал тайёргарликнинг сон кўрсаткичлари ёш инсон саломатлиги даражаси ҳақида нисбатан маълумот беради.

Ушбу дарслик олий таълимнинг экстенсив-ахборот тизими-дан интенсив - фундаментал тизимига ўтишга асосланган янги концепциясини тадбиқ этишга йўналтирилган. Олий таълим истиқбол тараққиётининг асосий муаммоларини ҳал этиш ёшларни жисмонан тарбия қилиш, педагогик соғломлаштириш тизимини

такомиллаштиришни талаб этади. Шунинг учун олий ўқув юртра-рида жисмоний тарбия тизимини қайта қуриш долзарб муаммолар-дан бири ҳисобланади, чунки тадқиқотларимиз натижаларига кўра ўқиш давомида талабалар саломатлиги даражаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Ҳозирги вақтга қадар олий ўқув юртини битираётган ёш мутахассислар кўпинча тўлиқ соғломлашган эмас, бу эса уларнинг келгусидаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий фойдали фаолиятини чеклаб қўяди, натижада ривожланаётган давлатга иқтисодий ва интеллектуал зарар етказди.

Шу муносабат билан педагогикада ёшлар валеологияси саломатликни сақлаш ва яхшилашга, соғломлаштирувчи жисмоний тарбия турлари, услуб ва усулларига, соғлом турмуш тарзи кўник-маларини шакллантиришга йўналтирилган, соғломлаштириш тизи-ми сифатида кўриб чиқилади.

Валеология талабаларда жисмоний тарбиянинг назарий, амалий ва мустақил машғулотларига онгли, барқарор ва позитив муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, саломат-ликни яхшилади, ўқув жараёнларининг унумдорлигини оширади, жисмоний маданият элементларини шакллантиради.

Айни пайтда ушбу дарслик Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни ва «Соғлом авлод учун» нодавлат халқаро жамғармаси белгилаган вазифалар бажари-лишини таъминлайди. «Сиҳат-саломатлик йили» дастурини бажа-риш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги қарорида жисмоний тарбия институтида, университет ва институт-ларнинг жисмоний тарбия кафедраларида «Валеология асослари» фанининг киритилиши ҳақида сўз боради.

Жисмоний баркамоллик саломатлик гарови бўлиб, у шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва ёшларни тарбиялашга ёрдам беради. Тарбия жараёнининг бош вазифаси - тарбиявий фаолият-нинг динамизми ва барқарорлигини кучайтириш, тарбиянинг юқори натижаларини кафолатлаш. Бу эса ўқувчининг индивидуал хусуси-ятларини ҳисобга олувчи педагог шахсиятига асосланади.

Саломатлик инсон ҳаётида, айниқса ёшлигида, муҳим аҳа-миятга эга. Саломатлик даражаси инсоннинг касбий етуклиги ва ижодий ўсишига сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича аҳоли саломатлиги 20% ирсий омилларига, 20-30% атроф муҳит таъсирига, 40-50% турмуш тарзига ва 10% соғлиқни сақлаш хизмати фаолиятига боғлиқ экан. Ҳаёт тарзи саломатликнинг муҳим омили ҳисобланади. Шунинг учун соғлом ҳаёт тарзига ўргатишнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Ёшлар ҳаётда ўз ўринларини энди топаётган, мустақиллик-лари ривожланаётган бир пайтда соғлом ҳаёт тарзини шаклланти-риш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ёшлик пайтида орттирилган кўникмалар бутун умрга мустаҳкам асос бўлади.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, саломатлик ва соғлом ҳаёт тарзи ижтимоий онгнинг муҳим қадриятлари сирасига кирмаган. Жамиятда ёшларнинг соғлом ҳаёт тарзини олиб бориши, ўз сало-матлиги ҳақида қайғуриши деярли қўллаб-қувватланмаган. Бу эса ёшларнинг жисмоний машқлар билан фаол шуғулланмаслигига сабаб бўлган.

Шунингдек, ёшларни жисмонан тарбия қилишнинг мавжуд ҳолатига соғломлаштириш тизими сифатида қаралмайди. Шунинг учун у соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини шакллантирмайди ва саломатликни сақлаш ва яхшилаш усуллари ўргатмайди. Педаго-гик жараён

жисмоний тарбия машғулотларига бўлган эҳтиёжни етарлича фаоллаштирамайди, бу эса жисмоний ривожланиши ва гавда тузилишини яхшиламайди. Таълим мазмуни ва услубий асослари соғломлаштириш принципларини султ акс эттиради, шунинг учун жисмоний тарбия машғулотларининг соғломлаштирувчи таъсири жуда кам.

Бу педагогикада соғломлаштирувчи жисмоний тарбия назарияси ва услубларига асосларини ишлаб чиқишга етарлича эътибор берилмаётганлигига ҳам боғлиқдир.

Ёшлар саломатлиги соҳасида вужудга келган аҳволни таҳлил қилиб, бу муаммо зудлик билан ечилиши лозим бўлган масала эканлигини англаш мумкин. Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш соҳасида туб ўзгаришларни амалга оширмай туриб маънавий, ахлоқий ва жисмоний ривожланиш масалаларини ҳал этиб бўлмайди.

Шунинг учун ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш концепцияси ёшларни ўз саломатлигига муносабатини тубдан ўзгартириш, ҳаракат фаоллигига бўлган эҳтиёжни шакллантириш ва соғлом дам олишни ташкил этишга қаратилган бўлиши лозим.

Муаллифлар ишлаб чиққан илмий-педагогик концепция ёшларни соғломлаштириш, инсоннинг шахсий эҳтиёжларини қондирадиган соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва соғлом ҳаёт тарзи шакллари, усул ва услублари бўйича аниқ масалаларни ҳал этишга мўлжалланган.

## **1-БОБ. ВАЛЕОЛОГИЯ – САЛОМАТЛИК ВА СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРЗИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ**

Олий ўқув юртида тарбиянинг энг муҳим вазифаси – ташқи-лотчилик ва ижтимоий-сиёсий ишларга лаёқатли, раҳбарлик ва мураббийлик қобилиятига эга юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдир.

Олий ўқув юртида тарбиявий жараён кўп қиррали бўлиб, ғоявий-сиёсий, маънавий, касбий, меҳнат, эстетик, ҳуқуқий ва валеологик йўналишларини ўз ичига олади.

Жисмоний тарбия, валеологиянинг таркибий қисми сифатида, саломатликни мустаҳкамлашга, ўқув жараёни унумдорлигини оширишга ёрдам беради, жисмоний маданият элементларини шакллантиради. Битирувчиларнинг ижтимоий-касбий вазифаларини бажариш даражаси, уларнинг жисмоний етуқлиги, гавда тузилиши, жисмоний тайёргарлиги, саломатлигининг аҳволи, ишга лаёқат-лигига боғлиқ бўлади.

Мустаҳкам саломатлик – жисмоний машқлар билан мунга-зам шуғулланиш, соғлом ҳаёт тарзини олиб боришнинг натижаси бўлиб, ўқув ва меҳнат фаолияти унумдорлигининг асосидир. 1-жад-валда инсон валеологиясининг тузилиши акс эттирилган.

### **1.1. Валеологиянинг асосий тушунчалари**


«Валеология» лотинча сўз бўлиб, аloe-«саломатлик», «соғлом бўлиш» маъносини англатади. Бу атамани биринчи бўлиб К.И. Брехман (1987) йилда киритди. Валеология фан ва ўқув предмети сифатида кенг эътибор қозонмоқда.


Дарслик муаллифларидан бири В.Н. Вайнер (2001)нинг фикрича «Валеология» олий ўқув юртларида асосий ўринлардан бирини эгаллайди.



Валеология - инсон саломатлиги, уни мустаҳкамлаш йўллари, аниқ шароитларда инсон ҳаётий фаолиятини шакллантириш ва сақлаш ҳақидаги билимларнинг фанлараро йўналишидир. Ўқув фани сифатида у инсон саломатлиги ва соғлом ҳаёт тарзи ҳақидаги билимлар мажмуасини ташкил этади.

Валеологиянинг марказий муаммоси - индивидуал саломат-ликка муносабат ва шахсни индивидуал ривожлантириш жараёнида саломатлик маданиятини тарбиялашдир.





Инсон саломатлиги бўйича маълумотлар ҳақида телеметрик компьютер комплекс тизими ва Юрак ритми мониторлари - индивидуал ва гурӯҳларнинг саломатлиги захиралари, шунингдек соғлом ҳаёт тарзи демакдир. Валеологиянинг турли касалликларнинг олдини олишни тавсия этувчи профилактик медицинадан асосий фарқи ҳам шунда. (В.Н. Вайнер, 2001).

## 1.2. Валеология предмети

Валеология организм тузилиши ва вазифалари, унинг ҳаракат имкониятлари, жисмоний ҳолатини такомиллаштириш, саломат-ликни сақлаш ва яхшилаш, соғлом ҳаёт тарзи бўйича билим ва кўникмаларни тизимини ўрганиш, мунтазам жисмоний машқларни бажаришга эҳтиёжини мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолият сифатида кўриб чиқилади.

Шу муносабат билан инсоннинг жисмоний ривожланиши ҳақидаги педагогик қонунларни тадқиқ этиш,

шу асосда ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш бўйича махсус педагогик тарбия жараёни назарияси ва методикасини аниқлаш валеология фанининг предмети ҳисобланади.

Ўқитувчиларнинг талабаларда соғлом ҳаёт тарзи кўникма-ларини шакллантириш, уларни саломатлик ва жисмоний етукликни асраш ва яхшилаш бўйича билим ва кўникмалар билан қуроллан-тиришга йўналтирилган педагогик фаолияти валеология фанининг объекти ҳисобланади.

Жисмоний етукликка интилиш деганда инсонни турли ҳаётий шароитларга оптимал мослашувини таъминловчи ва фаол ижодий турмуш, ўқув ва келажақдаги меҳнат фаолияти, ҳаётдаги ўрнининг манбаси ҳисобланувчи жисмоний ҳолати, жисмоний ва функционал тайёргарлиги, гавда тузилиши ва жисмоний ривожланишини яхши-ловчи педагогик жараён тушунилади.

### **1.3. Валеологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси**

Валеология анатомия, физиология, психология, социология, фалсафа, математика, кибернетика ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Валеологиянинг юқорида қайд этилган фанлар билан боғлиқлиги ҳақида кейинроқ аниқ вазифаларини баён этишда сўз юритилади. Ҳозир эса бу муаммонинг айрим умумий масалаларига тўхталиб ўтиш жоиз.

Жисмоний тарбиянинг энг асосий вазифаси инсон саломат-лигини асраш ва яхшилашдир. Шу муносабат билан инсон саломат-лиги тиббий-педагогик тадқиқотларнинг объекти бўлиши лозим. Бу ерда жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, юрак-қон тизими-нинг ишлаши, жисмоний тайёргарлик ва жисмоний аҳвол саломат-ликнинг таркибий

элементлари эканлигини қайд этиш муҳим. Шунинг учун инсонни бошқариш ва унинг жисмоний етуклигига эришиш учун жисмоний тайёргарликни қатор кўрсаткичлар (жисмоний ривожланиш ва гавда тузилиши, жисмоний ва функ-ционал тайёргарлик) бўйича комплекс баҳолаш керак. Олинган тўлиқ маълумотлар асосида инсон саломатлиги даражасини аниқлаш мумкин. Шуни айтиб ўтиш керакки, жисмоний комил-ликка эришиш жараёнини индивидуаллаштириш учун инсоннинг шахсий хусусиятларини билиш керак. Бунинг учун турли психологик тестлар ( Кеттол, Айзенк, Стреляу, Пейсахов, Габдреева тестлари)дан фойдаланиш мумкин. Тиббий педагогик ва психо-логик тадқиқотлар маълумотларини комплекс ҳисобга олиш жисмоний ҳолат ҳақида объектив ахборот олиш соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг турлари ва усулларини аниқлаб олиш имконини беради.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулосага келишимиз мумкин. Педагогик тадқиқотлар, тиббий текширишлар ва ахборот таъминоти усуллари қўлланилган комплекс маълумотлар қуйидаги масалаларни ҳал этишда ёрдам беради:

1. Жисмоний аҳволни аниқлаш.
2. Жисмоний ривожланиш, жисмоний ва функционал тайёр-гарликни баҳолаш.
3. Инсоннинг жисмоний етуклиги динамикасини аниқлаш.
4. Соғломлаштиришнинг эффектив усулларини аниқлаш.
5. Етукликка эришиш жараёнини режалаштириш тизимини ўрганиш.
6. Жисмоний етукликка эришишни индивидуаллаштириш.

7. Жисмоний машқлар билан мустақил, мунтазам, амалий шуғулланишга эҳтиёжни ривожлантириш.

8. Ўз-ўзини назорат қилиш усулларига ўргатиш ва ҳ.к.

Инсоннинг жисмоний етуклиги ҳақида маълумот педагогик, тиббий-биологик ва психологик кўрсаткичлар билан боғлиқликда кўриб чиқилиши керак, бу жисмоний аҳволни объектив бошқариш имконини беради.

Педагогик кўринишларни сон жиҳатдан таҳлил қилишда математик статистикадан фойдаланилади. Математик статистика жисмоний етукликка эришиш ва жисмоний тарбиянинг объектив қонунларини ўрганишнинг эффектив усулларида биридир.

Жисмоний етукликка эришишнинг эффектив соғломлаш-тирувчи воситаларини аниқлаш учун жисмоний ривожланиши, гава тузилиши ва жисмоний, функционал тайёрлиги кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлигини аниқлаш керак.

Ёшларнинг жисмоний етукликка эришишининг илмий асосланган воситаларини аниқлашга бундай ёндашув соғломлаштириш профилактика ишларини эффектив режалаштириш ва машқларни тўғри танлаш имконини беради.

#### **1.4. Валеологиянинг вазифалари**

Валеологиянинг асосий вазифалари:

1. Инсон саломатлиги ва соғлиқ резервларини тадқиқ этиш ва сон жиҳатдан баҳолаш.

2. Соғлом ҳаёт тарзига йўналтириш.

3. Инсон саломатлиги ва соғлиқ резервларини соғлом ҳаёт тарзига йўналтириш орқали сақлаш ва мустаҳкамлаш.

Жисмоний етукликка эришиш - саломатликни асраш ва мус-таҳкамлашдир, шундай экан соғломлаштириш таълим ва тарбиявий масалаларни ҳал этади.

Инсонларда юксак ахлоқий-сиёсий сифатларни шаклан-тириш, мустаҳкам интизом кўникма ва одатларини ҳосил қилиш валеологиянинг тарбиявий вазифаларига киради. Жисмоний тарбия педагогик жараён сифатида ҳар томонлама таълим-тарбиявий таъсир кучига эга.

Жисмоний тарбиянинг ўзига хос вазифаси куч, тезлик, чидам-лилик, чайирлик, чаққонлик каби сифатларни тарбиялашдир. Бу вазифа ҳар томонлама комил шахсни тарбиялаш билан чамбар-час боғлиқдир. Соғломлаштирувчи профилактик таълим - бу турли ка-салликлар тарқалишининг олдини олувчи махсус билимлар ва кўникмаларнинг бир тизимга солинган мажмуасидир.

Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия жараёнида ҳал қилини-ши лозим бўлган таълим вазифалари ҳаётий муҳим, профессионал спорт амалий ҳаракатларига ўргатиш ва соғлом ҳаёт тарзи кўникма-ларини тарбиялашни ўз ичига олади. Шунингдек, соғломлашти-рувчи жисмоний тарбия назарияси ва методикаси асосларини ўрганиш ҳам таълим вазифаларидан бири ҳисобланади. Амалда мустаҳкамланган билимлар асосида соғломлаштирувчи жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишнинг фойдаси ва заруриятига ишонч шаклланади.

Саломатликни мустаҳкамлаш, танани чиниқтириш, унинг турли касалликларга қаршилигини ошириш бу педагогик жараённинг соғломлаштирувчи вазифалари ҳисобланади. Соғлом-лаштирувчи вазифаларнинг муваффақияти жисмоний машғулот-ларнинг соғломлаштирувчи педагогик принциплари талабларига риоя қилишга боғлиқдир. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия бўйича амалий машғулотларда ўқувчиларнинг

жисмоний ривожланиши билан боғлиқ муҳим масала ҳал этилади.

Жисмоний ривожланиш деганда организм шакли ва функ-циялари етилишининг педагогик жараёни тушунилади. Жисмоний ривожланиш инсон кучи етилаётган пайтда, шунингдек, унинг саломатлигида махсус ташкил этилган тарбия таъсири остида рўй бераётган сифат ўзгаришларни ўз ичига олади. Бу маънода у жисмоний тарбиянинг натижаси сифатида кўриб чиқилади.

Жисмоний етуклик шахсни жисмоний тарбия воситалари ёрдамида шакллантирувчи педагогик жараён натижасидир. Таълим бериш - юксак ишчанлик қобилиятини тарбиялаш, саломатликни асраш ва мустаҳкамлаш, соғлом ҳаёт тарзига йўналтириш учун керак бўладиган билим ва кўникмалар билан ёшларни қуроллан-тиришдир.

### 1.5. Валеологиянинг тадқиқот усуллари

Ҳозирги вақтда педагогик тадқиқотлар турли усуллар ёрдамида амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради: педа-гогик кузатиш, педагогик эксперимент, илғор педагогик тажри-баларни ўрганиш ва ўзлаштириш, тадқиқотнинг ижтимоий усул-лари (анкета, рейтинг), математик статистика усуллари, педагогик ғояларни назарий таҳлил қилиш усули ва жисмоний ривожланишни баҳолаш усуллари.

*Ҳар бир усул моҳиятини қисқача кўриб чиқамиз.*

Жисмоний аҳволни ахборот технологиялардан фойдаланиб баҳолаш усули: жисмоний аҳвол бўйича маълумотларнинг юрак ритми мониторинг; интерфейс ва дастурий таъминотнинг; танадаги ёғ массалари тарози-анализаторларининг телеметрик компьютер комплекси тизими.

Педагогик кузатув усули. Педагогик кузатув – ўқув-тарбия-вий жараёни тадқиқотчи аралашивусиз ташкил этишнинг индиви-дуал усулларини баҳолаш ва режа асосида таҳлил этишдир. Педагогик кўринишларни ўрганиши тадқиқотчидан асосли маълумотларни қайд этиш, йиғиш ва таҳлил қилишни талаб этади. Кузатув назарий хулосалар чиқариш учун замин яратиб беради. Хулосалар, ўз навбатида, чуқурроқ таҳлил қилинади ва бошқа усуллар ёрдамида текширилади.

Педагогик эксперимент. Бу ўқитувчиларнинг махсус ташкил этилган педагогик фаолияти бўлиб, у ўзининг олдиндан қўйилган мақсадларига эга. Бунда турли экспериментлардан фойдаланилади. Булар яратувчи - ўзгартирувчи, назорат қилувчи, табиий, наму-навий, лаборатория экспериментлардир.

Тадқиқотнинг ижтимоий усуллари. (анкеталаш, рейтинг). Анкеталаш - бу стандартлаштирилган саволлар тизимига ёзма жавоб бериш йўли билан маълумотлар олиш усулидир. Рейтинг- инсоннинг ҳар томонлама тайёрлигини комплекс баҳолашдир.

Тадқиқотнинг математик усуллари. Педагогик кўринишларни сон жиҳатдан таҳлил қилиш учун математик статистикадан фойдаланилади.

Педагогик ғояларни назарий таҳлил қилиш усули. У таълим ва тарбиянинг муҳим масалалари бўйича чуқур илмий хулосаларни умумлаштирибгина қолмасдан, унинг янги қонуниятларини топиш имконини беради.

Шуни қайд этиш керакки, жисмоний тарбия, асосан, инсонни жисмонан ривожлантиришга йўналтирилган. «Жисмоний ривож-ланиш» деганда махсус ташкил этилган тарбия таъсирида инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш жараёнида рўй бераётган сифат ўзгаришлар тушунилади. Шунинг учун жисмоний етуклик нафақат



жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари, балки жисмоний ривожланиш, организмнинг функционал ва жисмоний аҳволи ҳақидаги маълумотлар билан ҳам белгиланади. Тарбиявий-соғлом-лаштириш жараёнини тўлиқ характерлаш учун ҳар бир педагог тиббий-биологик текширишлардан фойдаланиши керак. Жисмоний етукликка эришиш жараёнида жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, юрак-қон тизимининг функционал ҳолатини назорат қилиш лозим.

Назорат ишлари шуғулланувчининг кучли ва заиф томон-ларини аниқлаш; қўлланилаётган жисмоний машқларнинг афзал-ликлари ва камчиликларини топиш; амалий машғулотлар режасини тузиш имконини беради.

Назорат ишлари турли машқлар ёки тестлар ёрдамида ўтказилади. Назорат машқларини қўллашнинг аниқ тизими тестлаш дейилади. Назорат машқлари - айрим жисмоний сифатлар (куч, чидам, чаққонлик, чайирлик ва ҳ.в.) ёки жисмоний тайёргарликни аниқлаш мақсадида қўлланиладиган мазмуни, шакли ва бажа-рилиши шартлари стандартлаштирилган ҳаракатлардир. Назорат машқлари оддий жисмоний машқлар сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

«Жисмоний ривожланиш» деганда организмдаги кучлар заҳирасини аниқловчи морфологик ва функционал хусусиятлар комплекси тушунилади. Инсоннинг жисмоний ривожланиш даражаси жисмоний машғулотлар характери ва имкониятларини белгиловчи муҳим омидир. Айни пайтда жисмоний ривожланиш жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш натижаси сифатида ҳам кўриб чиқилади.

Жисмоний ривожланиш ҳақида маълумотлар антрометрик ўлчашлар ёрдамида амалга оширилади. Булар: ўпкаларнинг ҳаётий сиғими, ўнг ва чап билаклар, орқа мушаклар кучининг ҳаётий кўрсаткичлари ва ҳ.к.

Гавда тузилишини ўрганишда Кетленинг вазн – бўй индекси, гавда тузилишининг пишиқлиги, семизлик, тананинг ёғ ва фаол массаси кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Юрак-қон тизимининг функционал ҳолатини тадқиқ этиш дозалаштирилган жисмоний юклама (30 сек ичида 20 марта ўтириб-туриш), Кверг индекси, Руфье синови ва ҳ.з. лар ёрдамида амалга оширилади.

Жисмоний аҳвол тадқиқ этиш телеметрик компьютер комп-лекси, юрак уриши монитори, Л. Ивашенко тестлари, Е.А. Петрова, Г.А. Апанесенко, Л.А. Калинина методикаси ва инсон саломатлиги даражасининг кўрсаткичлари ёрдамида амалга оширилади.

Тайёргарликни комплекс баҳолаш ёрдамида талаба шахсия-тини ҳар томонлама ўрганиш жисмоний камолотга эришиш ва ёшларни тарбия қилиш, саломатлик даражасини аниқлаш жараё-нини бошқаришнинг асоси ва валеология фанининг базасидир.

### 1.6. Саломатлик ва соғлом ҳаёт тарзи

Мутахассисларнинг баҳо беришича аҳоли саломатлигининг 40-50% ҳаёт тарзига боғлиқ. Зарарли одатлар, нотўғри овқатланиш, алкоголь ва тамақини меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, кўп ўтириш, стресс, атроф-муҳитнинг ифлослиги турли касалликларга (юрак-қон ва нафас олиш системаси касалликлари, ошқозон-ичак функцияларининг бузилиш ва ҳ.з.) олиб келиши маълум. (2-жадвал).

2-жадвал

#### Зарарли одатлар хавфи омиллари

Касалликлар	Нотўғ-	Алкоголни	Чекиш	Кўп	Стресс	Атроф
-------------	--------	-----------	-------	-----	--------	-------

номлари	ри овқат- лани ш	меъёридан ортиқ истеъ- мол қилиш		ўтириш	лар	оламнин г ифлос- ланиши
Юрак - қон касалликлар и						
Юрак касал- ликлар	ҲҲ	Ҳ	ҲҲ	ҲҲ	ҲҲ	
Инсулт	ҲҲ	ҲҲ	Ҳ	ҲҲ	ҲҲ	
Гипертония	ҲҲ	ҲҲ	Ҳ	ҲҲ	ҲҲ	
Рак						
Ичак	ҲҲ					
Ўпка			ҲҲ			
Оғиз бўшлиғи		Ҳ	ҲҲ			
Ошқозон	Ҳ					
Нафас олиш йўллариининг касалликлар			ҲҲ			
Цирроз		ҲҲ				
Диабет	ҲҲ	ҲҲ		ҲҲ	ҲҲ	
Остеопороз	ҲҲ	ҲҲ	Ҳ	ҲҲ		
Овқатланиш режимининг бузилиши билан боғлиқ касаллилари	ҲҲ	Ҳ		ҲҲ		
Яра касаллик- лари	ҲҲ	ҲҲ	ҲҲ		ҲҲ	
Туғма касалликлар		ҲҲ	ҲҲ			Ҳ

Белгилар: Ҳ- хавф

ҲҲ- юқори хавф

Ёш ўтган сайин ва соғлом ҳаёт тарзининг бузилиши билан орттирилган касалликлар сурункали касалликларга айланади (3-жадвал).

Бундан, инсон қандай ҳаёт тарзи юритишига қараб саломат-лиги даражаси ҳақида сўз юритиш мумкин, деган хулосага келиш мумкин.

3-жадвал

**Инсоннинг ёшига қараб касалликларни олдиндан айтиб бериш**

Сизнинг асосий касалликларингиз	Номи	Сизнинг ёшингизда бўлиши мумкин бўлган касалликлар				
		26-30 ёш			5 йилдан сўнг	
Алкоголизм	АЛ					БХ
Атеросклероз	А	ЦҚД	ЯБ		ИС	ОХ
Сурункали бронхит	СБ.					ПР
Бавосил	Х	Х				КЖ
Гипертоник касаллик	ГК	ЯБ	ХХ	ЦХ	А	БС
қандли диабет	ЗД	ОХ			А	ХХ
Ўт-тош касалликлари	КЖ	ОХ				ПН
Юрак ишемик касалликлари	ИС	ХХ				
Нефрит	Н				А	АЛ
Шишлар	Т					ТФ
Остеохондроз	ОХ					ЗД
Пиелонефрит	ПН	Х			КБ	ЦХ
Туғма порок	ПР				ТФ	ЗД
Буйрак-тош касалликлари	КБ	ОХ			А	ПН
Ревматизм	Р	ОХ			ТФ	Т
Тромбофлебит	ТФ	ОХ			ПР	Т
Сурункали холецистит	ХХ	КЖ				ИС
Жигар циррози	ЦҚД	А				ХХ

Шунинг учун ҳаёт тарзи саломатлик базиси сифатида қўриб чиқилади. Саломатлик даражасини тана оғирлиги, ўпкаларнинг ҳаётий сифими, юрак қисқаришларининг

частотаси, қон босими, стандарт синовдан кейин юрак уриши тикланишига кетган вақт ва ҳ.з.ларнинг оддий кўрсаткичлари ёрдамида аниқлаш мумкин. Саломатликнинг таркибий элементларига инсоннинг жисмоний ва функционал тайёргарлиги ҳақидаги маълумотлар киради. Сало-матликни асраш ва мустаҳкамлаш, деганда жисмоний ривожланиш гавда тузилиши, жисмоний ва функционал тайёрликни яхшилаш тушунилади. Саломатликни яхшилашга эса мунтазам жисмоний машғулотлар орқали эришиш мумкин.

Абу Али ибн Сино саломатлик ҳақидаги фаннинг асосчи-ларидан биридир. Аллома касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш билан биргаликда саломатликни асрашга ҳам катта эътибор берган. У жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш соғлом бўлишнинг кучли омили эканлигини кўп бора қайд этган.

Т.И.Искандеров, В.И.Исхақов ўз ишларида қадимий дунё ва Шарқ анъаналари билан уйғунлашган турли жисмоний машқлар ҳақида сўз юритадилар. Булар: отда юриш, югуриш, кураш, тош кўтариш, тўп ўйинлари ва ҳ.з.

### **1.7. Жисмоний тарбия ва саломатлик**

Жисмоний тарбия - жамиятдаги умумий маданиятнинг бир қисмидир. Шунингдек, у инсоннинг жисмоний қобилиятини ривож-лантириш, саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган ижти-мой фаолият соҳаларидан биридир. Жамиятда жисмоний маданиятнинг аҳволи ҳақида қуйидаги кўрсаткичлар орқали сўз юритиш мумкин: инсонлар саломатлиги ва жисмоний маданияти савияси; таълим ва тарбия, соҳасида ишлаб чиқариш ва турмушда жисмоний тарбиядан фойдаланиш даражаси; бўш вақтдан фойда-ланиш; жисмоний тарбия тизимининг

характери, оммавий спортнинг ривожланиш, спортдаги юксак ютуқлар.

Жисмоний тарбиянинг асосий элементлари: жисмоний машқ-лар, машқлар комплекслари ва улар бўйича мусобақалар, танани чиниқтириш, меҳнат ва турмуш гигиенаси, спорт туризми.

Жисмоний тарбия жамиятдаги умумий маданиятнинг бир қисми ҳисобланар экан, умуммаданий ва ижтимоий вазифалар (таълим - тарбиявий, норматив, ўзгартирувчи, ўргатувчи).

Жисмоний тарбия ўзининг умуммаданий ва ижтимоий вазифаларини ўзининг махсус воситалари ёрдамида бажаради. Бу вазифаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Организмни инсоннинг ёши, жинси, соғлиғининг аҳволи, жисмоний ривожланишидан қатъий назар ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

2. Ёшларни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига жисмонан тайёрлаш.

3. Ёшларнинг фаол дам олиш ва бўш вақтдан унумли фойдаланиш эҳтиёжини қондириш.

4. Ёшларнинг иродасини, жисмоний қобилиятларини ва ҳаракат имкониятларини чиниқтириш.

Маълумки, жисмоний тарбия ва спорт ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш иш қобилиятини ўстиради, соғлом ҳаёт тарзига эҳтиёжни тарбиялайди, бу эса узоқ йиллар мустаҳкам саломатлик ва ижодий фаоллик гаровидир.

Шунинг учун ўқувчи ва талаба ёшларни жисмоний тарбия қилиш бўйича ўқув жараёнларни такомиллаштириш республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим давлат аҳамиятига эга, чунки ёшлар саломатлиги

омили халқ хўжалиги учун ишчи ресурслар резервини тайёрлашнинг асоси ҳисобланади. Шу муносабат билан олий ўқув юртлиари даргоҳидан чиқаётган мустақил Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг бўлажак мутахассислари жисмоний тарбия ва спортни меҳнат фаолиятида, турмушда, ҳарбий бурчни бажаришда жорий этишга тайёр бўлишлари ва спортнинг ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир этишини чуқур тушунишлари керак.

Ҳозирги вақтда ўқувчи ва талаба ёшлар саломатлигида жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Айниқса мактаб ва олий ўқув юртини битириш олдидан ёшлар саломатлигининг ёмонлашуви кузатилмоқда. Бунга ёшларнинг кам ҳаракатлилиги сабаб бўлмоқда.

Кам ҳаракатлилиқ семизлик, диабет, невроз, ясси товонлик, қоматнинг бузилиши каби касалликларнинг ривожланишига олиб келади.

Жисмоний тарбия бўйича мутахассислар ҳаракат фаолигини саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда муҳим омиа ҳисоблай-дилар. Шунинг учун Г.Б. Мейксон, Л.Е. Любомирский ва тадқиқот-чилар гуруҳи жисмоний тарбия бўйича комплекс дастур ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама ривожланишига, саломатликни мустаҳкамлашга, чиниқтиришга, ўқувчиларнинг иш қобилиятининг ўсишига, кундалиқ ҳаракат режимини ташкил этишга йўналтириш лозим, деган фикрга келмоқдалар. Айни пайтда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, педагогика соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг шакллари, воситалари, усуллари ва методик кўрсатмаларни ишлаб чиқишга етарлича эътибор бермаган.

Шу пайтга қадар жисмоний тарбияда ўқувчи ва талабалар, асосан, чидамлилиқ, чаққонлик, куч, тезлик, чайирлик ва бошқа сифатларни ривожлантириш ғояси

асосий ўрин эгаллаган. Ёш спортчиларни, шунингдек, юқори малакали спортчиларни тайёрлаш масалаларини ҳал қилувчи спорт машғулотилари методологиянинг базиси ҳисобланади. Шу муносабат билан жисмоний тарбия машғулотилари мазмунини тубдан ўзгартириш керак, чунки ёшлар саломатлиги кескин муаммо бўлиб турибди. Бундан ташқари, инсоннинг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашга, жисмоний машғулотлардан оладиган қониқишга бўлган эҳтиёжини, унинг қизиқишларини ҳам эътиборга олиш керак.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 283 та америкалик ва инглиз педагоглари машғулотларни ўқувчиларнинг қобилиятига, ўқитувчи-ларнинг учдан бир қисми эса ўқитувчиларнинг қизиқишлари ҳаётий тажрибаларига асосланиб режалаштирадilar.

Ёшларни жисмоний тарбия қилишда индивидуал ёндашув соғломлаштирувчи жисмоний тарбия педагогик тизимининг асосий йўналишига айланиши керак. Шу муносабат билан инсон баркамол-лигини комплекс баҳолаш ёрдамида индивидуал имкониятларни диагностика қилиш жисмоний етуқликка эришишнинг асоси бўлиши керак.

Айни пайтда, жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, жисмоний ва функционал тайёрлик - буларнинг барчаси мунтазам жисмоний тарбия машғулотларининг натижасидир. Бунда инсон ўз саломатлигининг мустаҳкамланиши жиҳатидан қониқиш ҳосил қилади. Бу эса ўз навбатида унинг жисмоний ва ақлий фаолигини оширади, натижада ўқув ва меҳнат фаолиятининг унумдорлиги ошади.

Шундай қилиб, саломатликка валеология нуқтаи назаридан қараш керак. Чунки валеология инсоннинг жисмоний баркамол-лиги, ҳаракатсизлик ва зарарли одатлар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган турли



касалликларнинг олдини олишга сабаб бўлувчи жисмоний тарбия формалари, усул ва воситалари ҳақидаги фандир.

Калит сўзлар: саломатлик, соғлом ҳаёт тарзи, саломатлик маданиятини тарбиялашда ҳалал берувчи омиллар.

Назорат учун саволлар:

1. Валеология таърифи.
2. Валеология предмети.
3. Валеологиянинг тадқиқот усуллари.
4. Валеология мақсадлари.
5. Валеология вазифалари.
6. Валеологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси.

Адабиётлар:

1. «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги қонун. «Халқ сўзи», 2000 йил 26, 1б.
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Т.: Фан, 1980.
3. И.И.Брехман. Введение в валеологию - науку о здоровье. Ф и С., 1990.
4. И.И.Брехман. Валеология - наука о здоровье. Ф и С., 1990.
5. Э.Н.Вайнер. Учебник для вузов. М.: Флинта: Наука, 2001.
6. Т.И.Искандеров, Б.И.Исхаков. Здоровый образ жизни: восточные традиции и современность.
7. В.Р.Казначеев. Теоретические основы валеологии. Ново-сибирск, 1993.
8. И.А.Кошбахтиев. Валеология студенческой молодежи. Т., 2000, 147 б.



## 2 - БОБ. ВАЛЕОЛОГИЯ КУРСИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ўсиб келаётган авлодга саломатлигини яхшилашни талаб этади, чунки бу республиканинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши-ни кўп жиҳатдан таъминлайди. Шунинг учун ёшлар саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик муаммодир.

Ёшлар саломатлиги муаммоси қатор сабабларга кўра муҳим аҳамият касб этади. Ёшлар халқ хўжалиги ишчи ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. Бу аҳолининг саломатлик жиҳатдан заиф, чуқур ўйланган профилактика тизимига муҳтож континген-тидир. Айни пайтда ривожланиб келаётган ёш организм соғломлаш-тириш усулларига фаол жавоб беради ва бу усуллар самарасини янада оширади.

Ўзбекистон аҳолисининг 33,3%, яъни республиканинг ҳар учинчи фуқароси 14 дан 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлардир. Айни пайтда ёшлар саломатлиги чуқур ташвишга солмоқда. Ҳаётнинг давомийлиги ривожланган мамлакатлардагига нисбатан 7 йилга кам, бу фарқ йилдан-йилга узайиб бормоқда. Болалар ўлими кўпаймоқда. Ўқувчи ва талабалар саломатлиги ҳам ёмонлашиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ёшлар ўртасида касалликларнинг олдини олиш долзарб муаммога айланиб боряпти. Геронтологларнинг кузатишлари нати-жасида қуйидаги хулосаларга келинди:

- ҳаёт ўртача давомийлигининг ўсиши деярли тўхтади;
- 30-45 ёшда ўлим ҳоллар кўпайиб бормоқда;
- 35-45 ёшдаги эркаклар ўртасида касалликлар сони ўсиб боряпти;
- мактаб ўқувчиларида атеросклероз ва гипертония касаллик-лари аломатлари қайд этилмоқда;

- шифохона ва поликлиникаларда даволанувчилар сони кўпайиб бормоқда;

- алкоголь ва тамаки истеъмоли ошиб борапти.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбо-сари Б. Юлдашевнинг таъкидлашича, мутахассисларнинг берган маълумотларига мувофиқ, биринчи синф ўқувчиларининг 70-80% соғлиғида камчиликлар мавжуд. Бу камчиликлар ўсмирлик даврига келиб сурункали кўринишга ўтмоқда. Масалан, биринчи синф ўқувчиларининг 15-20% да кузатилган асаб-руҳий бузилишлар 8-10 синфларга келиб 54-80% га кўпаймоқда; ортопедик патоло-гиялар 10-15% дан 50-88 га ошмоқда. 15-17 ёшдаги тошкентлик ўқувчи-ларнинг 8,5% гина соғлом эканлиги, қолган 91,5% орга-низмида турли касалликлар аломатлари мавжудлиги аниқланган.

Турли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар соғлиғи текширилганда, уларнинг 40% турли сурункали касал-ликлар (психологик касалликлар ва невроз, нафас олиш органлари касалликлари, юрак-қон тизими ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари) билан оғриши маълум бўлди. Шуниси ачинарлики, кўпчилик талабалар асаб-руҳий касалликлари билан оғриган. Касаллиги туфайли талабалиқдан ўчирилган ёшларнинг 45% айнан руҳий ва психологик касалликлар билан оғриганлиги маълум. Талабаларда турли касалликлар жисмоний машқлар билан шуғулланиши сусайган пайтда кучайиши кузатилган. Олий ўқув юртини битираётган талабалар саломатлиги исталган даражада эмас.

Саломатлик инсон ҳаётида, айниқса ёшлик чоғларида муҳим аҳамиятга эга. Саломатлик даражаси унинг касбий қобилиятига, ижодий ўсишига жиддий таъсир кўрсатади.

Тошкент Давлат тиббиёт институти талабалари саломатли-гини кузатиш натижасида қуйидагилар маълум

бўлди. Талаба-ларнинг 25% га яқини юрак-қон ва қорин касалликларига; 13%- қомат бузилиши ва скалиоз билан, 10% - кўз касалликлари, 10% нафас олиш органилари касалликлари билан оғриган. Юрак-қон касалликлари олдини олиш биринчи даражали муаммо ҳисоб-ланади.

1985 йилда талабалар ўртасида жисмоний фаоллик даражаси ўрганилди. Москвалик биринчи курс талабалари ўртасида жис-моний активлик йигитлар ўртасида 41%, қизлар ўртасида 64% ни, Харьковда- 49 ва 75%, Алматида 67 ва 64%ни, Тошкентда 58 ва 84% ни ташкил этди. Кўпчилик талабаларнинг онгида жисмоний тарбия ва спорт касалликларининг олдини олувчи омил эканлиги шакланмаган. Ваҳоланки, нафақат республикамизда, балки чет давлатларда ҳам ўтказилган кўп сонли тадқиқотларда жисмоний машғулотларнинг инсон организмга ижобий таъбир этиши ва улар турли касалликлар профилактикасида эффектив восита ҳисоблани-шини исботланган.

Шунга қарамай, ёшларни жисмоний тарбия қилишга соғломлаштирувчи тизим сифатида қаралмайди, шунинг учун бундай жисмоний тарбия ёшларни соғлом турмуш тарзига тайёрламайди, уларга саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш усуллари ўргатмайди.

Педагогик жараён жисмоний тарбия бўйича амалий машғу-лотларга эҳтиёжни ривожлантирмайди, жисмоний ривожланиш ва функционал имкониятларни яхшиламайди.

Ўқитиш мазмуни ва методик асослари соғломлаштиришга йўналтирилмаганлиги сабабли жисмоний тарбия дарсларида соғломлаштирувчи эффект йўқ.

Бу, шунингдек, тиббиёт ва педагогиканинг соғломлаштирувчи жисмоний тарбия назарияси ва методикасига етарли эътибор бермаётганлигига ҳам боғлиқдир.

Ёшлар саломатлиги соҳасидаги аҳвол таҳлили шуни кўрса-тадики бу муаммо ҳозирги кунда кескин тус олган. Жисмоний тарбия дидактикасида туб ўзгаришлар амалга оширмай туриб руҳий, ахлоқий ва жисмоний соғломлаштириш масалаларини ҳал этиш мумкин эмас.

Саломатлик аҳволи инсон омилининг табиий асосларига таъсир этишини қайд этиш муҳим аҳамиятга эга. Мустаҳкам саломатлик иш кучи сифатини ҳам оширади. Соғлом инсон бир хил шароитда саломатлиги ёмон инсонга нисбатан оғирроқ ишни бажариш ва моддий фойда келтириш имкониятига эга. Шундай қилиб, соғлом инсон - юқори сифатли ишчи кучидир.

Маълумки, талабаларнинг касалликларга кўп чалиниши сабабларидан бири - уларнинг кам ҳаракатлилигидир. Рационал жисмоний юкламаларнинг йўқлиги, биринчи навбатда, семириш, диабет, невроз, қоматнинг бузилиши, ясситовонлик каби касаллик-ларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Юрак-қон ва нафас олиш тизимларининг функционал резервлари камаяди, турли инфек-циялар, шамоллашлар, реҳий стрессларга чидамлилиги пасаяди.

Шунинг учун ҳаракат фаоллилигига ҳозирги пайтда жисмо-ний кўринишнинг яхшиланишида эффе-ктив восита сифатида қаралади.

Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш саломат-ликни мустаҳкамлашга, ўқиш унумдорлигини оширишга ёрдам беради, жисмоний маданият элементларини шакллантиради. Сало-матлик - ижтимоий-иқтисодий, биологик, экологик, тиббий ва психоэмоционал таъсирларнинг натижасидир ва уни соғломлаш-тирувчи жисмоний машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш мумкин. Соғломлаштирувчи жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулла-ниш организмнинг атроф-муҳит ва инфекциялар таъсирига табиий қаршилигини оширади.

Шу вақтга қадар ёшларни жисмоний тарбия қилишда техник усулларга ўргатиш, жисмоний сифатларни ривожлантириш концепцияси илгари сурилган. Бундай методология етарли соғломлаш-тирувчи эффе́ктага эга эмаслиги амалиётда синалди, шунинг учун уни бошқатдан кўриб чиқилиши лозим.

Сўнги вақтларда инсоннинг соғломлашишига бўлган эҳти-ёжни қондирувчи йўналишлар тобора кенг тарқалмоқда. Бундай концепция соғломлаштирувчи спорт клублари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди.

### **ЖИСМОНИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ СОҒЛОМЛАШТИРИУВЧИ ЙЎНАЛИШИ**

Агар спорт тиббиёти ўз тараққиётининг биринчи ўн йилликларида тиббий назоратда ўз эътиборини спортчиларнинг ҳаракат органларининг шикастланишига қаратган бўлса, ҳозирги кунда янги, валеологик йўналиш пайдо бўлмоқда. Ушбу йўналиш ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларнинг натижасида қатор касалликларнинг келиб чиқиши ва ўсиши асосида туғилмоқда. Ҳозирги кунда энг ёмон касалликлар сифатида юрак-қон касал-ликлари, онкологик ва ошқозон-ичак касалликлари тилга Олин-моқда. Юрак-қон касалликлари асосида атеросклероз ва унинг ривожланишига сабаб бўлувчи патологик ҳолатлар ётади. Булар- семизлик, қанд касаллиги, артериал гипертония, ҳаракатнинг чекланганлиги, руҳий стресслар ва овқатланишнинг бузилиши ва бошқалар.

Н.И.Аринчин усули бўйича бизнинг тадқиқотчиларимиз томонидан юқори курс талабаларида гипертония касаллигининг томир - патогеник шаклига ўтиб кетиши хавфи аниқланган.

Россия ва чет эл мутахассисларининг ўтказган тадқиқотлари натижасига кўра аэробик машқлар артериал босимнинг пасайишига ёрдам берар экан. Бу эса юрак - қон тизими ишининг нормал-лашувига ва ортиқча вазннинг камайишига олиб келади. Масалан, мунтазам калорияли овқатланиш шароитида 20 дақиқа тез юриш, 15 дақиқа велосипед ҳайдаш ва 10 дақиқа югуришни ўз ичига олган жисмоний юклама ҳар йили 5 кг вазндан қатъий халос бўлиш имконини беради.

Французларда ажойиб мақол бор: оғоҳлантирилган инсон -қуролланган инсон. Соғломлаштирувчи жисмоний машқлар турли касалликларнинг олдини олишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Соғломлаштирувчи жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш яхши кайфият, юқори ишчанлик, ахлоқий вазминлик асосидир.

Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш валеоло-гиянинг асоси бўлган саломатликка, талаба организмнинг ҳаракат ва функционал имкониятларига ижобий таъсир кўрсатади.

Соғломлаштирувчи жисмоний машқлар организмнинг ташқи муҳитнинг салбий таъсирларига қаршилигини оширади ва шу сабабли саломатликни мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олишда самарали восита ҳисобланади.

Шунинг учун соғломлаштирувчи жисмоний машқлар валео-логия педагогик жараённинг асоси бўлиши керак. Шу муносабат билан ёшларни валеологик тарбия қилиш мазмуни ёшларни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялашга ёрдам берувчи, ўзаро боғлиқ аниқ вазифаларни бажаришга йўналтирилган бўлиши лозим. Булар:

- талабалар саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ривож-лантириш, чиниқтириш, иш қобилиятини ошириш;



- мунтазам жисмоний машғулотларга эҳтиёжни, жисмоний етукликка, яратувчанлик ва мустақил давлатимизни ҳимоя қилишга интилишни тарбиялаш;

- мустақил давлат қурувчиларининг юқори ахлоқий сифат-ларини тарбиялаш, ўз саломатлиги ҳақида қайғуриш нафақат шахсий балки жамият олдидаги бурч эканлиги ҳақидаги тушунчани шакллантириш;

- соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини ҳосил қилиш;

- соғломлаштиришнинг, касалликларни олдини олишнинг турли шакл, усул ва воситаларидан фойдаланишни ўргатиш;

- бўш вақтдан унумли фойдаланиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш, кундалик ҳаракат режимини ташкил этиш кўникмаларини шакллантиришга ўргатиш;

- ҳаракат хусусиятларини ривожлантириш.

Ўқувчи ёшлар саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этиш ёш авлодни жисмонан ва маънан вояга етказиш, ривожланиб келаётган давлатнинг фаол қурувчиларини ҳар томонлама тарбиялашнинг асоси ҳисобланади.

Ёшлар саломатлиги муаммоси қатор сабабларга кўра долзарб ҳисобланади. Талаба ёшлар мустақил давлат раҳбар ходимларининг асосий резерви ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг иқти-содий ва ижтимоий тараққиёти ёш мутахассисларнинг билими, моҳирлиги ва уларни ўқитиш тизимига боғлиқ. Ёшлар маълум билимларни саломатликни мустаҳкамловчи, ўқув ва меҳнат фаолия-тининг унумдорлигини оширувчи соғломлаштирувчи жисмоний тарбия воситалари ва усуллари бўйича эгаллашлари керак.

Шунинг учун соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ёшлар саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олувчи валеологик жараён

ҳисобланади. Профилактика икки турга бўлинади: ижтимоий ва шахсий профилактика.

## **2.1. Ижтимоий профилактика Ўзбекистон Республикаси аҳолиси саломатлигининг омили сифатида**

Тиббиётда профилактика инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олиш ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф қилишни англатади.

Ижтимоий профилактиканинг замонавий тушунчаси инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, уни жисмоний ва руҳий қувватини ҳар тарафлама ривожлантиришни ўзига мақсад қилиб олган давлат, жамоат ва тиббий тадбирларнинг комплекс тизимини ўз ичига олади. Тиббиёт соҳасида касаллик-ларнинг олдини олиш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, унинг умрини узайтириш бўйича етарлича тадбирлар ишлаб чиқилган.

Аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш ривожла-наётган давлат шароитида алоҳида ижтимоий мазмун касб этади ва қуйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб этади:

- аҳоли маданияти ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириш;
- табиий муҳитнинг инсон ҳаёти учун қулай параметрларини асраш;
- ишлаб чиқариш ва турмуш учун оптимал шароитларни яратиш;
- ҳар бир инсонни, унинг илк болалик чоғидан бошлаб, жисоний ва руҳий ривожлантириш;
- соғлом ҳаёт тарзи, меҳнат ва дам олишнинг рационал режимини шакллантириш;

- аҳолининг турли қатламлари хусусиятларини эътиборга олиб ҳар томонлама гигиеник тарбиялаш;

- аҳоли саломатлигини умумдиспансеризация асосида динамик кузатиш тизимини тадбиқ этиш.

Инсон саломатлиги аҳолини кузатиш қуйидагиларни кўрсатди:

- аҳолининг 16-20% саломатлиги даражаси қониқарли;

- аҳолининг 32-44% саломатлиги даражаси қониқарсиз;

- аҳолининг 10-34% турли касалликларга чалинган ёки касаллик олди ҳолатида.

Саломатлик даражаси қониқарсиз ҳолатда физиологик тизимнинг элементлари ўртасида келишмовчиликлар рўй беради, органлар ўз вазифаларини яхши бажармайдилар, натижада, чарчаш ва ҳолдан тойиш кузатилади.

Шунинг учун тиббиётнинг замонавий босқичида асосий эътибор профилактикага қаратилган.

Тиббиётда профилактика воситалари етарлича, лекин ўсиб келаётган авлод, асосан, даволовчи жисмоний тарбия, медикаментлар ва ҳ.з. воситалар асосида соғломлаштирилади. Яъни, касалликларнинг олдини олиш эмас, уларни даволаш усулларида фойдаланилади. Ахир, саломатликни асровчи, касалликларнинг олдини олувчи, умрни узайтирувчи тадбирлар тиббиёт учун ҳам муҳим. Кўп мамлакатларда даволовчи тиббиёт профилактик тиббиётдан ажратиб қўйилган.

Ижтимоий профилактика масалаларини ҳал этиш мақсадида «Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликлар профилактикасини кучайтириш ишларининг комплекс дастури» ишлаб чиқилди ва унинг давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан бажарилиши масалалари ҳал этилди. Профилактик йўналиш тараққиётининг асосий босқичлари кўрсатиб берилган. Атроф-муҳитни соғломлаштириш, меҳнат шароитларини ва муҳофазасини

яхшилаш, соғломлаштирувчи санитар тадбирларини ўтказиш, аҳолининг рационал овқатланишини таъминлаш, аҳолини гигиеник тарбия қилиш бўйича ишларни фаоллаштириш масалалари ҳам кенг ёритилган. Шунингдек, олий ўқув юртларида «саломатлик» мақсадли комплекс дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга қуйидаги бўлимлар киритилган: меҳнат шароити ва муҳофазасини ташкил этиш; тиббий таъминот; рационал кун тартибини ташкил этиш; жисмоний соғломлаштирувчи тадбирлар; уй-жой хизмати; моддий-техник таъминот; санитар ёритув ишлари.

2005 йили республикада аҳолини соғломлаштириш бўйича давлат дастури қабул қилинган ва унда қуйидаги бўлимлар мавжуд:

- 1) соғлом ҳаёт тарзи муаммоларини ўрганиш;
- 2) болалар боғчаси ва мактабда соғлом ҳаёт турзига эҳтиёжни шакллантириш;
- 3) лицей, коллеж ва педагогика олий ўқув юртларида соғлом ҳаёт тарзига эҳтиёжни шакллантириш;
- 4) ўрта махсус ўқув даргоҳларида соғлом ҳаёт тарзига эҳтиёжни шакллантириш;
- 5) малака ошириш тизимида соғлом ҳаёт тарзига эҳтиёжни шакллантириш муаммоларини ўрганиш;
- 6) соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш жараёнини ўрганиш ва уни назорат қилиш тизими;
- 7) аҳолининг соғлом ҳаёт тарзига эҳтиёжи асослари;
- 8) соғлом ҳаёт тарзини ташвиқот ва тарғибот қилиш;
- 9) соғлом ҳаёт тарзини Ўзбекистон Республикасининг хал-қаро алоқаларига тадбиқ этиш.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий профилактика тиббиётда кенг ишлаб чиқилган, ҳар бир шахс саломатлигининг гарови бўлган индивидуал профилактикага эса етарлича эътибор берилмаяпти. Ижтимоий

профилактика индивидуал профилактик тадбирлар учун шароит яратиб бериши керак.

## **2.2. Индивидуал профилактика шахс саломатлигининг асосидир**

Касалликлар - инсоният учун офатдир. Қанчадан-қанча ин-сонлар улар туфайли бевақт ҳаётдан кўз юмадилар, меҳнат қилиш қувончидан маҳрум бўладилар.

Касалликлар билан инсонпарвар фанлардан бири тиббиёт шуғулланади. Тиббиёт умумбашар маданиятининг илк даврида пайдо бўлган ва улкан ютуқларга эришган. Аммо касалликларнинг барчаси ҳам тиббиёт томондан енгилмаган. Кўп асрлар давомида шифокорларнинг асосий ва ягона вазифаси беморларни даволаш ҳисобланган. Бироқ тиббиётда янги нуқтаи назар пайдо бўлди: касалликларни нафақат даволаш, балки уларнинг олдини олиш керак. Ўтган асрданоқ олимлар келажак профилактик тиббиётники, деб ҳисоблашган.

Кўпгина чет давлатларида ҳозирги кунга қадар даволовчи тиббиёт профилактик тиббиётдан кескин ажратиб қўйилган.

Тиббиётда профилактика - инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш бўйича усул ва воситаларнинг бирили-гидир. Индивидуал профилактика турмушда ва ишлаб чиқаришда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни кўзда тутаяди. Ижтимоий профилактика эса коллектив саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Профилактика тушунчаси ва уни амалга оширишнинг аниқ шакллари жамиятнинг ва фан тараққиётининг турли тарихий босқичларида ўзгариб турган.

Илк тиббий ва гигиеник билимлар инсон ҳаётини фаолиятининг бошланғич босқичларида кузатишлар ва тажрибалар асосида туғилган ва халқ тиббиётининг асоси бўлиши удумлар, усул ва воситалар орқали мустаҳкамланган. Касалликларнинг олди-ни олиш ва уларни даволашда табиат кучлари (қуёш, сув, ҳаво) дан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг даволовчи воситалари катта аҳамиятга эга бўлган.

Зардуштийликнинг муқаддаси китоби «Авесто»да (э. ав. IX аср - э. III асри) Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон ва Афғонистон ҳудудида эраמידан аввалги минг йилликда яшаган халқлар тиббиёти ҳақида кўплаб маълумотлар берилган. Ўша даврда инсон анатомияси ва физиологияси ҳақида илк тушунчалар пайдо бўлган. Касалликларнинг олдини олишга катта эътибор қаратилган («Касал-ликнинг илдизини сенга тегмасидан олдин қурит»), унинг асосида гигиеник характердаги - овқатланиш тартиби, оилавий ҳаёт, ҳоми-ладор ва эмизувчи аёлларга муносабат, маст қилувчи ичимликлар ичишни тақиқловчи кўрсатмалар берилган.

Ю. Шодиметовнинг таъкидлашича, профилактика соғлом инсон танасининг ҳимоя механизмини мустаҳкамлаш, чиниқтириш, унинг қаршилиқ кучини оширишга йўналтирилган. Улар инсон танаси ва атроф муҳит ўртасида динамик мутаносибликни ишлаб чиқади ва мустаҳкамлайди.

Профилактик тиббиёт ғоялари ўрта асрларнинг буюк олими Абу Али ибн Сино рисолаларида ҳам ўз аксини топган. У инсон саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашда, касалликлар профилак-тикаси ва уларни даволашда жисмоний машғулотларни универсал восита деб ҳисоблаган, жисмоний машқларни инсон ҳаётининг турли босқичларида унинг саломатлиги, ёши, жисмоний тайёргар-лиги, жисмоний юклагамага чидамлилигини, шунингдек, иқлим шароитлари ва бошқа омилларни эътиборга олиб кундалик режимга киритишни тавсия этган.

Абу Али ибн Сино соғлиқни сақлаш учун етти омилга эътибор қаратган:

- босиқлик;
- овқатланиш тартиби;
- гавдани тик тутиш;
- тоза ҳаво;
- қулай кийим;
- жисмоний ва руҳий ҳаракатлар (уйқу ва уйғоқлик ҳолати) нинг равонлиги.

Гиппократ тиббиётга фалсафа сифатида қараган олим бўлиб, касалликларнинг келиб чиқишида турмуш тарзи ва атроф-муҳит-нинг ролига аҳамият берган, инсонларнинг гавда тузилиши ва темпераментига қараб беморга ташхис қўйган ва уни даволаган.

Тиббиёт фанининг илғор арбоблари ва шифокорлари ижтимоий профилактика тараққиёти, даволовчи ва профилактик тиббиётнинг ўзаро бирлиги тиббиётнинг келажагини белгилайди, деб ҳисоблашган.

Профилактика тўғрисида замонавий тушунча давлат, жамоат ва тиббий тадбирларнинг комплекс тизимини ўз ичига олади. Инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи омиларни бартараф этиш, шунингдек инсоннинг жисмоний ва руҳий қувватини ҳар томон-лама ривожлантириш ушбу тизимнинг мақсадидир.

Шундай қилиб, профилактика, кенг маънода, инсонларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат фаоллигини ошириш, умри-ни узайтириш, меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларини яхшилаш, ҳамда жисмоний маданиятини ривожлантириш учун барча шароитларни яратишга йўналтирилган тадбирларни англатади.

XXIII Жаҳон соғлиқни сақлаш ассабмляеси 1970 йилда қабул этган резолюциясида миллий соғлиқни сақлаш тизимини тузиш ва ривожлантиришнинг самарали

принциплари сифатида «аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда давлат ва жамиятни масъул деб билиш», «соғлиқни сақлашнинг ягона миллий режасини тузиш», «ижтимоий ва индивидуал профилактика чораларини кўриш», аҳолини «малакали, бепул профилактик ва даволаш ёрдами билан таъминлаш» ва ҳ.з. ларни тавсия этади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач давлат томондан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга бевосита ва билвосита йўналтирилган қарорлар, қонуний ва меъёрий актлар қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу «Давлат ёшлар сиёсати ҳақида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан «Соғлом авлод учун» нодавлат ҳалқаро жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма мақсади - ўсиб келаётган авлодни ва катта ёшдаги аҳолини соғломлаштириш. Мақсад битта, уни амалга оширишнинг эса кўплаб усул ва воситалари мавжуд. Оилани уйғунлаштириш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш (бу, ўз навбатида, оналар ва болалар касалланиши ва ўлимини камайтиришга сабаб бўлади), шунингдек, аҳолини касалликлар профилактикаси ҳақида ахборот билан таъминлаш шулар жумласига киради.

«Саломатликни асрашни, - ёзган эди Ат-Таборий, - икки нуқ-таи назардан кўриб чиқиш керак. Улардан бири - инсоннинг ёши, одатлари, шунингдек, йил фаслларига мос келувчи, танасининг ўсиши ва ривожланишига хизмат қилувчи овқатланишдир. Иккинчи нуқтаи назар - овқатланиш натижасида ҳосил бўлган ортиқча ва зарарли моддалардан ҳалос бўлиш. Бунда инсонга табиий ҳарорат, қуёш, шамол ижобий таъсир кўрсатади».

Шундай қилиб, шифокор олимлар кўзлаган мақсадга инсоннинг ёши, йил фаслига мос рационал овқатланиши ва



гигие-ник тадбирларнинг бутун бир комплексига риоя қилиши билан эришилади. Улар овқатнинг яхши хазм бўлиши ва танадан ортиқча моддаларнинг чиқиб кетишига ёрдам беради. Овқат хазм бўлиши жараёнинг жисмоний машқларга бевосита боғлиқлиги ҳақида шарқий Уйғониш даври олимлари рисоаларида ҳам катта эътибор берилган. Ибн Синонинг таъкидлашича, жисмоний машқлар инсонни ортиқча вазндан халос этади, танага енгиллик бахш этади, кун бўйи йиғилган ортиқча юқдан халос этади.

Овқатланиш ва жисмоний машғулотлар, Маймонида фикрича, бир-бирини меъёрга солиб турувчи қарама-қаршилиқлардир. У, хусусан, шундай деб ёзган эди: «Гимнастик ҳаракатлар ўрнини ҳеч нарса боса олмайди: улар табиий иссиқликни оширади, ҳатто кучли таомларни етарлича еганда ҳам танада ортиқча вазн ҳосил бўлишига йўл қўймайди».

Республика ҳукумати озод Ўзбекистонда аҳолини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ёрдамида соғломлаштириш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масала-ларини ҳал этишни муҳим вазифалар деб ҳисоблайди. «Ўзбекистон мустақиллиги - бизнинг маънавий ва маданий бойлигимиз гуркираб ўсиши учун муҳим асосдир», - деб ёзади Республика Президенти И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон янгиланиш ва тараққиётнинг ўз йўли» китобида.

Жисмоний тарбия ва спорт - умуминсоний маданиятнинг тар-кибий қисмларидир. Шу сабабли давлатимизда жисмоний тарбия ва спорт тараққиёти муаммоларига чуқур эътибор берилиши лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги қонуни муҳим аҳамиятга эга.

Бу қонунда ёшларни соғломлаштириш шакллари ва усул-ларини мунтазам такомиллаштириш ҳақида алоҳида

таъкидланади. Чунки давлат келажаги ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом ёшлар қўлидадир.

Соғлом авлод - нафақат жисмонан, балки ақдан етук авлоддир. Ҳар томонлама комил шахсни тарбиялаш учун тиббий-психологик хизматни ташкил этиш, боғча ёшдаги болалар ва ёшлар, шунингдек катта ёшдаги аҳоли билан жисмоний соғломлаштириш ишларини ташкил этиш керак. Бунинг учун экспериментал - асосланган соғломлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқув-соғломлаштириш педагогик жараёнга жисмоний тарбия ва спорт воситалари ёрдамида тадбиқ этиш лозим.

Жисмоний маданият - умуммаданиятнинг таркибий қисми-дир. У нафақат саломатликни мустаҳкамлайди, балки айрим туғма орттирилган касалликлардан фориг қилади, остеохондроз, тромбо-флебит каби касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Жисмоний тарбия билан шуғулланиш - бу жисмоний машқларни мунтазам бажариш, кун тартибига ва гигиена қоидаларига риоя қилиш, танани қуёш, ҳаво ва сувдан самарали фойдаланиб чиниқтириш демақдир. Жисмоний маданиятнинг таркибий қисми - бу спортдир. Спорт билан шуғулланиш - доимий машғулотлар, доим ортиб борувчи юкламалар йўли билан мусобақаларда юқори натижаларга эришиш демақдир.

Ёшларни валеологик тарбия қилиш - давлат аҳамиятига молик иш бўлиб, ҳукуматимиз унга катта аҳамият бермоқда. Шу сабабли «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги қонунда, «Соғлом авлод учун» ҳукумат қарорида ёш авлодни, ёшларни соғломлаштириш тизимини кўриб чиқиш ва тадбиқ этиш зарурати ҳақида сўз боради. Шунинг учун соғломлаштириш тадбирлари тизими ёшлар ижти-мой ҳаётида «саломатлик - юксак обрў» деган тушунчани тарғиб этиб, уларни жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулла-нишга зарарли одатлар (ароқхўрлик, кашандалик ва

ҳ.з.) дан воз кечишга, тўғри овқатланиш, соғлом ҳаёт тарзи юритишга йўналтириши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг директив ҳужжатларида ҳам ҳар томонлама етук, фаол шахсни шакллантиришда соғломлаш-тирувчи жисмоний машқлар ёрдамида касалликларни профилактика қилишнинг муҳим ўрни ҳақида сўз юритилади. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ёшларни жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланишга эҳтиёжни мустаҳкамлаш, уларнинг психофизио-логик асосларини англаш, жисмоний қувват ва саломатликни ривожлантириш, санитар-гигиеник кўникмаларни ҳосил қилиш, соғлом ҳаёт тарзи юритишга йўналтирилган кўп қиррали педагогик жараёндир.

Соғломлаштирувчи жисмоний тарбияда ёшларда жисмоний машғулотлар ва спортга эҳтиёжни шакллантириш, жисмоний қувватни ва характерни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг муҳим компонент-ларидан бири ёшларни жисмоний машғулотларнинг соғломлаш-тирувчи самараси ва унинг инсон танасига таъсири тўғрисидаги билимлар билан қуроллантириш ҳисобланади.

Соғломлаштирувчи жисмоний тарбияда қуйидагилар муҳим ўрин тутати:

- жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, юрак-томир тизимининг ишлаши, саломатлик даражаси кўрсаткичлари диагнос-тикаси;

- ўқув фаолияти, дам олишни ташкил этиш, ўз-ўзини баҳо-лаш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш кўникмаларини шаклан-тириш;

- педагогик жараёнда асосий усул соғломлаштирувчи машқ-лар ва жисмоний машғулотдир.

Жисмоний-соғломлаштириш ишлари ҳақида сўз борганда шуни қайд этиш лозимки, кўпчилик мамлакатларда «фитнес» (жисмоний тайёрлик), «физикл эдъюкшн» (жисмоний тарбия) ва албатта, «спорт» тушунчалари қўлланилади.

Жисмоний тайёрлик жисмоний машқлар, атлетик гимнастика, юриш, югуриш, сузиш ва соғломлаштирувчи жисмоний машқ-ларнинг ноанъанавий турлари воситасида яхшиланади.

Шунинг учун ёшларни валеологиянинг таркибий қисми бўлган соғломлаштирувчи жисмоний тарбия шакллари, усул ва воситалари билан таништириш жуда муҳим.

Шундай қилиб, соғломлаштирувчи жисмоний тарбия инди-видуал профилактиканинг асоси ҳисобланади ва ёшлар саломатли-гини яхшилаш ва асрашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Айни пайтда у танани соғломлаштириш, ўқув жараёни ва меҳнат самара-дорлигини оширишнинг самарали усули ҳамдир.

Индивидуал профилактика ёшлар саломатлигини яхшилайди ва жамиятнинг демографик тузилиши ижобий томонга ўзгаришига ёрдам беради. Жамиятда қари инсонлар сони кўпаяётган бир даврда соғломлаштирувчи жисмоний тарбия машғулоти фаол ижодий фаолиятни давом эттиришга ёрдам беради ва жамият меҳнатга қобилиятли аҳолининг қўшимча заҳираларига эга бўлади.

### **2.3. Талабалар валеологиясининг концепцияси**

70-йилларга қадар кўпгина мамлакатларда ишлаб чиқариш фаолияти, ҳаётий тушунчаларга йўналтирилган концепция мавжуд эди. У дам олиш, эмоционал қувват олиш учун бўш вақтдан фойдаланишни назарда тутди. Сўнги вақтларда шахсий эҳтиёж-ларни қондириш каби йўналиш

тобора кенг тарқалмоқда. Ушбу концепциянинг 80-йилларда пайдо бўлиши жисмоний-соғломлаш-тириш ва спорт клубларининг фаолиятига чуқур таъсир кўрсатди.

Янги концепция шуғулланувчилар олдига аниқ вазифаларни қўймайди, балки инсоний муносабатлар, турмуш ташвишларидан чекланиш, саломатликни яхшилаш имкониятларига мўлжалланган. Бу эса кўпгина мамлакатларда спорт ва соғломлаштирувчи спорт ўртасида тафовутлар ҳосил бўлишига олиб келди. Спорт клублари ва ассоциацияларининг анъанавий дастурларига киритилмаган.

Жисмоний-соғломлаштириш фаолликнинг янги шакл ва турлари пайдо бўлди. Улар аҳоли ўртасида тезда оммалашиб кетди. Гимнастик ва тренажёр заллар, бошқа соғломлаштирувчи маскан-лар сонининг кескин ошиши, спорт молларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг ўсиши бу ижтимоий кўринишнинг ташқи кўринишлари эди. Умумий жисмоний тайёргарлик билан шуғулланиш кенг тарқалди.

Танланган спорт тури ёки тавсия қилинаётган дастурларига қараб, аэробика, югуриш, юриш, гольф, теннис, сузиш, бодибил-динг бўйича клублар фаолият юргиза бошладилар.

Хулоса қилиб айтганда, соғломлаштиришга йўналтирилган жисмоний машқлардан фойдаланишнинг аниқ концепцияси пайдо бўлди.

Соғломлаштириш машқлари саломатликни яхшилаш ва инсон эҳтиёжларини қондиришнинг асоси, дам олишнинг самарали воси-тасига айланди.

Талаба ёшлар валеологияси соғломлаштиришга, ўқув ва бўлғуси меҳнат фаолияти самарасини ошириш мақсадида саломат-ликни яхшилаш ва уни асраш шакл, усул ва воситаларини ўрга-тишга йўналтирилган бўлиши керак. Айни пайтда жисмоний тарбиянинг ҳозирги методикаси

ёшлар саломатлигини мустаҳ-камлаш муаммоларини ҳал этмайди. Ўзбекистон Республикасининг талабаларни жисмоний тарбия қилиш бўйича жорий комплекс (1987й), ҳудудий (1992й) дастурлари амалда ўзларини оқламадилар. Бу олий ўқув юртларида ўқиш давомида ёшларнинг функционал имкониятлари даражаси йилдан-йилга тушиб бораётганлиги сабабларидан биридир.

Тошкент электротехника алоқа институти талабаларининг соғлиғи ва меҳнат қобилияти шифокорлар томонидан таҳлил қилин-ганда V курсга келиб ЎРК билан касалланиш даражаси кескин ошганлиги маълум бўлди. 1984 йилда талабаларнинг ЎРК ташҳиси билан касалланиши 50% ни ташкил этган, бу эса ўз навбатида уларнинг 1222 кун дарсларда қатнашмаслигига сабаб бўлган. 1985 йилда ЎРК билан касалланиш 36% ташкил этган ва 767 кун иш қобилиятининг вақтинча йўқолишига сабаб бўлган. 1986 йилда эса бу кўрсаткич 56% ёки абсолют бирликларда 1840 кунни ташкил эт-ган.

Хулоса қилиб айтганда талабаларни валеологик тарбия қилишда соғломлаштириш масалаларига кўпроқ эътибор бериш керак.

Жисмоний ривожланиш деганда тананинг морфофункционал комплекс хусусиятлари тушунилади, бу эса жисмоний қувват заҳирасини белгилайди. Бундан кўриниб турибдики, жисмоний ривожланиш даражасини тадқиқ этишни уни баҳолашни ўрганиш ўқитувчи учун ҳам, талаба учун ҳам бирдек муҳим. Жисмоний ривожланиш даражаси - жисмоний машғулотлар характери, хусу-сиятлари ва имкониятларини аниқлаб берувчи муҳим омидир. Жисмоний имкониятлар диагностикаси аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун педагогик таъсир йўналишини объектив белгилаш имконини беради.

Тошкент электротехника алоқа институти талабалари танаси-нинг жисмоний ривожланишини антрометрик тадқиқоти шуни кўрсатдики, ўғил болаларнинг бўйи ўртача 174,4 см, қизларники - 161,3 см; оғирлиги 63,6 кг ва 54,1 кг ни ташкил этади. Талабаларда қуйидаги камчиликлар қайд этилган: қувват кўрсаткичлари меъёрдан анча паст, орқа мушаклар кучи ўпканинг ҳаётий ҳажми курс юқорилаган сари ёмонлашмоқда, ёмон овқатланиш. Йигитлар гавдаси йилдан-йилга кучайиб, қизларда бу кўрсаткич пасайиб боради.

Иккинчи ва учинчи курс талабаларида турли юрак касаллик-лари аниқланган. Н.И. Аринчин фикрига кўра бу касалликлар юрак учун оғирлик қилади.

Руфъе синови бўйича ўтказилган тадқиқотлар талабаларнинг юрак ишлаши қониқарли эканлигини тасдиқлади (ўрта даражадаги юрак фаолияти етишмовчилиги).

Юқорида келтирилган асослар талабаларнинг валеолгик тарбияси қайта кўриб чиқилиши лоизмлигини яна бир бор тасдиқ-лайди.

Жисмоний тайёрлик баҳоланганда шу нарса маълум бўлдики, улғайган сари ёшларнинг куч-қуввати ошиб боради, чидамлиги ва тезкорлик хусусиятлари эса пасайиб боради. Умуман олганда, йигитларнинг жисмоний тайёрлиги қизларникига қараганда анча яхши.

Ёшлар саломатлигининг ёмонлашиб кетаётгани сабабларидан бири соғломлаштирувчи жисмоний тарбия назарияси ва методи-касини ишлаб чиқишга етарлича эътибор берилмаётганлигидадир. Талаба саломатлиги жисмоний тарбиянинг асосий йўналиши санал-маган. Шу сабабли ёшлар саломатлигининг объектив кўрсаткич-ларини ўзига асос қилиб олган валеологиянинг илмий-педагогик концепциясини шакллантириш зарурияти пайдо бўлди.

Жисмоний ривожланиш, тананинг функционал ва жисмоний тайёрлиги, шахсий руҳий хусусиятлар ҳақидаги маълумотлар инсон саломатлигининг таркибий элементлари ҳисобланади.

Валеология педагогик концепциясига шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, ўқитувчининг онги ва фаоллиги, умумийлик ва индивидуаллаштириш бирлиги, соғломлаштириш йўналиши, дои-мийликнинг дидактик принциплари асос қилиб олинган. Ушбу кон-цепциянинг базиси индивидуаллаштириш принциpidир. Бу соғломлаштириш жараёнининг самарадорлигини оширади.

Соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг мақсади жисмоний етукликка эришиш. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- контингентнинг бирламчи ҳолатини антропометрик тадқи-қот усуллари ёрдамида аниқлаш (жисмоний ривожланиш, тананинг жисмоний ва функционал тайёрлиги);

- жисмоний тренировка воситаси ёрдамида талабалар сало-матлиги даражасини кўтариш;


- жисмоний аҳволни яхшилаш ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилишнинг самарали усул ва шакллари билан таништириш.

Ишлаб чиқилган концепция, ўз навбатида, жисмоний машқ-лар билан мунтазам шуғулланишга эҳтиёжни ошириш, жисмоний тарбияга ноанъанавий ёндашувни таъминлаш, саломатликни асраш ва мустаҳкамлаш, шахсни ҳар томонлама ривожлантириш имко-нини беради.





## Талабалар валеологияси концепцияси



Ахборот технологиялар ёрдамида жисмоний аҳволни баҳолаш ва бошқариш

«Динамик 100» компьютер комплексининг  
телеметрик тизими

Юрак ритмик монитори.Ёг массасининг тарози  
анализатори

Айни вақтда соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг илмий концепцияси мақсадли дастурлаш усулига асосланади. Ўқув материални режалаштиришда саломатлик аҳволи (жисмоний ри-вожланиш, тананинг функционал ва жисмоний тайёрлиги) бошлан-ғич кўрсаткич сифатида олинади.

Айни вақтда соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг илмий концепцияси мақсадли дастурлаш усулига асосланади. Ўқув материални режалаштиришда саломатлик аҳволи (жисмоний ри-вожланиш, тананинг функционал ва жисмоний тайёрлиги) бошлан-ғич кўрсаткич сифатида олинади.

Ўз навбатида соғломлаштирувчи жисмоний тарбия соғлом-лаштириш машқлари ёрдамида умуммаданий ижтимоий вазифа-ларни бажаради.

Бу вазифалар ўзини намоён этишига қараб қуйидаги гурҳ-ларга ажратилади:

1) Саломатлик даражаси, жисмоний ривожланиш, гавда тузи-лиши ва жисмоний аҳволнинг яхшиланиши;

2) Ўқувчи-ёшларни ўқув ва келгусидаги меҳнат фаолиятига жисмоний тайёрлаш;

3) Ёшларнинг фаол ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтдан унумли фойдаланишга бўлган эҳтиёжини қондириш;

4) Талабаларнинг ҳаракат имкониятларини ривожлантириш.

## **2.4. Валеология курсининг мазмуни**

Шу вақтга қадар жисмоний тарбияда талабаларнинг ҳаракат имкониятлари (чидамлик, чаққонлик, куч ва тезлик, чайирлик ва ҳ.з.) ни ривожлантиришга йўналтирилган концепция илгари ўринга қўйилган. Спорт

машғулотларининг назария ва методикаси бундай методологиянинг базиси ҳисобланади.

Сўнги вақтларда жисмоний тарбиянинг соғломлаштириш йўналиши, ёшларнинг шахсий эҳтиёжларини ва қизиқишларини қондиришга асосланган йўналиш кенг тарқалмоқда. Саломатлик ҳаракат фаоллигига тўғридан-тўғри боғлиқликда кўриляпти. Янги концепция жисмоний етуқликка эришишни ўзига мақсад қилиб олган ва бунинг натижасида талаба саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган шакл, восита ва усуллар пайдо бўлмоқда. Жисмоний машқлар соғломлаштириш қийматига эга бўлмоқда, шунинг учун умумий жисмоний тайёргарлик машқлари - югуриш, сузиш, чини-қиш, атлетик гимнастика, шарқ яккакураши турлари, шейпинг ва ҳ.з. кенгроқ қўлланилмоқда.

Юқорида баён этилганлар талабаларни жисмоний тарбия қилишда соғломлаштиришга кўпроқ эътибор бериш кераклигини талаб қилмоқда. Шу сабабли ушбу дарслик муаллифлари узоқ педагогик экспериментлар натижасида валеология курсини ишлаб чиқдилар. Ушбу курс талабаларнинг индивидуал профилактикаси, саломатликни мустаҳкамлашнинг шакл, усул ва воситаларини ўқи-тиш тизимининг асоси ҳисобланади.

Талабалар валеологиясининг мақсади - соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини шакллантириш, саломатликни мустаҳкамлаш, сама-рали меҳнат фаолияти ва ҳарбий бурчни бажаришга тайёрлаш, жис-моний тарбия воситалари ёрдамида турли касалликлар профи-лактикаси ҳақидаги билимларни эгаллашдир.

Валеологияни ўқитиш жараёнида қуйидаги вазифалар бажарилади:

- 1) жисмоний машғулотларга эҳтиёжни фаоллаштириш;

2) ёшлар жисмоний тайёрлигининг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш мақсадида жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёрлик ва жисмоний аҳвол диагностикасини ўтказиш;

3) бошланғич курс талабаларини олий ўқув юртида ўқишга кўникишини тезлатиш;

4) касалликлар профилактикаси, тананинг ташқи муҳит салбий таъсирига қаршилигини ошириш, зарарли одатларни бартараф этиш;

5) жисмоний ривожланишни, гавда тузилишини ва жисмоний аҳволни яхшилаш;

6) жисмоний аҳволни бошқариш ва баҳолаш, жисмоний тайёрлик кўрсаткичлари, дам олишни ташкиллаштириш, фаол ҳордиқ чиқариш, тўғри овқатланиш, саломатликни мустаҳкамлаш принципларига онгли рияо қилиш асослари бўйича талабаларга билим бериш;

7) асаб тизимининг асосий хусусиятларини баҳолаш, талаба шахсиятининг типологик характеристикасини ўқув-соғломлаш-тириш жараёнини индивидуаллаштириш мақсадида аниқлаш усуллари билан таништириш;

8) ўз-ўзини баҳолаш, назорат қилиш ва саломатликни яхши-лаш воситалари ва самарали усуллари билан талабаларни таниш-тириш;

9) талабаларда жисмоний машқларга, мунтазам мустақил машғулотларга онгли, турғун ва позитив муносабатни шакллантириш.

Қуйида дастурий материалнинг ўқув режаси ва ўтказиш жадвали келтирилган.

*5-жадвал*

#### **Амалий машғулотлар**

Мундарижа	Ўқиш йиллари		
	I	II	III
1.Соғломлаштирувчи югуриш, юриш.	+	+	+
2.Спорт, ҳаракатли ва миллий ўйинлар.	+	+	+
3.Атлетик гимнастика.	+	+	+
4.Шейпинг, аэробика элементлари.	+	+	+
5.Саломатликни мустаҳкамлашнинг ноанъанавий воситалари.	+	+	+
6.Чайирлик, чаққонлик, ҳаракатлар координациясини яхшилаш учун машқлар.	+	+	+
7.Умумий жисмоний тайёргарлик машқлари.	+	+	+
8.Умуртқа поғонасини, суяклар ҳаракатчанлигини соғломлаштириш ва профилактика қилиш бўйича машқлар.	+	+	+
9.Тренажерларда машқлар.	+	+	+

### Лаборатория машқлари

Мундарижа	Ўқиш йиллари		
	I	II	III
1.Жисмоний ривожланиш ва морфофункционал кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш.	+	+	+
2.Жисмоний аҳволни баҳолаш.	+	+	+
3.Асаб тизимининг асосий хусусиятлари ва шахснинг типологик хусусиятларини аниқлаш.	+	+	+
4.Юрак - қон тизимининг ишлаши ва жисмоний аҳвол маълумотларини баҳолаш.	+	+	+
5.Жисмоний тайёрлик маълумотларини баҳолаш.	+	+	+
6.Инсон жисмоний аҳволини аниқлашнинг замонавий техноло-гиялари.	+	+	+
7.Ҳар томонлама тайёрлик мониторинги.			

## Семинар машғулоти

Семинар мавзулари	Ўқиш йиллари		
	I	II	III
1. Валеология - саломатлик ва соғлом ҳаёт тарзи ҳақидаги таълим.	+	+	+
2. Жисмоний ривожланиш маълумотларини аниқлаш ва баҳолаш.	+	+	+
3. Жисмоний тайёрлик маълумотларини баҳолаш.	+	+	+
4. Юрак - қон тизими кўрсаткичларини баҳолаш усуллари.	+	+	+
5. Жисмоний аҳвол маълумотларини баҳолаш методикаси.	+	+	+
6. Асаб тизимининг асосий хусусиятлари ва шахнинг типологик хусусиятларини баҳолаш методикаси.	+	+	+
7. Инсон саломатлиги даражасини баҳолаш методикаси.	+	+	+
8. Инсон саломатлигини яхшилашнинг самарали воситалари.	+	+	+
9. Тўғри овқатланиш	+	+	+
10. Инсон саломатлигини аниқлашнинг ахборот технологиялари	+	+	+
11. Саломатликни мустаҳкамлаш учун дам олишни ташкиллаштириш шакллари.	+	+	+
12. Мусобақалар мунтазам жисмоний машғулот-ларга жалб этиш воситаси сифатида.	+	+	+
13. ОИТС билан зарарланиш йўллари	+	+	+

Калит сўзлар: жамоат профилактикаси, концепция, индиви-дуал профилактика, шахс саломатлиги.

Назорат учун саволлар:

1. Жамоат профилактикаси нимани англатади?
2. Индивидуал профилактика нима?



3. Талабалар валеологияси концепциясини очиб беринг.
4. Валеология курси қандай тузилган?
5. Валеология бўйича маърузалар мазмунини очиб беринг.
6. Валеология бўйича лаборатория машғулотлари мазмуни нимадан иборат?
7. Саломатликни яхшилаш бўйича амалий машғулотларни асослаб беринг.

Адабиётлар.

И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак бўсағасида. Т., Ўзбекистон, 1998.

Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Т.1. Тошкент, Фан, 1980.

Вайнер Э.Н. Учебник для вузов - М., Флинта, Наука, 2001.

Кошбахтиев И.А. Основы оздоровительной физкультуры молодежи. Ташкент, 1994.

Маймонид М. Путеводитель колеблющегося. (Перевод с древнееврейского).

Григорьян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана (VII-XII) М., Наука, 1990.

Сейтхалилов Э.А. Государственный образовательный стандарт по физической культуре для общего среднего образования. В ин. Гос.Обр. Стандарты общего среднего образования. Т.,1999.

### **3-БОБ. ВАЛЕОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИ**

Кўп босқичли тадқиқотлар натижасида ушбу иш муаллифи томонидан валеологиянинг усул ва воситалари, амалий машғу-лотларнинг самарали шакллари, умуман олганда, талабалар соғлом-лаштириш жисмоний тарбиясининг экспериментал тасдиқланган тизими аниқланди.

Ишлаб чиқилган илмий концепция ва талабаларни соғлом-лаштиришнинг экспериментал тасдиқланган тизими сало-матликни яхшилашнинг илмий педагогик асоси ҳисобланади.

Талабалар соғломлаштириш жисмоний тарбияси тизими-нинг таркибий элементларини қуйидагилар ташкил этади, машғу-лотлар мақсади, вазифалари ва ишлаб

чиқилган шакллари, самарали усуллар, воситалар ва педагогик назорат (расм).

Жисмоний етуклик, талабаларни соғломлаштириш педагогик жараёни мақсади ва натижалари каби, саломатлик даражаси ва талабанинг ҳар томонлама тайёрлигини интеграл баҳолаш билан характерланади.

Соғломлаштириш вазифалари валеологик тарбия жараёнида амалий машғулотларнинг самарали шакллари (соғломлаштириш, назорат, умумий жисмоний тайёрланиши, соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини шакллантириш), усуллари (мусобақа, ўйинлар, регламентлаштирилган машқлар) ва воситалари (югуриш, атлетик гимнастика, спорт ва миллий ўйинлар, ҳаво-куёш ванналарида, сув муолажалари ёрдамида чиниқиш, шейпинг, шарқ якка курашлари ва ҳ.з) ёрдамида бажарилади.

### **Маъруза**

Маъруза - олий ўқув юртида таълим беришнинг анъанавий етакчи шаклидир. Унинг асосий дидактик мақсади - ўқув матери-алини талабалар томондан эгалланиши учун ориентирли асосини шакллантириш.

Маъруза - ўқув машғулотларининг барча шакллари учун методологик ва ташкилий асос ҳисобланади. Тадқиқотларимиз натижалари жисмоний тарбияни соғломлаштириш йўналишида ташкил этиш зарурлигини кўрсатганлиги сабабли назарий бўлимга ишлаб чиқилган маърузалар киритилди.

Талабаларга валеологиядан таълим бериш тизими

Мақсад

Жисмоний етуклик

Соғломлаштириш

тарбиявий

таълим

усуллар

Жисмони  
тарбия  
соғламлаш-

Даволовчи  
Жисмоний  
тарбия

Комплек  
(аралаш)

Назорат  
(синов)

Умумий  
жисмоний  
тайёргарлик

Соғлом хаёт  
тарзини  
шаклантир

Усуллар

Кескин  
регламент  
аштирилган

Мусобақа

Ўйин

Ўз-ўзини  
назорат  
қилиш ва

Воситалар

Соғломлаштирувчи югуриш ва жисмоний ривожланишни гавда тузилиши ва х.з

Миллий ҳаракатли ўйинлар ва х.з

Спорт ўйинлари

Хаво, қуёш ваналарида чиниқиш сув муолажалари соғломлаштирувчи сувзиш

Назорат

диагностика

оператив

жорий

якуний

Шахсининг типологик хусусиятлари, жисмоний ривожланиши гавда тузилиши, жисмоний тайёргарлиги, жисмоний аҳолини назорат қилиш

Назарий бўлим бўйича тестлаш, ҳар томонлама тайёргарлигини комплекс баҳолаш

Ахборот технологияларининг қўлланиши

Телеметрик компьютер комплекси  
тизимлари

Юрак уриши мониторлари

## **Лаборатория машғулоти**

Шуни айтиб ўтиш керакки, валеологик тарбия амалиётида лаборатория машғулоти киритилмаган. Айти пайтда лаборатория машғулоти нинг мақсади - предметнинг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганиш ва етук усуллар, ҳисоблаш техникаси қўлланилган тадқиқотлар кўникмаларини, психологик текшириш усулларини эгаллашдир. Шунинг учун талабаларни ўқитиш, тарбия қилиш ва соғломлаштириш жараёни сифатини яхшилаш, жисмоний ривожланиш, гава тузилиши, жисмоний аҳвол, шахнинг типо-логик хусусиятларини аниқлаш малакасини шакллантириш учун лаборатория машғулоти ридан фойдаланиш лозим.

### **Валеология бўйича амалий машғулотлар**

Жисмоний тарбия бўйича ўқув машғулотлар олий ўқув юрти рида валеологиянинг асосий ва мажбурий шакли ҳисоб-ланади. Машғулотларда талабалар соғлом ҳаёт тарзи ҳақида билим оладилар, малакаларини оширадилар, жисмонан ривожланадилар. Жисмоний тарбия машғулоти ўз хусусиятларига эга бўлиб, улар ҳаракат сезгилари, ҳолатнинг тез-тез ўзгариши, юқори эмоционаллик, коллектив ҳаракатлар билан характерланади. Педагогик эксперимент ўтказиш жараёнида жисмоний соғломлаштириш ва профилактик машғулотларнинг самарали формалари ишлаб чиқилди.

Жисмоний соғломлаштириш машғулоти жисмоний тарбия-нинг педагогик ва методик принципларига биноан ўтказилади. Машғулотни ўтказиш принциплари қуйидаги талаблар асосида конкретлаштирилди:

- машғулот таълим, тарбиявий ва соғломлаштириш вазифа-ларини бажариш, талабаларда жисмоний машғулотларга қизиқишни шакллантириш, уларни актив фаолиятга ундаши керак;

- машғулот вазифалари контингентнинг бошланғич аҳволи ҳақидаги маълумотлар (жисмоний ривожланиши, жисмоний ва функционал тайёрлиги) асосида тузилган бўлиши лозим;

- машғулот мазмуни, уни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ҳар бир талабанинг психологик тадқиқотлар натижа-сида аниқланган индивидуал типологик хусусиятлари ва шахсий характериға асосланган бўлиши керак;

- машғулот мазмуни ва юкмаси ўқув жадвалдаги бошқа умум таълим дарсларига мос келиши керак.

Бундан ташқари, машғулот тузилаётганда асосий дидактик тамойиллар (онглик, фаоллик, мунтазамлик, кетма-кетлик, қўрғазмалик, амалий йўналтирилиш) эътиборга олиниши керак, чунки буларсиз машғулот исталган натижани бермайди.

Юқорида қайд этилган тамойиллардан ташқари ўқув машғулотли тузилаётганда бир қатор умумий методик талабларға ҳам эъ-тибор бериш лозим. Масалан, ҳар бир машғулот шуғул-ланувчиларнинг актив фаолиятини таъминлаб берувчи, тананинг умумий меҳнат қобилиятини ўсишиға, қўйилган вазифаларни муваффақиятли ечишға ёрдам берувчи рационал зичлик тамойил-лари асосида тузилган бўлиши керак. Бундай машғулот шуғул-ланувчилар организмиға ижобий таъсир этади, танани оптимал физиологик юклама билан таъминлаш талабларига жавоб беради. Бунда шуғулланувчиларнинг мустаҳкам интизоми, ҳаракатлари-нинг уюшқоқлиги асосий талаблардан бири бўлиб, уларсиз тарбиявий вазифаларни ҳал қилиб бўлмайди.



Бундай талабларга, шунингдек, шуғулланувчилар ҳаракатининг эмоционаллиги, кол-лективлиги, уларнинг қизиқишлари, индивидуал қобилиятлари ҳам киради, бунда жисмоний соғломлаштириш машғулотларини ту-зишда бир хиллилик инкор этилади.

Тадқиқотлар натижасига кўра турли тестлар мусобақа усулини кўллаш ҳамкорлик муҳитини яратиш учун зарурдир. Талабанинг ўқитувчи билан бевосита мулоқотда бўлиши уларнинг ўқишига, ривожланишига ижобий таъсир этади. Машғулотларнинг самарадорлиги ўқитувчи ва талаба ўртасида алоқа нақадар аниқ ўрнатилганлигига, бу алоқанинг жисмоний ривожланиш кўрсат-кичлари ва шахснинг типологик хусусиятларига нақадар тўлиқ мос келишига ҳам боғлиқ.

Бу маънода валеологик тарбия талабанинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига эҳтиёжни мустаҳкамлашга йўнал-тирилган ўқув ва жисмоний соғломлаштириш фаолиятини ташкил этишнинг кўп қиррали жараёни сифатида кўриб чиқилади.

Машғулотни тузиш ва унда илмий асосланган ўқув матери-алини режалаштириш асосий вазифаларни белгилаб олиш билан амалга оширилади. Бу вазифалар умумий йўналишни, машғулот-нинг мазмуни ва усуллари, тарбия, таълим ва соғломлаштириш воситаларини белгилаб беради. Таълим, тарбия ва соғломлаштириш вазифалари жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, қон айланиши, шахснинг типологик хусусиятлари баҳосига қараб конкретлаш-тирилиши лозим.

Тадқиқотлар натижасига кўра талаба ёшлар валеологик тарбиясининг асосий вазифаларига саломатликни, жисмоний ривожланишини яхшилаш; ўқув тарбия жараёнини шахснинг типологик хусусиятлари (флегматик, холерик, меланхолик, санг-виник) ни ўрганиш асосида

индивидуаллаштириш; қуйи курс талабаларини ўқув юртига адаптациясини енгиллаштириш мақса-дида валеологик тарбиянинг соғломлаштириш йўналишини кучай-тириш; тананинг ташқи муҳим таъсирига қаршилигини ошириш, чарчоқни бартараф этиш киради.

Жисмоний машқларни бажариш шакллари, усуллари, даво-мийлиги, кетма-кетлиги валеологиянинг асосий вазифаларига бевосита боғлиқ. Шундай қилиб, машғулотнинг мазмунини белги-лаб берувчи педагогик вазифалар бошланғич омил ҳисобланади. Шуқулланувчиларнинг ҳаракат фаолияти жараёнида иш қобилия-тининг муайян ўзгариши жисмоний машғулотларнинг яна бир асо-сий омиллари-дан биридир. У функционал ҳолат динамикасини, тана тизимлари (ҳаракат аппарати, ички органлар ва ҳ.э) имконият-ларини акс эттиради.

Яна бир муҳим омил-жисмоний машқларнинг шуғулланув-чиларга табиий таъсири. Бу, биринчи навбатда, алоҳида машқлар ёки машқлар бирикмасининг самараси. Жисмоний машқлар инсон танаси ва руҳиятида маълум ўзгаришларга сабаб бўлади. Бу ўзгаришлар машқлар тўхташи билан йўқолмайди, балки маълум муддат сақланиб туради. Ўзгаришларнинг сақланиб туриши навбатдаги машқларни бажаришга ёрдам бериши ёки аксинча, ҳалал бериши мумкин. Масалан, оғир жисмоний юкламали машқ-лардан сўнг қийин координацияли, янги ҳаракатларни ўрганиш яхши самара бермайди. Чидамлиликни мустаҳкамлаш машқлардан сўнг тезликни оширувчи машқлар ҳам қутилган натижани Бер-майди.

Чайирликни оширувчи машқларни бажариб катта ампли-тудалар билан характерланувчи ҳаракатли машқлар техникасини ўрганиш яхши натижалар беради. Машғулотлар режалаштирила-ётганда психологик тадқиқотлар натижалари муҳим аҳамиятга эга. қуйи курсларда

соғломлаштиришга йўналтирилган дарслар талаба-нинг шахсий хусусиятлари (характери, темпераменти, асаб тизимининг аҳволи), ўқув жараёнига ўрганиш қийинчиликлари асосида режалаштирилган.

Валеологик тарбия ва машқларини педагогик назорат қилиш асосида «ўқитувчи - ўқувчи» тизимидаги оператив алоқа билан таъминлаш ва ўқув жараёнини юқори даражада бошқариш бўйича тадқиқот натижаларини ҳам ҳисобга олиш муҳим.

Жисмоний машғулотлар ташқи омилларга ҳам бевосита боғлиқдир. Гимнастика зали, спорт майдочаси, сузиш ҳавзасидаги машғулотлар бир-биридан фарқ қилади.

Жисмоний машғулотлар режалаштирилаётганида Ўрта Осиё регионининг қуруқ иссиқ иқлимини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Жисмоний машғулотларнинг ҳар бир шарти шуғулла-нувчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига, уларнинг хулқи ва иш қобилиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Валеологик тарбиянинг таълим вазифаси - соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини шакллантиришга ўргатиш. Баён этилганлар нафақат назарий, балки амалий планда ҳам амалга оширилади. Зеро талаба саломатлиги унинг ҳаракат фаоллиги, тўғри овқатланиши ва кун тартибига боғлиқ бўлади.

Хусусий ва асосий вазифаларни белгилашда ва воситалар мазмунини аниқлашда жисмоний машқларнинг соғломлаштириш йўналиши бўйича қатор методик талабларни ҳисобга олиш керак, бу талаблар жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, қон айла-ниши, шахснинг типологик хусусиятлари ва ҳаракат сифатлари кўрсаткичларининг ўзаро алоқасига асосланган бўлади.

Шундай қилиб, жисмоний ривожланиш ва гавда тузили-шини яхшилаш талаба ёшлар жисмоний

тарбиясининг асосий шарт-ларидан биридир ва бунга ўқув-тарбиявий, соғломлаштириш жараёнларида куч-қувватни оширувчи махсус машқлардан мунтазам фойдаланиш орқали эришилади.

Қон айланиши ошиши билан қон билан таъминлаш ва моддалар алмашинуви яхшиланади. Ҳаракат фаоллиги мушак-ларнинг қисқариш ва насос функцияларини оширади. Бу эса вена қонининг юракка йўналган ҳаракатига ёрдам беради, томирларнинг периферия қаршилигини камайтиради юрак - қон тизимининг яхши-лашини таъминлайди. Қон айланишини яхшилаш омиллари қаторида жисмоний машқлар етакчи роль ўйнайдилар.

Соғломлаштириш - профилактик машғулотларнинг ишлаб чиқилган структураси ҳаракат фаоллигини оширишга ёрдам беради. Талабалар гавда тузилиши, жисмоний ривожланишини яхшилашга йўналтирилган, 500 дан 1000 гача ҳаракатларда акс эттирилган жис-моний машқларни бажардилар.

### **3.1. Жисмоний соғломлаштириш машғулотларининг тузилиши**

Машғулотнинг кириш (тайёрлов) қисми асосий ўқув-соғ-ломлаштириш ишига замин тайёрлайди. Кириш қисмининг умумий вазифаси - шуғулланувчилар эътиборини фаолаштириш, уларни машғулотлар мақсади ва мазмуни билан таништириш, шунга мос руҳий шароитни яратиш. Тайёрлов қисмда соғломлаштириш гим-настикасининг 25-30 такрорлашдан иборат 25-30 машқларидан фойдаланилади. Асосий қисмда респиратор касалликлар профилак-тикаси учун соғломлаштирувчи югуриш (2-5 км), спорт ва ҳаракатли ўйинлар куч-қувватини оширувчи машқлар билан уйғунлашиб кетади. Яқунловчи қисмда ҳаво - қуёш

ванналарида чиниқиш, сув муолажалари ўтказилади. Талабаларга тўғри овқат-ланиш тавсия этилади.

### **Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича амалий машғулот**

Кириш (тайёрлов) қисм. Секин суръатда 8-12 минут югуриш. Чайирлик, чаққонлик эътиборни яхшилашга йўналтирилган машқлар - қўлларни зарб билан силкитиш, сакраш, ўтириб-юриш машқларни хуштак чалиб, команда бериб бажариш, айланиб сакраш, эгилиш ва ҳ.з. Ҳаммаси бўлиб 20 дан кам бўлмаган (20-30 такрорлашдан иборат) турли машқлар. Асосий қисмда жуфт-жуфт бўлиб оғирлиги 2-4 кг бўлган коптоқлар билан машқлар бажарилади: коптоқни икки қўллаб бошдан ошириб, пастдан кўкракдан итариб улоқтириш ва ҳ.з; 3 киши, 4 киши бўлиб: 2 та-3 та коптоқни бир вақтнинг ўзида улоқтириш - узлуксиз 20-30 улоқтириш серияси. Ҳаммаси бўлиб 10 тадан кам бўлмаган машқлар. Юқори елка айланаси, қўллар учун машқлар. Ётган ҳолда ерга тиралиб қўлларни букиш ва ёзиш (икки қўл панжаларини устма-уст қўйиб, қўллар елкадан кенгроқ ва муштларда, бармоқларда) – 4 марта (ҳар бири 10-12 такрорлашдан иборат). Тортилиш 6-8 марта. Баскетбол ёки волейбол. Чайирликни оширувчи машқлар.

### **Бир-бири билан боғлиқ жисмоний машқларни бажариш бўйича амалий машғулот**

Кириш (тайёрлов) қисм. Умумий ривожлантирувчи хара-катдаги машқлар - 15-20 дан кам бўлмаган машқлар. Асосий қисмда футбол, волейбол ўйинлари - 15 минутдан 4 тайм. Танаффус пай-тида куч-қувватни оширувчи (

тўсинларда бажариладиган машқ-лар), чайирликни оширувчи машқлар.

Тренажер залларида бир неча гимнастик снарядларни бирлаштирган «Здоровье» универсал тренажеридан фойдаланилди. Булар: гимнастик девор, тўсин, юқори ва қуйи испандерлар. Бу тренажерда қўл, оёқ, тана учун турли машқларни бажариш мумкин.

Блокли қурилмалардан ва штангалар, тошлар, гантеллар, қорин пресси мушаклари, оёқларни букиб-ёзиш учун махсус қурилмаларидан фойдаланилади.

Атлетизм турли спорт ўйинлари, якка курашлар билан биргаликда олиб борилди ва бу дарснинг ижобий эмоционнал-лигини оширишга ёрдам берди.

Дарслар мазмуни комплекс характерга эга бўлиб, нафас олиш, Юрак-томир тизими, қон айланиши ва кучнинг ривожланишига ёрдам берди, саломатликни мустақамлаш жисмоний гўзаллик ва уйғунликка эришишга ижобий таъсир кўрсатди.

Шуни қайд этиш лозимки, жисмоний машқларнинг соғлом-лаштирувчи таъсири талаба кучи, чидамлилиги кўрсаткичларининг ўсиши билан чегараланиб қолмайди, балки улар тананинг барча органлари ишини ҳам яхшилади. Фақат мушаклар эмас, балки юрак, ўпка, қон томирлари, суяклар ва, ниҳоят, характерларимизни бошқариб турган мия ҳам машқ қилади.

Соғломлаштириш қийматига эга илмий асосланган воси-талар йўқлиги сабабли валеология тарбия жараёнида соғломлаш-тириш жисмоний машқларига етарли эътибор берилмаяпти, ўқиш босқич-лари юқорилашган сайин талабаларнинг жисмоний ривож-ланиши жисмоний ва функционал тайёргарлиги ёмонлашиб бораётганлиги кузатилмоқда.

### 3.2. Саломатликни яхшилашнинг рационал усуллари

Ўқитиш соғломлаштиришнинг муваффақияти, унинг мақсадлари ва мазмунини, шунингдек, ушбу мақсадларга эришиш воситалари яъни, ўқитиш усуллари тўғри белгилаб олишга боғлиқ. Ўқитиш усуллари деганда ўқитиш соғломлаштиришнинг педагогик мақсадларини амалга оширишни таъминловчи ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муайян тартибли, мақсадли муносабатлар тизими тушунилади.

Экспериментал тадқиқотлар натижасида талабалар валео-логик тарбиясининг самарали усуллари (ўйин, мусобақа, қатъий регламентлаштирилган машқлар ва сўз орқали таъсир кўрсатиш усуллари) аниқланган.

#### Ўйин усули

Ҳаракат фаолиятини ҳаракатли, спорт миллий ўйинлар шаклида ташкил этиш усули жисмоний тарбия жараёнида кенг қўлланилган бўлиб бошқа усуллар олдида қатор афзалликларга эга. Бу усулнинг моҳияти шундаки, ҳаракат фаолияти ўйиннинг мазмунини, шартлари ва қоидалари асосида ташкил этилади. Ўйин усулининг характерли хусусиятлари:

а) шуғулланувчиларнинг ҳаракат фаолияти юқори руҳий кўтаринкилик фонида олиб борилади;

б) ўйин жараёнида шуғулланувчилар ўртасида, мураккаб муносабатлар вужудга келади.

Бу хусусиятлар талабаларнинг ҳаракат фаолиятига қизиқишини орттиради, улар бир хил характердаги машқларни бажариш вақтида вужудга келадиган руҳий толиқишдан халос этади; ўзлаштирилган ҳаракатларни такомиллаштиришга ва улардан фойдаланиш маҳоратини эгаллашга ёрдам беради.

## Мусобақа усули

Машқларни мусобақа шаклида ташкиллаштириш усули. Мусобақанинг тарбия усули сифатидаги моҳияти шундаки, у талабаларда дўстона, соғлом рақобат, кучлиларга тенглашишга интилиш руҳини тарбиялайди. Айниқса рейтинг тизими бунга ёрдам беради. Мусобақа усули жисмоний тарбия машғулотларига қизиқишни ривожлантиради.

### Қатъий регламенташтирилган машқлар усули

Машқларни қатъий регламентлаштириш жисмоний соғлом-лаштириш машғулотларида эксперимент ўтказиш жараёнини асосий услубий йўналишидир. Шу йўналишдаги усулларни қўллаш жисмоний ривожланиш, гавда тузилишига ижобий таъсир этувчи куч имкониятларини ривожлантиришга ёрдам беради: югуриш, юриш орқали юрак-қон тизими ишини яхшилади.

### *Сўз орқали таъсир кўрсатиш усули*

Сўз орқали таъсир кўрсатиш усуллари ўз вазифасига кўра қуйидаги шартли гуруҳларга бўлинади:

1. Кўрсатиб тушунтириб бериш усуллари;
2. Команда, кўрсатма, буйруқ бериш усуллари;
3. Таҳлил этиш, маслаҳат бериш, оғзаки баҳо бериш усуллари.

Сўз орқали таъсир кўрсатишнинг яна бир усули - ишонтириш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Ишонтириш, тушунтириш-лар, маслаҳатлар, асосли тавсиялар воситасида амалга оширилади. Ишонтириш жараёни мураккаб бўлиб фан, амалиёт маълумотларига суянади. Ишончнинг шаклланишига жисмоний



машқларнинг соғлаштирувчи самараси ҳақидаги турлитуман, кўп қиррали янги омиллар таъсир кўрсатади. Ишонтириш санъати ёшларнинг индивидуал хусусиятларини билиш билан чамбарчас боғлиқ.

### **3.3. Саломатликни яхшилашнинг самарали воситалари**

Жисмоний машқлар талабанинг нафас олиш оргонларига ва руҳий ҳолатига яхши таъсир кўрсатади. Мушаклар мунтазам ҳаракатлантириб турилмаса инсоннинг марказий асаб тизими ижобий зарядлардан маҳрум бўлади. Сустлашган ҳаётий тонус, тушкунлик ҳолати жаҳддорлик ва ўзини қўлда тутиб туролмаслик реакциялари билан туташиб кетади. Жисмоний машқлар талабанинг нафақат жисмоний, балки руҳий ҳолатига ҳам ижобий таъсир этади, бу эса, ўз навбатида, таълим-тарбиявий ва соғломлаштириш жараёни самарадорлигини оширади. Инсон организми ривожланиши-нинг қабул қилувчи даври талабалик ёшида яқунланади. Талаба ёшлар бу даврда ўқиш, ўрганиш, ижтимоий-сиёсий фаолият юритиш учун катта имкониятларга эга бўладилар. Айнан шунинг учун жисмоний тарбия ва спорт саломатликни мустаҳкамлаш учун муҳим восита комил инсонни тарбиялаш учун табиий ва биологик асос ҳисобланади, ўқиш, фан билан шуғулланиш ва касб эгаллашга бевосита ёрдам беради.

Жисмоний машқлар инсон органлари ва тизимлари фаоли-ятига ижобий таъсир этувчи турли силжишларни келтириб чиқа-ради. Жисмоний машқлар замирида мушак қисқаришлари ётади, мушаклар инсон вазнининг 3-4 қисмини ташкил этади. Мушаклар қисқариши энергияси ишлаётган мушакка кислород ва турли озиклантирувчи моддалар оқимининг кўпайиши ҳисобига ҳосил бўлади, айни пайтда юрак ва ўпка фаолияти яхшиланади. Ишлаб турган

мушакда кўплаб майда капилляр қон томирлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, мушаклар ривожланишида озиқланиш ша-роити яхшиланади, умумий қон айланиши енгиллашади. Талабалик даврида қон айланиши, ёш боланикига нисбатан сустроқ бўлади. Қон айланишини жадаллаштириш учун юрак ишлашини фаоллаш-тириш керак. Юрак фаолияти, ўз навбатида, мушаклар иши таъсирида яхшиланади. Мушаклар қисқарганда қон веналар орқали юрак томон ҳаракатланади, бўшаши чоғида эса капилляр-лардан венага оқади.

Тинчлик, ҳаракатсизлик етарлича ҳаракатларнинг бажарил-маслиги юракка салбий таъсир кўрсатади ва турли касалликларга сабаб бўлади.

Адабий манбалар ва ўтказилган тадқиқотлар таҳлили жисмо-ний тарбия амалий машғулотларида ўқув дастури бўйича ҳаракат кўникмаларини шакллантириш, ҳаракатларни бошқаришга йўналти-рилган ўқув юкламасидан фойдаланилаётганлигини тасдиқлайди. Натижалар кўзга кўринарли эмас, чунки ўқув юкламаси ҳажми, жадаллиги унча баланд эмас. Жисмоний тарбия усул ва воситалари шахснинг типологик хусусиятлари, жисмоний ривожланиш, жисмоний аҳвол, Ўрта Осиё иқлими хусусиятларини ҳисобга олмайди. Баён этилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ёшларни жисмоний етукликка эриштиришга, саломатликни асраш ва мустаҳкамлаш, иш қобилиятини оширишга йўналтирилган, илмий асосланган жисмоний машқлар деярли йўқ. Шунинг учун илмий асосланган жисмоний машқларни аниқлаш учун математик статистика усулидан фойдаланилади. Педагогик жараён омиллари-нинг ўзаро боғлиқлиги хусусиятларини аниқлаш учун махсус дастур ишлаб чиқилган. Педагогик жараёнда унинг таркибига кирувчи омиллар ўзаро

боғлиқдир. Бир омилни иккинчи омил ўзга-ришига мос ўзгартириш маҳорати педагогик жараён самарасини янада оширади.

Маълумки, жисмоний сифатларни тарбиялаш жараёнида куч-ни, тезликни, чидамликни ривожлантириш орасида айрим ҳол-ларда ижобий алоқа, баъзан эса ўзаро боғлиқликнинг йўқлиги кузатилади, яъни, юқорида санаб ўтилган сифатларнинг бирортаси ривожланса бошқа сифатлар ҳам ривожланади ва, ниҳоят, салбий боғлиқлик, яъни бирор сифат ривожланса, бошқа сифатлар ривожига ёмон таъсир кўрсатади. Жисмоний тарбия соҳасидаги тадқиқотлар энг аввало, ўқув соғломлаштириш жараёнини ўрганиш билан боғлиқ. қўлланилаётган учул ва воситаларнинг афзалликлари ҳақида ҳаракат сифатларнинг ривожланиши, юрак - қон тизими функцияларининг хусусиятлари кўринишидаги педагогик самара гувоҳлик беради. Педагогик самара икки томонлама (сифат ва сон) характерланади.

Методика педагогикани тадқиқотнинг статистик усуллар билан бойитади. Улар ўзлари очган объектив қонунларни мате-матик модель, яъни ўрганилган ҳодисанинг турли томонларини характерловчи кўрсаткичлар ўртасидаги у ёки бу муносабатлар кўринишида ифодалаш имконини берадилар. Кўрсаткичлар ўрта-сидаги маълум муносабатларнинг бундай модели функционал тобелик дейилади. Унинг моҳияти шундаки, бир кўрсаткичнинг ўзгариши, қоидага биноан, иккинчи кўрсаткичнинг шунга хос ўзгаришига олиб келади. Функционал тобелик ҳақидаги билим тобе катталиқ (функция) кўрсаткичларини бошқарувчи катталиқ (аргу-мент) нинг исталган кўрсаткичларига қараб олдиндан айтиб бериш имконини беради. Бундан функционал амалий ва илмий аҳамияти келиб чиқади. Функционал моделлар баён этилган

жараённинг боришини олдиндан айтиб бериш, бу жараённи бошқариш имко-нини берадилар ва самарали педагогик усулларни танлашга ёрдам берадилар.

Функционал алоқа қатъий тобеликни акс эттиради, бунда бирор бир омил қийматининг ўзгариши иккинчи омил қийматининг худди шундай ўзгаришига сабаб бўлади. Бундай алоқа аниқ фанлар учун характерли ҳисобланади. Педагогикада эса улар умумий вариантларда ва шартли чегараларда кузатилади.

Статистик алоқалар ёки корреляцияларнинг ўрнатилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Корреляция бирор бир омилга бошқа бир омилнинг бир эмас, бир неча қийматлари мос келадиган ҳолатдаги боғлиқликнинг статистик аниқ сон ўлчамларини топиш имконини беради. Бундай ҳолатда алоқа олинган бир қатор ўзгаришларнинг ўртача қийматларида ифодаланади. Корреляция-нинг бир неча йўналишлари мавжуд: тўғри ижобий, салбий; тескари ижобий, салбий корреляциялар.

Алоқанинг сон кўрсаткичлари бир неча даражаларга бўли-нади: кучсиз алоқа - корреляция коэффиценти 0,30 гача; ўртача алоқа-корреляция коэффиценти 0,31 дан 0,69 гача; кучли алоқа-корреляция коэффиценти 0,70 дан 0,99 гача.

Талабаларни соғломлаштиришнинг самарали воситаларини аниқлаш учун жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, жисмоний ва функционал тайёрлик кўрсаткичларининг корреляцион тобелиги белгиланган. Ҳаракат сифатлари, жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, жисмоний аҳвол кўрсаткичларнинг даражасини баҳолаш бўйича тадқиқотлар қизларда 36, йигитларда 47 теста-лар бўйича ўтказилди.

Бундай ёндашув, яъни, талабаларни жисмонан етиштириш учун илмий асосланган машқларни аниқлаш

соғломлаштириш- профилактика ишини самарали режалаштириш, соғломлаштириш жараёнини жадаллаштирув мақсадига мувофиқ воситаларни танлаш имконини беради.

Маълумки, қизларда бўй ва оғирлик кўрсаткичлари (r-0,9), ўпканинг ҳаётий сиғими ва бўйин айланаси, билак динамометрияси ва тананинг ёғ оғирлиги ўртасида катта тобелик аниқланган. Йигит-ларда эса бўй ва оғирлик, билак динамометрияси ва тана кучи(r-0,9) ўртасида катта тобелик мавжуд.

Йигитлар ва қизларнинг гавда тузилиши ва жисмоний ривож-ланиши ўртасида функционал тобелик аниқланган бўлиб, улар алоқанинг унча катта бўлмаган сонини ташкил этади. Гавда тузи-лиши, жисмоний ривожланишни яхшилаш - талабаларни жисмоний етилтиришнинг асосий шартларидан бири бўлиб унга соғлом-лаштириш жараёнида кучни ривожлантиришга йўналтирилган махсус машқлардан мунтазам фойдаланиш йўли билан эришилади. Гавда тузилишини ривожлантириш умуртқа поғонани нормал ишлашини таъминловчи қоматни яхшилаш имконини беради.

Талабанинг типологик хусусиятлари кўрсаткичларининг корреляцион тобелиги асаб жараёнларининг уйғониш ва ҳаракат-чанлиги ўртасида анча катта (r-0,6) тобелик борлигини аниқлади.

Асаб жараёнларининг уйғониш ва ҳаракатчанлиги кучи юқори бўлган талабалар яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлади. Уларга ҳаракат фаоллиги юқори бўлган ва ҳолат тез-тез ўзгариб турадиган жисмоний машқлар тавсия этилади. Асаб жараёнлари-нинг уйғониш ва ҳаракатчанлиги кучи паст ва тормозланиш кучи эса юқори бўлган талабаларга бир меъердаги тезликни талаб қилувчи машқлар тўғри келади. Кўп сонли мушаклар иштирок эт-ган, ҳаракат фаоллиги

юқори бўлган машқлар юрак - қон тизими фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

Аниқланган тобеликлар талабалар валеологик тарбияси жа-раёнида қўлланиладиган жисмоний машқларни танлашда ҳисобга олинмайдиган, илмий асосланган талабларни шлаб чиқиш имконини беради. Бу эса ўқув жараёнининг самарадорлигини таъминлайди.

Турли ёшдаги ва жинсдаги талабалар қон айланиши хусусия-тлари устида олиб борилган тадқиқотлардан олинган натижалар қон айланишининг доимий индекси ва қон айланиши индекси ўртасида юқори боғлиқлик ( $r=0,9$ ) борлигини аниқлаш имконини берди, ваҳоланки қон айланиши кўпайса қон айланиши ва моддалар алмашинуви яхшиланади. Айни пайтда қон айланиши индекси ва томирларнинг периферик қаршилиги ўртасида юқори салбий боғлиқлик ( $r=0,9$ ) мавжуд. Ҳаракат фаоллиги мушакларнинг қисқар-тирувчи ва насосли функциясини катталаштиради, бу эса вена қонини юрак томон юришини таъминлайди, томирларнинг перифе-рик қаршилигини камайтиради юрак - қон тизими функцияси самарадорлигини оширади. Баён этилган омиллар талабалар валеологик тарбияси бўйича дарсларда қўлланиладиган воситаларни танлашда ҳисобга олиниши керак.

Шундай қилиб, мушак тизимининг маълум морфофункционал ҳолати - муҳим ҳаётий заруратдир, унинг даражаси эса мушаклар кучининг кўрсаткичларида акс эттиради. Бундан келиб чиқадики, саломатлик учун мушак тизимининг маълум даражаси зарур экан. Амалий машғулотларда ҳаракат фаоллигининг оширилиши, юқори елка айланаси, қорин пресси мушакларини мустаҳкамловчи воситаларни жисмоний машқлар таркибига киритиш, уларнинг тонусини кўтариш қоматни яхшилаш, қомат

бузилишлари олдини олиш ҳаракатланувчи ва ички органлар фаолиятини яхшилайдди.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб ҳар томонлама тайёрлик инсоннинг жисмоний қобилиятини такомиллаштиришни талаб этади ва махсус машқлар орқали эришилувчи гармоник ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин.

### *Табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари саломатликни яхшилашнинг самарали воситаси сифатида*

Қуёш радиацияси, ҳаво ва сув муҳитларининг хусусиятлари талабанинг саломатлигини мустаҳкамлаш, чиниқиш ва иш қобилиятини ошириш воситалари сифатида хизмат қилади.

Валеологик тарбия жараёнида табиий тадқиқотлар доирасида табиатнинг соғломлаштирувчи кучларидан икки йўналишда фойдаланилди:

1.Жисмоний тарбия машғулотларида қўшимча шароит сифатида (машғулотларнинг очик ҳавода ўтказилиши) фойдаланиш, бунда муҳитнинг табиий омиллари жисмоний машқлар таъсирини тўлдиради, кучайтиради ва фаолаштиради;

2.Соғломлаштирувчи сузиш бўйича машғулотларни очик сув ҳавзаси ( бассейнд)да ташкил этиш, бунда табиий омиллар чиниқ-тириш ва соғломлаштиришнинг нисбатан мустақил воситалари сифатида дозалаштирилади.

Соғломлаштирувчи сузиш апрель ва октябрь ойларида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология маркази маълумотларига кўра бу йилнинг соғломлаштирувчи сузиш учун энг қулай вақтидир.

Табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник факторлар валеологик тарбия воситалари сифатида

талабалар саломат-лигини яхшилаш ва ўқув фаолияти самарасини оширишга ёрдам берди.

Тадқиқотларимиз хулосасига кўра табиий омиллар муҳитдаги чиниқтириш жисмоний машқлари организмнинг ташқи муҳит таъсирларига чидамлилигини оширади.

Очиқ ҳавода амалий машғулотлар стадионда 1.09. дан 30.11. гача ва 1.03. дан 1.06.гача ҳаво ҳарорати +10 дан +28 гача бўлган шароитда ўтказилади. Шунини қайд этиш муҳимки, ҳаво ҳарорати +27 дан ошганда талабалар жисмоний машқларни гоҳ офтобда, гоҳ салқинда бажарадилар. Очиқ ҳавода ўтказилган тадқиқотлар даво-мида турли усуллардан фойдаланилди. Булар: қатъий регламент-лаштирилган машқлар, ўйин ва мусобақа усули, сўз ва кўргазма орқали таъсир кўрсатиш ва ҳ.з. Турли усуллар қўлланилган комбинацияларни синаб кўриш натижасида ўйин ва мусобақа усули-нинг самарали бирикмаси аниқланди. Беллашувлар жарёнида рақобатчилик омили (тўсинларда тортилиш, ерга тиралиб қўлларни букиш ва ёзиш), шунингдек уларни ташкил этиш ва ўтказиш шартлари (эришилган натижа учун рағбатлантириш) ўзгача руҳий кайфиятни яратади. Талаба рейтингини аниқлаш жисмоний машқ-лар таъсирини кучайтиради ва организмнинг функционал имко-ниятларини максимал даражада намоён этишга ёрдам беради. Тадқиқотларнинг юқорида келтирилган натижаларининг кўрсати-шича беллашувлар шароитида жисмоний тайёрлик мусобақа бўлма-ган бошқа усуллар шароитидагига нисбатан анча олдинга сил-жийди.

Ўйинга нисбатан мусобақа пайтида руҳий ҳолат кучлироқ намоён бўлади.

Очиқ ҳаво шароитида қўлланилган ўйин ва мусобақа усул-лари ва табиат кучлари ўқув фаолияти билан боғлиқ руҳий зўриқиш ва аудитория, ётоқхона, уй шароитида кўп вақт ўтириш натижасида ҳосил бўлган димиқишни бартараф



этишга ёрдам беради. Чиниқиш руҳий чарчоқни енгади. Талабалар ўртасида шамоллаш касаллик-лари камайди, бу эса давоматнинг яхшиланишига сабаб бўлди.

Педагогик тадқиқотлар жараёнида жисмоний машқлар таъсирини белгиловчи омиллар аниқланди.

1. Ўқитувчи ва талабаларнинг шахсий хусусиятлари муҳим омил ҳисобланади. Ўқитиш икки ёқлама жараёндир. Жисмоний машқлар таъсири ўргатаётган ва ўрганаётган шахсларнинг ахлоқий сифатлари, билим даражаси, маҳорати, жисмоний ривожланиши, қизиқиши ва фаоллигига боғлиқдир.

2. Илмий омиллар талаба томондан валеологик тарбия қонуниятларини ўрганиш чораларини характерлайди. Жисмоний машқларнинг педагогик, психологик, физиологик томонлари қанчалик чуқур ишлаб чиқилган бўлса, улардан педагогик масалаларни ечишда шунчалик самарали фойдаланиш мумкин.

3. Методологик усуллар жисмоний машқларга қўйиладиган талаблар гуруҳини ўз ичига олади. Ўқитиш самараси танланган танланган машқларнинг талаба имкониятларига қанчалик мос келишига боғлиқдир. Индивидуализациялаштирилган ўқитиш жисмоний машқларни шахсий хусусиятларга мос танлаш, демақдир. Бу эса ўқувчидан тиббий, психологик, педагогик билимларни талаб этади. Талабаларнинг шахсий хусусиятларини билиш «педагог-талаба - педагог» педагогик ҳамкорлигининг базаси ҳисобланади.

Айни пайтда талабалар шахсий хусусиятларини аниқлаш жисмоний машғулотлар таъсирини фаоллаштиради.

Жисмоний етилиш жараёнини индивидуаллаштириш машғулотларни дифференциалаш, уларни ўтиш йўллари, жисмоний юк-лама меъёрлари ва уларни бошқариш

йўллари, машғулот турлари ва педагогик таъсир усуллари билан ифодаланади.

### **3.4. Саломатликни мустаҳкамлашнинг ноанъанавий воситалари**

Соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг асосий воситалари- бу соғломлаштириш машқлари ва табиий омилардир.

Маълумки, жисмоний машғулотлар организмнинг ташқи муҳитдаги салбий омилар таъсирига чидамлилигини оширади, моддалар алмашинуви, қон айланишини яхшилади, қайта тиклаш жараёнларини фаоллаштиради ва асаб тизимини мустаҳкамлайди.

Соғломлаштириш машқлари таъсири самарадорлигини ошириш мақсадида турли касалликларнинг олдини олуви ноанъанавий воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади. (Масалан, соғломлаш-тирувчи югуриш, юриш, умуртқа поғонасини соғломлаштирувчи машқлар, шарқ яккакураши турлари ва ҳ.з.)

#### *Соғломлаштирувчи югуриш*

Маълумки, иқтисодий ривожланган мамлакатларда касал-ликлар ва инсонлар ўлимининг асосий сабабларидан бири юрак қон – томир тизими фаолиятининг бузилиши ҳисобланади. “ Инсоннинг ёши унинг томирлари ёшига тенгдир.” деган иборага ҳеч ким шубҳа қилмаган. Юрак қон - томир тизими фаолиятини яхшилашга соғломлаштирувчи югуриш бўйича амалий машғулотлар ёрдам беради.

Соғломлаштирувчи югуриш билан шуғулланувчилар кап-пиллярларининг зич тармоғи ёзилади, юрак қон - томир

тизимининг эластиклиги анча ошади, мустаҳкамланади ва ёшаради.

Соғломлаштирувчи югуриш ҳаваскорлари чуқур ва тез тез нафас оладилар, юрак уриши минутига 50 - 60, айрим ҳолларда 40- 50 мартани ташкил этади, ўпкалари сизими югурмайдиганлар ўпкалари сизимига нисбатан 20- 30 %га каттароқ бўлади.

Ўқув жараёни талабалардан максимал эътиборни, катта асабий кучланишни талаб этади. Бу ҳол айниқса бошланғич курсларда адаптация қийинчиликлари муносабати билан янада мураккаб-лашади.

Доимий стресс ҳолати сустлашган мушак фаоллиги, чет эл мутахассисларнинг фикрича купгина жиддий касалликларга сабаб булар экан.

Салбий хиссиётларнинг доимий таъсири остида стенокардия, гипертония, асаб зуриқиши, экзема, ошқозон яраси каби касаллик-лар ривожланади.

Олимлар жисмоний машқлар ва асаб зўриқшининг пасайиши ўртасида алоқа мавжудлигини исбот қилишган.

Енгил югуриш машқларига мутахассислар ақлий чарчашдан халос этувчи ва айни пайтда тетиклик ва шодлик улашувчи восита сифатида қарашади. Шунинг учун амалий машғулотларда 20 дақиқадан 45 дақиқাগача 8- 10 км соат тезликда соғломлаштирувчи югуриш билан шуғулланиш тавсия этилади.

### ***Югуришни яхшиловчи машқлар***

Тиззаларни баланд кўтариб, қўлларни силкитиб (ўнг қўл ва чап оёқни кўтариб, чап қўл ва ўнг оёқни кўтариб) 0,5- 1 дақиқа оддий юриш. Қўллар белда оёқ товонларида 0,5 дақиқа юриш. Оёқ учида қўлларни силкитиб 0,5- 1 дақиқа юриш. Қўллар белда, ярим ўтирган ҳолатда 0,5 дақиқа юриш.

қўллар билан навбатма навбат олдга зарбани имитация қилиб, ярим ўтирган ҳолатда 0,5 дақиқа юриш.

Оёқларни тик кўтариб (генералча қадам) 0,5 дақиқа юриш. қўлларни олдинга узатиб, ярим ўтирган ҳолатда 0,5 дақиқа юриш. қўлларни тепага баланд кўтариб, оёқ учида орқага 0,5 дақиқа юриш. қўлларни бошга қўйиб, оёқ учида ёнлама 0,5 дақиқа юриш. Оддий юриш 0,5 дақиқа.

### ***Соғломлаштирувчи юриш***

П.Брег юришни “барча машқларнинг қироли” деб атаган, япон мутахассислари эса кунига “10 минг қадам юриш” тавсия этадилар.

Н.Амосов “Агар юрганда юрак уриши минутига 120 мартани ташкил этмас экан, бундай юриш вақтни бекорга сарфлаш демак-дир”, деган эди.

Юриш ҳаракат тезлиги соатига 5- 6 км ни ташкил этсагина фойдали бўлади. Бунда инсон албатта терлаши ва чарчоқни ҳис этиши керак.

### **Умуртқа поғона профилактикаси ва умуртқани соғломлаштирувчи машқлар**

Бундай машқларни бажаришда П.Брег қуйидаги қоидаларга амал қилишни тавсия этади:

кескин ҳаракатлар қилмаслик;

машқларни ўз имкониятларидан келиб чиқиб бажариш;

машқларни ҳаракатнинг максимал амплитудаси бўйича бажармаслик.

П.Брегининг таъкидлашича, умуртқа тузилаётганда мушаклар ва бўғимлар кучаяди ва нормал қоматни шакиллантиради. Қон айланиши яхшиланади. Бошқарувчи

асбоблардаги босим пасайса барча ички аъзолар мустаҳкамланади, нафас олиш чуқурлашади ва барча хужайралар кислород билан тўйинади. Ҳар бир машқ 3 - 10 мартадан бажарилади.

1-машқ. Полга олд тараф билан ётиб, тосни кўтаринг ва орқани ёй шаклида қайиринг. Танани кафтлар ва оёқ панжалари кўтариб туради. Тос қисм бошдан баландроқда туриши лозим. Оёқ-ларни елка кенгликда ёйинг. Тиззалар ва тирсакларни тўғр-ланг. Тосни деярли полгача туширинг. Оёқлар ва қўллар тўғри ҳолатда. Бошни кўтаринг ва кескин орқага эгинг. Тосни мумкин қадар паст-га, кейин мумкин қадар баландга кўтаринг ва орқани қайиринг.

2-машқ. Бу машқ асосан жигар ва буйракка борувчи асаб-ларни мустаҳкамлашга мўлжалланган. У асаб бузилишлари натижа-сида юзага келган касалликларни энгиллатишга ёрдам беради. Эрта қариб қолган, бўш жигар, қотиб қолган буйрақлар ушбу машқларни бажариш натижасида яна яхшим ишлай бошлайди. Полга олд тараф билан (лицом вниз) ётинг, тосни кўтаринг ва орқани қайиринг. Тана кафтга ва оёқ бармоқларига таянади. қўл ва оёқлар тўғри ҳолатда. Тосни мумкин қадар чапга бурунг, чап биқинни имкон қадар пастроқ тушурунг. Худди шу машқни ўнг томонга қараб бажаринг. Оёқ ва қўлларни букмасликка ҳаракат қилинг.

3-машқ. Бу машқда умуртқа поғона тепадан пастга томон бўш ҳолатга келадиган. Ҳар бир асаб маркази жалб этилган.

Тос қисми бир ҳолати энгиллашади. Умуртқага бириккан мушаклар мустаҳкамланади.

Бошланғич ҳолат. Полга ўтиринг, қўллар орқада тосни кўта-ринг. Бу машқ тез темпта бажарилади.

4-машқ. Ушбу машқ умуртқанинг ошқозонни бошқарувчи асаблари тўпланган қисмига яхши куч беради.

Полга чалқанча ётинг, оёқларни узатинг, қўлларни ёнга қўйинг. Оёқларингизни бу-кинг, қўлларингиз билан уларни қучоқлаб, кўкрагингизга тортинг. Гавдангизни шундай ҳолатга 5 секунд ушлаб туринг.

5 -машқ. Бу машқ умуртқани тортишга ёрдам берувчи муҳим машқлардан бири. Бундан ташқари у асабларни жалб этиб йўғон ичакка қуч бағишлайди. Бошланғич ҳолат худди 1-машқникидек. Полга олд тараф билан ётиб, тосни кўтаринг ва орқани ёй шаклида қайиринг, бошингизни пастга қаратиб тўғри ҳолатдаги оёқ ва ҳолларга таянинг. Шу ҳолатда хонани айланиб чиқинг.

### *Гимнастик скамейкада бажариладиган машқлар*

Бошланғич ҳолат. Ўтиринг ҳар бир тарафга 20-30 мартадан бурилинг; оёқларни икки тарафга ёйиб олдинга 20-30 мартадан эгилинг.

Бошланғич ҳолат. Чалқанча ётинг. Оёқларни бошга қараб 20-30 марта олиб боринг.

Бошланғич ҳолат. Ўтиринг, оёқларни “велосипед” қилиб 20-30 марта букиб ёзинг; букилган оёқларни ҳар бир тарафга 20-30 мартадан қимирлатинг.

Бошланғич ҳолат. Чалқанча ўтиринг оёқларни 20-30 марта бошга кетма-кет олиб боринг (велосипед).

Бошланғич ҳолат. Ўтиринг, тиззадан букилган оёқларни кўтаринг (ўнг оёқни ўнга чап оёқни чапга) 20-30 марта; қўллар бошнинг орқасида, ўнга ва чапга букинг, бунда ҳар бир тарафга 20-30 мартадан эгилиб, бошни ўтиргичга текизишга ҳаракат қилинг.

### *Хитойча цигун терапия*

Цигун шарқ яккакураши барча тизимларининг асосига кириб, хитой миллий маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Наҳорда тротуарлар, йўл чеккалари, хиёбонлар ўзига хос спорт майдонча-ларига айланади ва турли ёшдаги инсонлар: эркаклар , аёллар, бола-лар, қариялар, ҳеч кимга этибор бермай Цигун ва У-ШУ билан шуғулланадилар.

Цигун хитой тиббиёти хазинасидаги нодир мерослардан бири бўлиб, уч минг йиллик тарихга ега. Бу тиббий даволаниш ва саломатликни мустахкамлашнинг миллий хусусиятларга эга самарали воситасидир.

Цигун турли касалликларнинг олдини олиш, уларни даволаш, саломатликни асраш ва мустахкамлаш, эрта қаришнинг олдини олиш, шунингдек, умрни узайтиришда фаол рол ўйнайди.

Айниқса, сурункали ва мураккаб касалликларни даволашда унинг таъсири катта. Мана шунинг учун қадимда Цигунни “Касал-ликларни бартараф этувчи ва ҳаётни узайтирувчи усул” деб атаган.

### *Терапевтик ва соғломлаштирувчи йога*

И.П. Березин турли ноҳуш ҳолатлар ва сурункали касалликларни даволаш, уларнинг олдини олиш йога учун чўт эмас-лигини қайд этади. Бу ўз танаси ва онгини бошқаришни такомил-лаштириш, ўзликни англаб етиш ёрдамида даволаниш, табиат ва инсоний ҳаракатлар уйғунлигига эришиш демақдир.

1988 йилда “Физкультура и спорт” журнали томондан “Йога соғломлаштириш тизими сифатида” мунозара ташкил этилган эди.

Мунозарага хулоса ясаб, шундай дейилган эди. Йога ҳақида соғломлаштирувчи гимнастиканинг бир кўриниши сифатида гапи-рсақ, бу тизимни соддалаштириб юборган

бўламиз. Хатха йога амалда жуда кенг қўлланилади: пронаямү (нафас олишнинг ўзига хос муҳим кўриниши), тозалашни муолажалари (рухий тозаланиш ҳам шунга киради.) дисталогия масалалари (шу жумладан даволовчи очлик), меҳнат, дам олиш, ухлаш режими, таълимотнинг ахлоқий томонлари билан боғлиқ тавсияларни ўз ичига олади.

Терапевтик йога турли машқлар ёрдамида ўз-ўзини даволаш тузимидир. Йога таълимотига кўра нотўғри ҳаёт тарзини юритиш, ёмон одамлар, нотўғри овқатланиш, индивидум ҳаётида муҳим ўрин тутувчи предметлар тўғрисида нотўғри тасавурга эга бўлиши турли касалликлар, беҳолликларга сабаб бўлади.

### *У -ШУ соғломлаштирувчи тизими*

У-ШУ профилактик ва даволаш гимнастикаси тизимлари билан узвий боғлиқдир. У-ШУ нинг даволовчи ва соғломлаштирувчи қирралари халқ тиббиётининг ажралмас қисмини ташкил этади. Хитой манбаларида қайд этилишича, У-ШУ тизимини эгаллаган инсон танасининг ҳимоя хусусиятларини оширади; мунтазам машқлар мустаҳкам соғлиқка эришишга ёрдам беради ва умрни узайтиради.

У-ШУ, шартли равишда, уч йўналишга эга соғломлаштирувчи, спорт ва харбий амалий йўналишлар.

Соғломлаштирувчи у-шу гимнастик машқлар, тананинг асосий (сон, қўл, оёқ) ҳаракатлари жойни ўзгартириш пластикасини ишлаш, нафас олиш машқлари, массаж комплексларини ўз ичига олади. Тао деб аталувчи машқлар



комплекси юқорида айтиб ўтилган элементларни ўз ичига олади.

У-ШУ гимнастикаси билан шуғулланиш куч, чайирлик, ҳара-катлар кординатциясини ривожлантиради, катта соғломлаштириш профилактик аҳамиятга эга, ижобий психофирик таъсир кўрсатади, энг муҳими, жисмоний тайёргарлик даражаси турлича бўлган инсонларнинг барчаси бу гимнастика билан шуғулланиши имко-ниятига эга.

Япон тадқиқотчиларининг фикрича У-ШУ машғулоти конвейр линияларида меҳнат унимдорлигини оширишга ёрдам беради.

Бу машқлардан мактабларда, ўрта махсус ўқув юртраларида, олий ўқув юртраларида чарчоқни бартараф этиш, ўқув ва ишлаб чиқариш фаолиятига тетиклик бағишлаш учун ишлаб чиқариш гимнастикаси сифатида фойдаланиш мумкин.

### *Хитой гимнастикаси*

Тайқзицюань хитой маданиятининг ажойиб бир кўриниши бўлиб, соғломлаштиришнинг самарали тизими ва инсон қалбининг энг эзгу қирралари тўғрисидаги таълимотни ўз ичига олади. Тайқ-зицюань ёрдамида ўзини бўш қўйиш, юмшоқлик, уйғунликнинг табиий тамойиллари тикланади.

Нафас олиш ва ҳаракатлар билан бирлаштирилган психокон-центрациянинг рационал усуллари организмни яхшилади, ақлий ва рухий чарчашни бартараф этади.

Нафас олиш ва концентрация усуллариининг бош мия фаолия-тини яхшилаш, организмнинг кўпгина функцияларига ижобий таъсир этиши олимлар томонидан исбот қилнган. Тайқзицюань соғломлаштирувчи вазифалари жуда ажойиб. Бундан ташқари бу тизим билан мунтазам шуғулланиш кўпгина касалликларни даволашда жуда қўл

келади. Шу сабабли Хитойда Тайқзицюаньдан нафақат соғломлаштирувчи тизим, балки терапияга ҳамроҳ кўриниши сифатида ҳам фойдаланилади. Ошқозон - ичак йўли касалликларида бундай машғулотлар ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасининг тез битишига, гастроптоз ва сурункали гастрит энтрит касалликларини даволашда ёрдам беради. Улардан юрак томир тизими касаликлари: юрак томирларининг зараланиши гипертония, гипотония, қон айланиши етишмовчилиги, атеро-склерозни даволашда ҳам фойдаланилади.

Тайқзицюань машғулоти конда альбумин сонини оши-ради, глобулин ва холестерин таркибини камайтиради ва атеро-склезнинг олди олинад.

Ҳозирги кунда Хитой профилакториялари ва шифохона-ларида Тайқзицюань беморларни реабилитация қилишда кучли восита ҳисобланади.

### *Суяк касалликларини олдини олиш*

Суяклар усти юпқа кемирчак билан қопланган. Бу кемирчак пластинкалари жуда силлиқ, шунинг учун улар бир-бирига тегиб сирпанганда ишқаланиш жуда юқори бўлади. Бундан ташқари суяклар бир бирига уланган жой сумка ёки капсулага киради. Суяк сумкасининг ички сирти махсус суюқлик ажратади, бу суюқлик суякларга суртилиб камроқ ишқаланиш билан ҳаракатланиш имко-нини беради. Бу суюқликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, суяк-лар қанча кўп ишласа суюқлик шунча кўп ажралиб чиқади.

Академик Н.М. Амосовнинг фикрига кўра соғломлаштирувчи машқларнинг ҳажми инсоннинг жисмоний аҳволдан келиб чиқиш керак. 20-30 ёшгача ҳаракат (такрорлаш) қилиш кифоя. Агар суякларингизда оғриқ пайдо бўлган ва ёшингиз 40 дан ошган бўлса хар бир суяк

учун ҳаракатлар дозаси 50 дан 100 гача кўтарилади. Суяклар зарарланганлиги яққол бўлса, Н.М. Амосов-нинг фикрича ҳар бир суяк учун такрорлашлар 200 - 300 та бўлиши керак. Яъни, ёшинг қанчалик катта бўлса суяк касалликларининг олдини олиш учун кўпроқ вақт кўпроқ ҳаракат қилиш лозим.

### *Маишқлар комплекси*

1 Туриш: оёқлар ёзилган, қўллар пастда. Ҳар 1:4 ҳисобда бошни олдинга, орқага, ўннга, чапга эгиш.

2. Туриш: оёқлар ёзилган, қўллар икки ёнга узатилган, ҳар бир ҳисобда қўл билакларини айлантириб ҳаракатлантириш.

3. Туриш: оёқлар ёзилган, қўллар икки ёнга узатилган, ҳар бир ҳисобда қўлларини айлантириб ҳаракатлантириш.

4. Туриш: оёқлар ёзилган, қўлларда гимнастика таёғи ва скакалка. қўлларни юқорига тўғри узатинг ва елка суякларини ишлатиб айлана ҳосил қилинг ва бошланғич ҳолатга қайтинг.

5. Туриш: оёқлар ёзилган, қўллар белда 1:3 ҳисобда гавдани чапга, олдга, ўннга пружинали эгиш.

6. Туриш: оёқлар ёзилган, қўллар белда 1:3 ҳисобда гавдани эгиб ўнг қўл билан чап оёққа пружинали эгиш, 4 ҳисобда бошланғич ҳолатга қайтиш. Худди шу машқни чап қўл билан ўнг оёққа пружинали эгиб такрорланг. Эгилгандан бармоқлар учи ёки кафт билан полга тегишга ҳаракат қилинг.

7. Оёқларни кенг ёзинг. Ҳар бир ҳисобда қўлларни ёнга ёзиб ўннга, олдга, чапга, эгилинг.

8. Туриш: оёқлар ёзилган, қўллар белда 1:4 ҳисобда гавдани ўннга, 5:8 ҳисобда чапга айлантириб ҳаракатлантиринг.

9. Туриш: оёқлар ёзилган, қўллар ёнга 1 деганда тиззани бир оз букиб орқага эгилинг, қўлларингиз билан

товонларингизга тегизинг, 2 деганда бошланғич ҳолатга қайтинг.

10. Туриш: оёқлар ёзилган, қўллар олдга узатилган. Оёқларни навбатма- навбат силтаб кўтариб қўлларга тегизинг.

Машқлар турган жойда, юриб, секин югуриб, 20- 30 мартадан бажарилади.

Баскетбол, футбол, қўл тўпи, теннис, бадминтон ва бошқа спорт ўйинлари голеностопний, колений ва елка суяклари про-филактикасида самарали восита ҳисобланади.

### *Жисмоний ўйғунлик соғломлаштириш машқлари*

Мураббий М.Тартаковский гавда тузилишини яхшилаш учун машқлар комплексини ишлаб чиқди. Қорин мушаклари бўйи ёки бел ҳажми меъёрга тўғри келмайдиганлар учун бу комплекс жуда фойдали. Бу ерда эркак ва аёллар учун бир хил машқлар берилган бўлса ҳам мунтазам шуғулланиш давомида гавда тузилишининг ўзига хос хусусиятлари туфайли турлича бўлади (эркаклар қорни ва орқаси мушаклари ажралиб турадиган, аёлларда мушаклар рельефи текисланиб, юмшоқ бўлиб қолади).

Индивидуал комплекс ўз ичига қийинчилик даражаси унга баянд бўлмаган 8 машқни ўз ичига олади. Тана ҳолати ўзгармаган ҳолда мушаклар тортилишига нафас олиш, бўшашишга нафас чиқа-риш мос келади. Машқларни ётиб бажараётганда корпус ҳолатини қўллар билан, оёқлар ҳолатини таянч ёрдамида қўллаб туриш мумкин. Бир томонга бажариладиган машқларни, албатта иккинчи тарафга ҳам шунча марта такрорлаш керак.

Биринчи машғулотдан сўнг мушаклар оғриши мумкин. Бу нормал юклама натижаси бўлиб, машғулотларни тўхтатишга сабаб бўла олмайди.

#### Машқлар

##### 1. Чалқанча ётинг.

1) қўлларни икки ёнга кафтларни пастга қаратиб узатинг. Юқори кўтарилган оёқни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга туширинг.

2) худди шу машқни икки оёқда бажаринг.

3) икки оёқни ҳавода айлантинг.

##### 2. Қоринга ётинг.

1) кафтларингиз билан полга таянинг қўлларни тўғирлаб, бошни, корпусни кўтариб эгилинг.

2) қўллар орқага “боғланган”. Оёқни полдан узмай қайрилинг 3.Чалқанча ётинг.

1) оёқларни букинг 45градус бурчақда ёзинг ва туширинг.

2) оёқларни тўғри кўтаринг, букинг ва бошланғич ҳолатга қайтинг.

3) оёқларни тўғри кўтариб уларни бош орқасидаги полга тегизишга ҳаракат қилинг.

##### 4. Ёнбош ётинг.

1) чап қўл кўкрак олдида, ўнг қўл орқада таянч ҳосил қилади.

2) оёқларни тўғри тутиб кўтаринг.

3) қўллар бошнинг орқасида корпусни кўтаринг.

##### 5. Чалқанча ётинг.

1) қўллар бошнинг орқасида. Товонларни полга тираб, тосни кўтаринг куракларда “кўприк” ҳосил қилинг.

2) кафтларни полга тиранг.

3) қўлларга,товонларга ва бошга суяниб “кўприк” ясанг.

4) худди шуни, қўлларни тўғри тутиб бажаринг.

6. Қоринга ётинг.

1) оёқларни навбатма навбат тўғри кўтаринг.

2) қўлларингиз билан тўпиқларни ушлаб эгилинг.

3) қўлларни тана бўйлаб қўйиб кафтларни пастига қаратинг. қўлларга таяниб, оёқларни тўғри кўтаринг.

7. Чалқанча ётинг.

1) қўлларнинг ёрдамисиз ўтиринг.

2) оёқларни кенгроқ ёзинг, қўллар бошнинг орқасида, полга егилинг.

3) худди шундай, тўғри қўллар бошнинг орқасида. Ўтириш ҳолатига ўтинг, оёқларга эгилинг.

8. Чалқанча ётинг.

1) қўллар бошнинг орқасида. Оёқлар билан “велосипед” ҳаракатини бажаринг.

2) 45градус бурчак остида кўтарилган тўғри оёқлар билан “қайчи” ҳаракатини бажаринг.

3) тўғри оёқлар билан қарама- қарши тарафга ҳаракатини бажаринг.

Машғулотни югуриш, юриш ва нафас олиш машқлари билан тутатинг.

### **3.5. Бўш вақтдан тўғри фойдаланишга ўрагатиш**

Оммавий жисмоний тарбия машғулотларини ривожланти-ришнинг асосий мақсади саломатликни мустаҳкамлашдир.

Тури мамлакатларда соғломлаштириш ишлари қандай йўлга қўйилгани билан танишиб чиқамиз.

Чет эл мактабларида жисмоний тарбия машғулотларига бо-лалик йиллариданоқ барқарор, энг муҳими онгли қизиқиш уйғотиш бўйича бир қатор усуллар муваффақият билан тадбиқ этиб келин-моқда. Кўп ҳолларда жисмоний тарбия дарсларининг якуний ўқув мақсади айнан

шундай белгиланади. Ушбу мақсадга эришишнинг асосий усули ҳаракат фаоллигига қизиқишни тарбиялашдир.

Турли мамлакатларда жисмоний тарбия масалалари бўйича назарий машғулотлар турлича номланади, аммо уларнинг барчаси ягона соғломлаштириш йўналишига эга. АҚШ ва Японияда “Соғ-лом ҳаёт тарзига ўргатиш”; Австралияда “ Бўш вақтдан тўғри фойдаланишга ўргатиш”; Финляндияда “Соғлом ҳаёт тарзи кўникма-ларини шакллантириш”.

Японияда “Соғлом ҳаёт тарзига ўргатиш” болалар боғча-сининг катта гуруҳиданоқ бошланади.

Австралия соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва фаол дам олиш масалалари бўйича кенгаш мутахассислари, бўш вақтдан тўғри фойдаланишга ўргатишни фаолиятларининг муҳим соҳалари-дан бири ҳисоблашади. Кенгаш юқорида қайд этилган предметни таълимнинг мажбурий дастурига киритиш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Ўз навбатида, Калифорния соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия фаол дам олиш ва рақслар масалалари бўйича ассоциацияси томониндан саломатлик бўлимини яратиш бўйича қарор қабул қилинган. Ушбу асосция вазифаларига Калифорния штатининг барча умумий таълим мактабларида саломатлик мактаб дастур-ларини киритиш киради. Бу дастурлар ўсиб келаётган авлодда саломатлиени асраш ва мустахкамлаш борасида қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Машғулотларни болалар боғчасидан тортиб умумий таълим мактабларининг 12 синфигача ўтказиш режалаштирилган. Шунини қайд этиш лозимки, ҳозирда АҚШ нинг кўпгина штатларида бундай дастурлар алла-қачон тадбиқ этилган. Уларнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги амалиётда исботини топди. Болалар, ўқувчи ва талаба ёшлар учун очиқ ҳавода жисмоний машқлар бажариш уларнинг жисмоний ва

ақлий камолотига ёрдам берувчи муҳим омил эканлиги барчага маълум.

Ҳаракатли, миллий ва спорт ўйинлари нафақат дам олиш воситаси, балки улар жисмоний, шунингдек ақлий ривожланиши-нинг ва муҳим бетакрор воситасидир.

Турли-туман ҳаракатли машғулотлар турли аъзолар, айниқ-са, ўпка фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бу мақсадга эри-шишнинг энг табиий воситаси бу югуришдир. Чунки югурганда энг кўп мушаклар ҳаракатга келади. Айни пайтда тез югириш терининг буғлантириш фаолиятини кучайтиради, натижада углекислоталар ва тери чиқиндилари танадан тезроқ чиқиб кетади ва бу эса саломатликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ҳаракатли машғулотлар овқат ҳазм бўлиши ва уйқуга ҳам яхши таъсир кўрсатади. Жисмоний машқлар ва очиқ ҳавода кўпроқ бўлиши модда алмашувини тезлаштиради: ишлатилган моддалар-нинг ажралиб чиқиши овқат қабул қилиш эҳтиёжини пайдо қилади.

Жисмоний машқларнинг инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолатига таъсирини ҳам қайд этиш муҳим. Ҳаракат фаоллиги ҳордиқ чиқариш ва бўш вақтни ўтказиш воситаси сифатида инсонда осойишта ва ёқимлам кайфият уйғотади, инсон ўзидан, атрофдаги-лардан, турмушдан қониқиш ҳиссини туюди. Бундай руҳий осойиш-талиқ жисмоний ҳолатга ижобий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли ёшларни бўш вақтдан рационал фойдаланишга ўргатиш жуда муҳимдир.

### *Кросс ва эстафеталар*

Кросс бу табиий шароитда турли баландликлар, пастликлар ва бошқа тўсиқлардан ошиб югиришдир. Кросс ёшларни тез ҳаракатланиш, мўлжални тўғри олиш, табиий



тўсиқларни енгиш, ўз кучини тўғри баҳолаш ва сарфлаш кўникмаларини тарбиялайди.

Эстафеталар гуруҳли мусобақа бўлиб, жисмоний машқлар-нинг турли кўринишлари (ютиш, югуриш, сузиш, ва гимнастика, спорт ўйинлари элементларини ўз ичига олган спорт турлари.) бўйича ўтказилиши мумкин. У жисмоний машқларнинг бир кўри-ниши ёки бир неча кўринишлари комбинацияси бўйича ташкил этилиши ҳам мумкин.

Эстафеталар бир жинс вакилларида иборат гуруҳлар ёки йигит ва қизлардин иборат командалар ўртасида ўтказилади.

Эстафеталар юқори эмоцианаллик билан ажралиб туради, иштирокчилар катта жисмоний ва рухий зўриқиш оладилар. Шунинг учун эстафеталарга маълум жисмоний тайёргарликка эга йигит ва қизлар жалб этилади.

### *Созломлаштирувчи сузиш ва сув ўйинлари*

Сузиш ва сув ўйинлари, қуйи ва ҳаво чиниқишлари билан комплекс мусобақалар асаб, нафас олиш, юрак томир, хазм қилиш тизимлари функцияси ва тузилишида, шунингдек ҳаракат аппарати, қон таркибида ижобий ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Чўмилиш ва сузиш вақтида сув ва ташқи факторларнинг мун-тазам таъсири организмда барқарор кўникиш реакцияларини ишлаб чиқаради бу марказий асаб тизимига, у орқали бутун аъзолар ва тизимлар функцияларига ижобий таъсир кўрсатади. Гидроаэробика жисмоний машқларни сувда бажаришдир.

### *Спорт ўйинлари*

Кичик майдонда кичрайтирилган дарвозалар билан, оз сонли ўйинчилар билан (2x2, 3x3) битта ёки иккита гол билан футбол ўйнаш. Кўп гол урган команда ғолиб ҳисобланиди.

Ип тортиб оз сонли иштирокчилар (2x2, 3x3) билан волейбол ёки бадминтон ўйнаш. Ҳар бир йўқотилган тўп учун рақиб гуруҳга очко берилади. Ўйин 8 та тўп йўқотишгача ўйналади.

### **Жисмоний машқларнинг турли кўринишлари бўйича мусобақалар**

Дарахт шоҳида ким кўп тортилади: бошланғич ҳолат ётишдан бир минут давомида гавдасини кўтариш; ётган ҳолда кўллارни букиб ёзиш; тош кўтариш.

#### *Миллий ва ҳаракатли ўйинлар*

Дам олиш вақтида “Оқ тол”, “Оқ суяк”, “Оқ теракми, кўк терак”, каби ўйинларни ўйнаш тавсия этилади.

#### *Дам олиш кунини туристик саёҳат*

Дам олиш кунини туристик саёҳат қилиш жисмоний тарбиянинг кенг тарқалган тикланиш (реакрацион) шакилларидан биридир. Унинг асосий вазифаси ўқув, меҳнат фаолиятидан чарчаш ҳиссини бартараф етиш, иш қобилятини тиклаш.

Туристтик саёҳатда мушаклар насоси фаол ҳаракат қилади, натижада вена қони ва лимфатик суюқлик тез юришади ва уларнинг озикланиши, модда алмашуви фаоллашади.

Жисмоний юклама кунлар сони (1-2 кун) бир кунда ўтилиши лозим бўлган масофа, юклама хажми, ҳаракат

тезлиги, олиб ўти-лиши лозим бўлган юк оғирлиги билан регламентлаштирилади. 10-20 км масофада ҳаракат тезлиги 4 5 км/соат, дам олиш оралиги 10- 15 минут, йўл юриш вақти 45-50 минут бўлиши тавсия этилади.

Ҳаракат регламентлаштини шундай тузиш керакки, йўлнинг катта қисмини дам олиш жойигача юриб ўтиш керак, ҳаракатни қоронғу тушишидан бир соат олдин, тунда ухлаш учун жой тайёрлаш учун тўхтатиш лозим.

Туристик саёҳат вомологик тарбиянинг кенг тарқалган шаклидир. Туристик саёҳат талабаларнинг ҳаракат сифатларини ривожлантирувчи таъсир кўрсатади, чидамлилигини оширади, кучига куч қўшади, ақлий ва жисмоний меҳнат қобилиятига яққол тикловчи таъсир кўрсатади.

Туризмнинг ривожлантирувчи ва ҳаракатли ўйинлар билан уйғунлашганда ошади. Туризмда юкламанинг бир меъёрдаги интен-сивлиги бўш тайёрланган талабаларни ҳам жалб этишга имкон беради.

Калит сўзлар: ўқитиш, машғулотлар шакли, рационал усуллар, ноанъанавий воситалар, соғломлаштирувчи жисмоний тарбия, вомологик таълим.

Назорат учун саволлар:

1. Валеология бўйича ўқув машғулотлар шакллари.
2. Саломатликни яхшилашнинг ноанъанавий воситаларини айтинг.
3. Саломатликни яхшилашнинг рационал усулларини асос-лаб беринг.
4. Саломатликни яхшилашнинг усулларини самарали усул-ларини биласиз.
5. Бўш вақтдан фойдаланишнинг қандай шакл ва воситаларини биласиз?
6. Табиатнинг соғломлаштирувчи кучларини асослаб беринг.

Адабиётлар:

Амосов Н.М. Раздумья о здоровье. М., 1987.

Брегг П. Программа по оздоровлению позвоночника. М., МП "Ритм", 1992.

Березин Н.П. Здоровому о здоровье. "Твое здоровье", 1990, №7.

Змоновский Ю.Ф. К здоровью без лекарств. М., ФиС, 1990.

Китайская цигун-терапия (Перев с. англ. С.К. Брешина. М., 1991.

Куликов Ю.А, Худойбердиев Р. И. Жизнь в движении. Т., 1987.

Тартаковский М. Уроки физической гармонии. М., 1983.

Маслов А.А., Подщеколдин А.М. Уроки китайской гимнастики. М., 1990.



#### 4-БОБ. ТАЛАБАЛАРГА ВАЛЕОЛОГИЯДАН ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ ФАОЛ УСУЛЛАРИ

Педагогик тизим - педагогик мақадларга бўйсундирилган структуравий ва функционал компонентларнинг йиғиндисидир.

«Талаба-педагог-талаба» педагогик тизими интерактив ўқитишнинг асоси ҳисобланади.

Педагогик тизим мақсадлари педагогик жараён орқали ҳаётга тадбиқ этилади. Педагогик жараён, бир томондан, ўзи ҳаракат қилувчи жараён (яъни, унинг иштирокчилари ихтиёри ёки уларнинг ихтиёрига қаршилигига қарамай амалга ошаверади), иккинчи томондан, у бошқарилувчи жараён (яъни, тизимнинг якуний мақсад-ларига бўйсунган беҳисоб педагогик вазифаларни ечиш орқали амалга оширилади).

Валеологияга ўқитиш педагогик тизими жараёнда педагог (субъект) ва талаба (объект)нинг иштирокини назарда тутаяди, бу ерда бошқарувчи ва йўналтирувчи роль педагог зиммасида бўлади.

Педагогик фаолиятнинг иккиёқдамалилиги объектнинг ўзига ҳослиги билан тушунтирилади: талаба таъсирни пассив қабул қилмайди, балки ўз фаолиятининг субъекти сифатида ўзи ҳам фаол ҳаракат қилади.

Валеологияга ўқитиш педагогик тизимининг мақсади - ҳар томонлама етук инсонни, ривожланаётган давлатнинг онгли ва фаол қурувчисини тарбиялаш.

Ушбу педагогик соғломлаштириш тизимининг пайдо булиши, энг аввало, жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, жисмоний ва функционал тайёрлик диагностикасини амалга ошириш ва шу асосда соғломлаштирувчи жисмоний тарбия дастурини тузиш ва жисмоний етукликни самарали бошқариш зарурияти сабаб

бўлган. Шунинг учун «талаба-педагог-талаба» педагогик тизимида биринчи ўринда талабанинг жисмоний ҳолатини баҳолаш, кейин эса соғломлаштирувчи жисмоний тарбия шакллари, воситалари ва усуллари танилаш ва жисмоний машқлар коррекцияси туради. Шунда валеологик тарбия жараёнида асосий йўналиш инсоннинг жисмоний етукликка эриштирувчи педагогик - соғломлаштириш тизими характери касб этади, бу эса саломатликни яхшилаш ва асрашга ёрдам беради. Фақат шу шарт бажарилгандагина «талаба-педагог-талаба» тизими инсонни жисмоний етукликка эриштириш бўйича махсус ташкил этилган, бир мақсадга йўналтирилган жараённинг бошқарилувчи педагогик тизимига айланади.

Қуйидагиларни қайд этиш жуда муҳим:

1. Ушбу педагогик тизимнинг пайдо бўлишига соғломлаш-тирувчи жисмоний тарбиянинг турли касалликларнинг олдини олувчи асос сифатидаги аҳамиятининг ўсиши сабаб бўлади.

2. Тизим билимлар, амалий тажриба йиғилгандагина пайдо бўлади.

3. Тизим талабалар билан ўзаро муносабат воситалари ишлаб чиқилгандагина пайдо бўлади.

4. Талабалар - ушбу тизимнинг зарурий компоненти.

5. Ўқув-тарбиявий-соғломлаштириш жараёни мақсадлари-ни англаб етган, махсус ўқув ва тарбиявий ахборотга эга бўлган, педагогик таъсир кўрсатишнинг шакли ва усулларидан фойдаланишни билган педагог - ушбу педагогик тизимнинг пайдо бўлиши ва функцияланишининг зарурий шартидир.

Шундай қилиб «талаба-педагог-талаба» бошқарилувчи педагогик тизим педагогик тизимларнинг барча талабларига жавоб беради: барқарор, турғун, қатъий ташкил этилган, структуравий ва функционал компонентларнинг ўзаро

ҳаракатига, тартибга кел-тирилганлик ва йўналтирилганликнинг юқори даражасига эга.

«Талаба-педагог-талаба» педагогик тизими функцияланишининг самараси шахсни жисмоний етукликка эриштириш жараёнини бошқариш ташкилотчилигига боғлиқлиги асослаб берилган.

«Педагог-талаба-педагог» педагогик ҳамкорлигининг асоси бошқарилувчи педагогик тизим бўлса ва у шахс шаклланишининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олса жисмоний етукликка эришиш самарадорлигининг онгини экспериментал исботланган. Валеологик тарбияни бундай ташкил этиш жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёрлик, умуман эса, жисмоний ҳолат ва саломатликни яхшилаш учун педагогик фаолиятни муайян мақсадда амалга ошириш имконини беради.

#### **4.1. Талабаларнинг жисмоний ривожланишини бошқариш**

Педагогик соғломлаштириш тизимини бошқариш мураккаб ва кўп қиррали жараён. Жисмоний ривожланишни назорат қилиш ва зарур бўлганда коррекция қилиш, шунингдек талаба шахси характеристикасини норматив кўрсаткичлар билан мутаносблигини таққослаш унинг асосий элементлари ҳисобланади.

Бошқарув талаба организми шакл ва функцияларини жис-монан ривожлантириш бўйича махсус ташкил этилган, мақсадли, мунтазам фаолият сифатида кўриб чиқилади. Умуман олганда, бошқарув педагогик таъсирни назорат қилиш бўйича бир-бири билан чамбарчас боғлиқ характерларнинг ёпиқ циклидир.

Ўтказган табиий экспериментлар натижасига кўра шахснинг жисмоний ривожланишини самарали бошқариш



учун талабанинг (типологик хусусиятлари ҳисобга олинган) ҳар томонлама тайёр-лиги тўғрисида, педагогик назорат ёрдамида жисмоний аҳволи ҳақида мунтазам равишда ахборот олиниши ва ишланиши керак.

Тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқиш асосида педагогик таъсирлар танланиши, валеологик тарбиянинг турли шакл, усул ва воситаларини қўллаш ҳақида қарорлар қабул қилиши керак. Бу фаолиятда педагог етакчи роль ўйнайди. Жисмоний ривожлан-тириш жараёнида бошқарув педагог тарафдан қатор ҳаракатлар қилинишини назарда тутати.

Биринчи ҳаракат - талабанинг ҳар томонлама тайёрлиги ҳақида бошланғич комплекс ахборотни олиш; унинг кучи, заиф томонларини аниқлаш;

Иккинчи ҳаракат - мақсадга етишишини таъминловчи нор-матив кўрсаткичлар билан танишиш.

Талаба чиқиш шарт бўлган кўрсаткичларга ориентация қилиш жисмоний етукликка эришиш зарурияти билан тушунти-рилади. Шунинг учун жисмоний ривожланиш самараси норматив талаблар кўрсаткичларининг норматив кўрсаткичларнинг олинган маълумот-лари билан қиёсланганда аниқланади.

Самарадорлик омилига асосланмаган жисмоний ривожла-ниш ўзининг мақсадини, аниқлигини, таъсирчанлигини йўқотади.

Учинчи ҳаракат (бошқарув тизимида моҳияти жиҳатидан энг муҳим) талабаларнинг режалаштирилаётган кўрсаткичларга эриши-шини таъминловчи валеологик тарбия тизимини назарда тутати. Шу сабабли жисмоний ривожланишини режалаштириш масалалари, унинг энг рационал шакл, восита ва усуллари танлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Педагогнинг назарий ва амалий машғулотлар дастурини тузиш бўйича фаолияти ушбу дастурларни бажариш йўллари танлаш билан бевосита боғлиқ. Жисмоний машғулотлар дастурини нафақат ишлаб чиқиш балки уни жисмоний етукликка эришиш учун ҳаётга тадбиқ эта билиш ҳам зарур.

Тўртинчи ҳаракат - педагогнинг махсус ташкил этилган мунтазам фаолиятининг танланган йўналиши самарадорлигини баҳолаш. Ҳар томонлама тайёрлик кўрсаткичларини аниқлаш, уларни дастлабки маълумотлар билан таққослаш ва уларга мос тадбирларни белгилаш педагогик назорат ёрдамида амалга оширилади.

Бешинчи ҳаракат - натижаларни таҳлил этиш, хулосалар яшаш ва навбатдаги мақсадни белгилаш.

Шундай қилиб, талабани жисмоний ривожлантиришнинг бошқарув тизими бўлимлар бўйича илмий асосланган методик тавсияларни назарда тутади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Информатив бошқарилувчи «талаба – педагог - талаба» педагогик тизими;

2. Талабанинг бошланғич жисмоний аҳволини баҳолаш;

3. Жисмоний ривожланишнинг норматив кўрсаткичлари;

4. Жисмоний етукликка эришишга ёрдам берувчи ташкил этилган, мақсадли, мунтазам фаолият (жисмоний машғулот)ни рационал тузиш.

5. Қабул қилинган қарорларни тадбиқ этувчи педагогик ком-плекс назорат тизими.

6. Талабалар билан тарбиявий ишларни улар шахсининг типологик хусусиятларини ҳисобга олиб бориш.

Шундай қилиб, жисмоний ривожлантириш технологияси талаба жисмоний кўриниши динамикасини баҳолаш ва назорат қилишга, бажарилган жисмоний

машқларни батафсил ҳисобга олиш ва улар орасидаги ўзаро алоқани таҳлил қилишга боғлиқ. Бунда қуйидаги низмоларга амал қилиш керак.

1. Жисмоний ривожланиш, гавда тузилишини комплекс баҳолаш антронометрик ўлчашлар ёрдамида амалга оширилиши лозим. Жисмоний ва функционал тайёрлик назорат синовлари (педагогик тестлар) ёрдамида аниқланади.

2. Жисмоний ривожланишини назорат қилиш талаба аҳволи динамикасини мунтазам кузатиш шаклида амалга оширилсагина самарали бўлади. Бунда:

а) бир ойда 1-2 марта тестлаш ўтказиш керак;

б) тестлаш жараёни талабага малол келмаслиги ва унинг кўп вақти, энергиясини олмаслиги керак;

в) тестлаш шартларининг доимийлигига эътибор бериш керак, токи унинг натижаларига бирор бир тасодифий омиллар таъсир этамасин.

3. Бошқарув жисмоний етукликнинг реал ва топширилган характеристикаларини таққослашни талаб этади. Агар улар орасида қандайдир номутаносиблик бўлса вужудга келган вазиятни синч-ковлик билан таҳлил қилиш, бундай номутаносиблик сабабларини аниқлаш, ушбу вазиятдан чиқиб кетиш йўллариини белгилаш ва жисмоний машқлар дастурига тузатишлар киритиш лозим.

Бошқарув технологияси ўқитувчига соғломлаштирувчи жис-моний тарбия назарияси ва методикасини бойитиш учун нодир материал тўплаш имконини беради.

Мақсадди педагогик фаолият жисмоний ривожланиш илмий-амалий педагогик жараён учун керак бўладиган методик тажриба ва касбий эрудиция салмоғини ошириш имконини беради.

#### **4.2. Талабаларнинг ҳар томонлама тайёрлигини комплекс баҳолаш**

Жисмоний ривожлантиришни самарали бошқариш учун тала-банинг бошланғич жисмоний кўриниши ҳақида маълумотга эга бўлиш керак. Ҳар томонлама тайёрликни комплекс баҳолаш жис-моний ривожланиш, гавда тузилиши ва жисмоний тайёрлиги, шахсинг типологик хусусиятларини аниқлашни ўз ичига олади.

### *Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини баҳолаш*

Инсоннинг жисмоний ривожланиши деганда организмнинг жисмоний куч заҳираларини белгиловчи морфологик ва функ-ционал хусусиятлари комплекси тушунилади.

Жисмоний ривожланиш ва гавда тузилиши хусусиятлари ҳар бир педагог учун тушунарли бўлган антронометрик ўлчашлар ёрдамида амалга оширилади. Тана узунлиги, оғирлиги, бўйин, қорин, кўкрак қафасининг нафас олиш, чиқариш, тинчлик фазасида айланаси, биллак кучи, орқа, гавда тузилиши ва ташқи нафас олиш тизими ҳақида маълумотлар талаба жисмоний аҳволини объектив баҳолаш ва организм шакли ва функцияларини ривожлантириш бўйича мақсадли фаолиятни ташкил этиш имкониятини беради. Айни пайтда жисмоний ривожланишни мунтазам баҳолаш мақсадли жисмоний тарбия таъсири остида амалга ошувчи сифат ўзга-ришларни акс эттиради.

Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўртасида юқори даражадаги яқин ( $r = 0,7-0,9$ ) алоқа мавжудлиги корреляцион таҳлил натижасида ўрнатилганлигини қайд этиш жуда муҳим ( Масалан, тана оғирлиги ва кўкрак қафаси айланаси ўртасида, оғирлиқ, бўй кўрсаткичлари ва гавда тузилиши пишиқлиги ўртасида, гавда тузилиши пишиқлиги ва кўкрак қафаси айланаси ўртасида, орқа мушаклар кучи (кг)

ва фоизларда, чап ва ўнг билаклар кучи ўрта-сида, Кетле индекси ва оғирлик ўртасида).

Баён этилган маълумотлар жисмоний ривожланиши кўрсаткичларнинг бирини яхшиласа, ўз - ўзидан бошқалари ҳам яхши-ланиши, айтиб ўтилган кўрсаткичлар муҳим ва улар жисмоний ривожланишни комплекс баҳолашда етакчи ўрин эгаллашлари ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Кетле индекси (оғирлик ва бўй индекси) - тана оқирлиги (кг) ва бўй (см) маълумотларни бўлиш орқали ҳосил қилинади.

Ҳаёт кўрсаткичи - ўпкаларнинг ҳаётий ҳажми кўрсаткичлари (мл ларда/ оғирликка /кг ларда) бўлинмалари.

Семизлик оғирликни (кг) тана узунлигига (дм) бўлиш орқали аниқланади.

Гавда тузилишининг пишиқлиги Пенье индекси бўйича (бўй \ см\ - оғирлик \ кг\ + кўкрак қафасининг нафас чиқариш пайтидаги айланаси) баҳоланади.

Куч имкониятлари қўл, гавда динамометрлари ёрдамида тўғридан-тўғри аниқланади.

Ўпкаларнинг ҳаётий ҳажми тадқиқ этилаётган шахс чуқур нафас олгандан сўнг максимал чиқариш мумкин бўлган ҳаво ҳаж-мини билдиради. Спирометр - ўпкаларнинг ҳаётий ҳажмини аниқ-лайдиган асбоб. Улар турли (сувли, қуруқ, газли, соатли) конст-рукцияда бўлиши мумкин. Ўпкаларнинг ҳаётий ҳажмини ўлчаш учун спирометрга трубка орқали ҳаво пуфлаш керак.

### *Талаба танасининг ёз оғирлигини баҳолаш*

Морфологик назорат инсон жисмоний аҳолини баҳолашнинг мустақил кўринишларидан бири ҳисобланади. Маълумки, жисмоний машқлар билан шуғулланиш, бир томондан, ёғ компо-нентларининг камайишига олиб келса,

иккинчи томондан ёғсиз компонентларнинг кўпайишига сабаб бўлади, тана оғирлиги эса ўзгармай қолаверади.

Тананинг ёғли ва ёғсиз (ёки фаол) массасини турли усуллар (гидрометрик, гидростатик, биохимик, изотоп ва бошқалар) билан аниқлаш мумкин. Аммо антропометрик усуллар энг осон ва кенг қўлланиладиган усул ҳисобланади.

Тананинг ёғ массасини (Ж) баҳолаш учун айланани ўлчаш-нинг машҳур усули қуйидаги формула орқали аниқланади.

Ўғил болаларда:  $M - 0,74 \times OЖ - 1,249 \times OШ + 0,528$

Қиз болаларда:

$Ж - 1,05 \times OБ - 1,522 \times OП -$

$879 \times OШ + 0,326 \times OЖ + 0,587 \times OБу + 0,707$

Бунда – ОБ - бицепснинг қўл букилган ҳолатдаги айланаси.

ОП - елка айланаси

ОЖ - қорин айланаси

ОШ - бўйин айланаси

Обу - сон айланаси

Ушбу усул АҚШ Мудофаа вазирлиги мутахассисларининг америкалик ҳарбий хизматчилар жисмоний аҳволини баҳолаш учун методик ёндашувлар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ишлари натижаси ҳисобланади. АҚШ ҳарбий хизматчиларини ўрганиш шуни кўрсатадики 17-20 ёшли эркеклар ўртача ёғ массаси 18%, аёлларда эса 29% ни ташкил этар экан.

Тошкент ахборот технологиялар университети талабаларини кўриқдан ўтказиш шуни кўрсатадики, 18-24 ёшли йигитларда ёғ массаси 10,5% ни ташкил этиб, у АҚШ ҳарбий хизматчилари кўр-саткичидан анча паст, аммо ўқишнинг 3 босқичида бу кўрсаткичларнинг ўсиши кузатилган (4-жадвал).

Тана таркиби (айниқса, тананинг фаол массаси - ТФМ) – инсон организми функционал имкониятларининг объектив пара-метридир. ТФМ кислородни максимал истеъмол қилиш, мушак кучи, чидам ва бошқа жисмоний сифатлар билан яхши ўзаро алоқа боғлайди.

Тана таркибида шахсий фарқлар жисмоний фаоллик, овқат-ланиш ва тадқиқотлар натижасига кўра, генетик омилларнинг ўзаро таъсири натижасидир.

Биз талабалар танаси фаол массасини аниқлашнинг амери-калик мутахассислар таклиф этган методикасини тавсия этамиз.

Ўғил болалар учун: ТФМ-  $0,514 \times P + 0,017 \times OB - 49,67$

Қизлар учун: ТФМ-  $0,311 \times P + 1,619 \times ОП - 47,75$

Бу ерда - P-бўй (см), ОБ - бицепсининг букилган қўл ҳолати-даги айланаси, ОП- елка айланаси.

Жадвалда I-III босқич талабаларининг педагогик экспери-мент натижасида аниқланган. Жисмоний тайёрлик кўрсаткичлари келтирилган.

4-жадвал

**18-24 ёшли талабалар жисмоний ривожланишининг ўртача кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар номи	Ёш M-0,5 б		
		18 ёш	19 ёш	20-24 ёш
1.	Оғирлик - бўй индекси (г/см)	366-7	368-7	372-9
2.	Ўпканинг ҳаётий ҳажми	3911-232.3	3627.8-204.4	350-230
3.	Ҳаёт кўрсаткичи	69-1,5	71-2	69-2,5
4.	Ўнг биллак кучи (кг)	39-0,5	40-0,5	47-0,5
5.	Чап биллак кучи (кг)	35-0,5	36-0,5	41-0,5
6.	Тана кучи (кг)	130-2	124-3	137-3
7.	Семизлик (кг-дц)	3,7-0,2	3,5-0,2	3,7-0,4
8.	Гавда тузилишининг пишиқлиги	27-3	18-3,9	19,4-№

9.	Тананинг ёғ массаси (%)	9,2-0,6	10,1-0,8	12,2-1,4
10.	Қўрак қафаси айланаси			
11.	Нафас олиш	99,6-1,8	99,5-1,8	93,6-3
12.	Нафас чиқариш	88,5-2,5	88-1,3	87,7-2,8
13.	Танаффус	88,2-2,8	90,4-1,2	89,8-3
14.	Фарқ	10-0,6	11,4-0,7	5,9-0,8

**Ўқишнинг I-III босқичи талабалари жисмоний тайёрлиги  
кўрсаткичлари**

№	Номи	Ўқиш босқичлари		
		I босқич	II босқич	III босқич
1.	Тортилиш(марта)	11-0,4	12-0,6	13-0,6
2.	Айланиб кўтарилиш (марта)	5-0,2	6-0,3	7-0,4
3.	Лангарларга тиралиб қўлларни букиш ва ёзиш	10-0,4	12-0,6	13-0,6
4.	Ерга тиралиб қўлларни букиш ва ёзиш	37-1,1	38-2	40-1,4
5.	Югуриш 3000 м( мин, сек)	12'22"- 0.44"	13'16"-0.5"	12'43"-0.6"

*Жадвалнинг давоми*

6.	Югуриш 100м (сек)	13"-0.5"	13.4"-0.5"	13.8"-0.7"
7.	Жойдан сакраш	243.2-8.7	245-11.8	148-12.2
8.	Лангарларда осилиб оёқларни кўтариш	9-0.;	12-0.5	12-0.5
9.	Югуриб узоққа сакраш (см)	474-16	472-24	494-21
10.	Югуриш 5000 м ( мин.сек)	23'7"-1.31"	24'6"-1.33"	23'6"-1.22"
11.	Танани кўтариш (марта)	57-16	58-3	61-2

**4.3. Талабаларни жисмоний ривожлантириш жараёнида  
педагогик назорат**



Шахсни жисмоний ривожлантириш жисмоний тарбия бўйича педагогик жараён самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашни назарда тутати.

В.М. Зацюрский (1979) тавсияси бўйича, агар ўртача қиймат-лар ва натижаларнинг стандарт четланишлар бор бўлса ўртача кўрсаткич  $M+0,5$  б, ўртачадан юқорироқ кўрсаткич  $M+0,5$  б дан  $TOM+1б$  гача, юқори кўрсаткич  $M+1$  б дан  $M+2$  б гача, энг юқори кўрсаткич  $M+2$  б бўлади.

И.А. Кошбахтиев (1994) монографиясида 18-24 ёшдаги тала-балар учун жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши ва жисмоний тайёрлик бўйича тадқиқотлар натижаси келтирилади.

Шахснинг шаклланиш жараёни қандай кечаётганлигини билмай туриб қайси тарбиявий занжир тузатишга эҳтиёж сезаётган-лигини аниқлаб бўлмайди.

Талаба саломатлиги, жисмоний аҳволи ва жисмоний ривож-ланиши даражасини педагогик назорат тизими ёрдамида аниқлаш мумкин.

Назорат - шахсни жисмоний ривожлантириш натижаларининг сон - сифат характеристикасини аниқлаш имконини берувчи ҳара-катлар мажмуасидир.

Жисмоний ривожланишни педагогик назорат қилиш тизими қуйидаги вазифаларни ечиш имконини беради:

- ҳар бир талабанинг аниқланган камчиликларини бартараф қилиш бўйича махсус ташкил этилган жараённинг тизими йўнали-шини аниқлаш;

- бутун семестр ва ўқув йили давомида талабаларнинг бир меъерда фаол ишлашини таъминлаш;

- мустақил жисмоний машғулотлар ва машқларни ўрганиш фаоллиги самарадорлигини ошириш;

- бутун ўқув семестри ва йили давомида жисмоний ривож-ланиш ҳақида мумкин қадар объектив маълумот олиш;

- жисмоний ривожлантириш жараёнига мусобақа элементини киритиш;

- ўзини фаол кўрсатган ўқитувчилар ва талабаларни рағбат-лантириш тўғрисида кенгроқ ва асосланган қарорларни қабул қилиш имкониятини қўлга киритиш;

- талабаларни жисмоний ривожлантириш жараёнини бош-қариш.

Педагогик назоратнинг қуйидаги функциялари белгиланган: диагностик, жорий, модул, рейтинг, якуний.

Диагностик назорат, деганда талаба тайёрлигининг кучли ва кучсиз тарафларини аниқлаш ва жисмоний ривожлантириш курсининг тузилишини белгилаш бўйича жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, жисмоний ва функционал тайёрлиги ҳақида маълумотлар тўплаш жараёни тушунилади.

Жисмоний ривожланиш ва гавда тузилишини баҳолаш антро-пометрик ўлчашлар ёрдамида, жисмоний ва функционал тайёрлик эса тестлар ва махсус синовлар ёрдамида амалга оширилади.

Диагностик педагогик назорат маълумотлари ўқитувчи семестр ва ўқув йили учун ўқув - соғломлаштириш иши режасини ишлаб чиқиш ва аниқлаб олиш учун зарур бўлади. Жорий семестр назорати жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, жисмоний ва функционал тайёрлик кўрсаткичларининг яхшиланиши даражасини аниқлаш имконини берувчи жисмоний ривожлантириш жараёнини самарали бошқариш учун зарур. Унинг маълумотлари жисмоний ривожлантириш бўйича соғломлаштириш дастурига муайян туза-тишлар киритиш учун асос бўлади.

Жисмоний ривожлантириш бўйича якуний назоратнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у педагогик соғмолаштириш тизимининг талаба функциялари ва сифатига таъсири натижаларини баҳолаш имконини беради. У жисмоний аҳволни Л. Ивашенко, Е.А. Пиро-гова, Г.А. Апанасенко ва бошқалар методикаси бўйича баҳолаш орқали амалга оширилади.

### **Жисмоний ривожлантиришни педагогик назорат қилишнинг рейтинг тизими**

Жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, жисмоний ва функционал тайёрлик даражаси кўрсаткичи сифатида ўқув рейтинги талабани жисмоний ривожланишининг турли босқичларида аттес-тациядан ўтказишда объектив асос бўлиб хизмат қилади. Талаба рейтинги жисмоний тайёрлик ёки жисмоний ривожланиши-дан топширилган ҳар бир тест бўйича тузилиши мумкин. Бу эса талабани жисмоний тарбия ва спорт илан мунтазам шуғулланишга фаоллаштирувчи беллашув элементини киритади.

Кафедрада ҳар бир семестрда 3 тадан 6 та модуль ишлаб чиқилган. Ҳар бир модулда 5 тадан кўрсаткичлар мавжуд. Синовдан ўтиш учун умумий баллнинг 60% ини йиғиш керак (яъни 15 балл). Талаба семестр давомида йиғиши мумкин бўлган максимал балл 75 ни ташкил этади.

Талабанинг фаол ва ритмик ишлаши учун ҳисобот муддати белгиланади: 7,14 ва 21 ҳафталарда ҳар бир семестрнинг модуллари бўйича педагогик назорат ўтказилади.

Якуний тест назоратидан ўтишга рухсат олиш учун талаба ҳар бир модулда 15 дан кам бўлмаган балларни йиғиши лозим. Агар талаба модуллар бўйича камида 45 балл йиға олмаса, у якуний назоратга қўйилмайди. Бундай

ҳуқуққа эга бўлиш учун талаба кафедра топшириқларини бажариб семестр бўйича баллар йиғиндисини 45 га етказиши ҳар бир модуль учун 15 балл тўплаши лозим.

Талабалар жисмоний ривожланишини яқуний назорати:

Талаба синовдан автомат равишда ўтиши учун 90 дан кам бўлмаган балларни йиғиши керак  $P > 90$  балл. Талабанинг жорий назоратдан йиғган баллари 65 бўлса, аммо 45 дан паст бўлса, яъни ( $P$ )65, унда у синовга қўйилмайди, бунинг учун у жорий ўзлаш-тиришини 45 баллга етказиши лозим.

Агар талабанинг жорий ўзлаштириш рейтинги 45 баллдан паст бўлса у синовга қўйилмайди, унинг олий ўқув юртида ўқиш масаласи «Олий мактаб ҳақида Низом» га мувофиқ ҳал этилади.

#### **4.4. Талабаларни жисмоний ривожлантиришнинг самарали методлари**

«Метод» сўзи грекча сўз бўлиб, «тадқиқот, усул» маъноларини англатади.

И.Т. Фролов фалсафий луғатида ёзишича, методнинг умумий маъноси мақсадга эришишнинг усули, муайян тартибга келтирилган фаолиятдир.

С.И. Ожегов методни назарий тадқиқот ёки бирор нарсани амалга ошириш усули, деб тушунтиради.

Педагогикада маълумки, таълим жараёнининг муваффақияти ўқитишнинг мақсад ва моҳиятини тўғри белгилаб олишга ҳамда шу мақсадга эришиш усулларига, яъни ўқитиш методларига боғлиқ. Ўқитиш методлари ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги бир тартибга келтирилган ва бир мақсадга йўналтирилган алоқалар тизими бўлиб, улар ўқитишнинг педагогик мақсадларини амалга оширишни таъминлайди.

Жисмоний тарбия амалиётида асосан қуйидаги методлардан фойдаланилади: ўйин, мусобақа, оғзаки ва кўргазмали таъсир этув-чи қатъий регламентлаштирилган машқлар.

Педагогикада ўқитиш, ишонтириш, машқлар, мусобақалар, рағбатлантириш, танқид ва ўз-ўзини танқид этиш, мажбур қилиш каби методлар қўлланилади.

Техник предметларни ўқитишда кўпинча муаммоли, дастур-лаштирилган, модулли ўқитиш ва ишбилармонлик ўйинлари метод-ларидан фойдаланилади.

Педагогик амалиётда ўқитишнинг турли шакл ва методлари қўлланилади. Жисмоний тарбия жараёнида асосан янги ечимларни излаш талаб этилмайдиган, ижодий онгни ривожлантирмайдиган методлар қўлланилади.

Талабанинг ўрганиш фаолиятини бошқариш самарадорлиги ўқитувчининг тиббий назорат, психология, физиология бўйича билимларига тўлақонли боғлиқдир.

Замонавий ўқитувчи ижодий ишлай билиши керак, чунки у таълим жараёнига тадқиқот нуқтаи назаридан ёндашиш педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятидир. Шахснинг ҳар томонлама тайёрилиги ва ўзига хос хусусиятларини билиш ва уларни таҳлил этиш ўқитувчига талабаларга махсус топшириқлар бериш имко-ниятини беради. Ўз-ўзини баҳолаш, назорат қилиш ташкилий формаларининг қўлланилиши соғломлаштириш, тадқиқот ишлари-нинг дебочасидир ва у талабанинг илмий ижоди ва соғломлаш-тириш жисмоний машғулотларга эҳтиёжини тарбиялаш томон илк мажбурий поғона ҳисобланади. Шу сабабли айрим амалий ва назарий машғулотлар ривожлантирувчи характерга эга бўлиши керак (талабанинг жисмоний аҳолини, тананинг ёғ массасини аниқлаш ва ҳ.з.)

Талабанинг ўрганиш эҳтиёжларини ривожлантириш учун талабага шундай вазиятлар тавсия этиладики, талаба

улардан чиқиб кетишнинг тўғри йўлини топсин, қўйилган саволга тўғри жавоб топсин. Бўлажак мутахассисда мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш керак. Бунда жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши хусусиятлари, жисмоний тайёрлик маълумотларини кўриб чиқиш ва олинган натижалар ва хулосаларни ишлаб чиқиш ёрдам беради. Талабалар томондан маърузалар ва рефератларнинг тайёрланиши ҳам бу ишга ёрдам беради. Муаммоли таълимни қўллаш асосида валеология кафедрасида талабалар анжуманлари ўтказилади. Жисмоний тарбия машғулотилари жараёнида муаммоли таълимни қўллаш ўрганиш ва ижодий фаоллик, мустақилликни ривожлан-тиради, жисмоний тарбия машғулотирига эҳтиёжни фаоллаш-тиради.

### *Жисмоний ривожлантиришнинг модуль усули*

Модуларни ишлаб чиқиш мақсади - ҳар бир мавзу ва курсни педагогик ва дидактик вазифаларга мувофиқ қисмларга бўлиш, ҳар бир қисм учун ўқитишнинг мақсадга мувофиқ кўриниш ва шакллари аниқлаш, уларни ягона комплексга бирлаштиришдир.

Модуль мустақил структуравий бирлик ва айрим ҳолларда талаба бутун курсни эмас бир неча модуларни эшитиши мумкин. Ҳар бир талаба модулдан модулга материални ўзлаштириш даражасига қараб ўтади ва жорий назорат босқичларини топши-ради. Билимларни баҳолаш учун қуйидаги тизимдан фойдаланади; ҳар бир модуль учун баллар йиғилади ва индивидуал коммулятив индекс (ИКИ) тузилади. Талабанинг мақсади баллар-нинг максимал сонини йиғиш. Жорий назорат умумий баллнинг 30-35% ини, оралиқ назорат 20-25% ни, амалий машғулотилар ва курс иши 25% гача балларни ташкил этади. Модулли таълим тамойилларининг талабани жисмонан ривожлантириш

жараёнида қўлланилиши ўзига хос аҳамият касб этади. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари орасида яқин ўзаро боғлиқлик мавжудлиги корреляцион таҳлил ёрдамида аниқланган. Шу сабабли жисмоний ривожлантириш жараёнида асосий эътибор жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини яхшилаш ва умуман олганда, саломатликни таъминлаш ва уни мустаҳкамлашга қаратилади.

Инсоннинг жисмоний етуклиги валеологик тарбия шакли, усул ва воситалари мазмунига боғлиқдир. Ривожлантириш методи деганда талаба ва ўқитувчи ўртасидаги бир мақсадга йўналтирилган ўзаро ҳаракатлар тизими тушунилади ва у инсоннинг жисмоний аҳволини яхшилаш бўйича педагогик мақсаднинг амалда қўлланилишини таъминлайди.

Ёшларни жисмоний тарбиялаш педагогик амалиётида асосан қатъий регламентлаштирилган таълим, ўйин ва мусобақа метод-ларидан фойдаланилади. Улар талабанинг қизиқиши, ижодий фикр юритиши, жисмоний тарбия машғулотларига эҳтиёжини етарлича ривожлантирмайди.

Шу сабабли кўп йиллар давомида жисмоний тарбия ва спорт кафедрасида талабани жисмонан ривожлантиришнинг самарали усулларини аниқлаш мақсадида табиий педагогик тадқиқот ўтка-зилди.

Ўтказилган давомли тадқиқот натижасида инсон саломат-лигини ривожлантириш мақсадида модулли таълим методикаси ишлаб чиқилди. Модулли таълимнинг мақсади - валеологие тарбияни таркибий қисмларга бўлиш ва жисмоний ривожлантириш машғулотлари самарасини ошириш ва жорий назоратни кучай-тириш.

Олтита модуль белгиланган. Ҳар бир модулда талаба бешта кўрсаткичлар бўйича талаба максимал 25 балл йиғиши керак. 60% дан кўпроқ (15 балл) тўплаган талаба ушбу модулдан ўтган ҳисобланади. Ўқув йили давомида 6 модуль

бўйича 90 дан ортиқ тўплаган талаба синовдан автоматик тарзда ўтган ҳисобланади. Ўзлаштирмаган талабалар қайси модулдан ўтмаган бўлсалар ўша модуллар бўйича синов топширадilar.

Биринчи модуль - жисмоний ривожланишни яхшилаш. Ушбу модуль бўйича баҳолаш 7 ҳафтада бешта кўрсаткич (ўпканинг ҳаётий сизими, ҳаётий кўрсаткич, ўнг ва чап билаклар кучи, орқа мушаклар кучи) бўйича ўтказилади.

Иккинчи модуль - куч-қувват тайёрлигини яхшилаш. Баҳолаш 14 ҳафтада бешта кўрсаткич бўйича ўтказилади. Ерга ва лангар-ларга тиралиб қўлларни букиш ва ёзиш, (поём перевозотом) айланиб кўтарилиш, тортилиш, осилиб лангарга оёқларни тек-кизиш.

Учинчи модуль - юрак-қон тизими фаолиятини яхшилаш. Баҳолаш 21 ҳафтада бешта кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади. Руфье синови, Кверг индекси, 30 сек ичида 20 марта ўтириб туришдан сўнг тикланиш вақти, Г.Л. Апанасенко методикаси усулларининг бири бўйича синовдан сўнг юрак уришининг ошиши фоизи ЧССхАД сист (69 кам-аъло, 70-84 - яхши, 85 - ўрта, 95 дан кўп - қониқарсиз).

Тўртинчи модуль - гавда тузилишини яхшилаш. Натижалар 11 семестрнинг 7 ҳафтасида бешта кўрсаткич бўйича (гавда тузили-шининг мусаҳкамлиги, Кетле вазн - бўй индекси, семизлик, тана-нинг ёғ ва фаол вазни) баҳоланади.

Бешинчи модуль - жисмоний тайёрликни яхшилаш. У 5000 м, 3000 м, 100 м масофага югуриш вақти, ётган ҳолатда гавдани кўтариш, турган жойдан узоққа сакраш кўрсаткичлари бўйича 11 семестрнинг 14 ҳафтасида ўтказилади.

Олтинчи модуль - жисмоний аҳволни яхшилаш. Натижалар иккинчи семестрнинг 21 ҳафтасида Л.Ивашенко тести, Е.А. Пирогова, Г.Л.Апанасенко методикаси, Гарвард



степ - тести, талаба саломатлиги даражаси бўйича баҳоланади.

### *Жисмоний ривожлантиришнинг дастурий методи*

Талабаларни жисмоний тарбиялаш жараёнида тизимли ҳара-кат кўникмаларини ўзлаштириш учун дастурий таълимдан фойдаланади. Дастурий таълим куйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқув материални пухта таҳлил қилиш ва уни таълим актла-рининг мантиқий ва методик кетма - кетлигига солиш: ўқувчининг ўқув материални ўзлаштириш жараёнида мустақиллиги ва фаол-лигини ошириш; иш вақтини онгли тақсимлаш;

- ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини самарали бошқариш;

- таълимни талабаларнинг коллектив бўлиб ишлаши билан боғлиқликда индивидуаллаштириш;

- талабалар ва ўқитувчи фаолиятини рационализациялаш ва интенсификациялаш учун замонавий техника воситаларини қўллаш ва улардан фойдаланиш.

И.А. Володарская ва А.М. Митинларнинг таъкидлашича, дастурий таълим жараёнида ўқитувчи ва талабалар ўртасида «таълим қурилмасига жойлаштирилган» муайян таълим дастури мавжуд экан. Бунда ўқитувчи шахсининг талаба шахсини ривожлантиришга кўрсатаётган таъсири бир ёқлама бўлади. Анъанавий ва дастурий таълим ўртасидаги асосий фарқ уларнинг асосида қандай тамойил-лар ётганида эмас, балки ушбу тамойиллар уларнинг фаолият доирасига қандай тадбиқ этилишидадир.

Дастурий таълим асосий ўзига хос хусусияти - талабалар онгли фаолиятини самарали бошқариш ва ўз-ўзини бошқариш. У махсус дастур асосида амалга

оширилади. Унда нафақат ўргани-лаётган материал мазмуни, балки муайян билим ва кўникмаларни ўзлаштириш учун талабалар бажариш лозим бўлган у ёки бу ҳаракатлар ҳам берилган. Дастурий таълимда тескари алоқа муҳим роль ўйнайди.

Дастурлаштириш - жисмоний ривожлантириш жараёнининг талабанинг реал имкониятларини ҳисобга олиб стратегияси, маз-муни ва шакли, методларини олдиндан белгилаб олишдир.

Дастурлаштириш жисмоний ривожлантириш бўйича педа-гогик жараённинг моҳияти ҳақида ҳар томонлама ва чуқур билим-ларни (унинг мазмуни ва тузилиши, шахсни шакллантириш жараёнида унинг тузилиши ва ўзгаришини белгилаб берувчи қонуният-лари) талаб этади. Бундай билимлар амалий тажрибанинг барча ютуқларини ва илмий маълумотларнинг бутун комплексини ўз ичига олиши керак.

Педагогик эксперимент натижасида талабаларни жисмоний ривожлантириш машғулотларини қуйидагича режалаштириш зарур-лиги аниқланган: 1 сентябрдан 30 ноябргача ва 1 мартдан 1 июнгача амалий машғулотлар очиқ ҳавода ўтказилиши лозим ва бў машғулотлар умумий жисмоний тайёрликни яхшилашга йўналтирилган бўлиши керак. 1 декабрдан 28 февралгача машғулотлар спорт ва тренажер заллари шароитида ўтказилиши ва асосий эътибор гавда тузилишини яхшилаш ва куч тайёрликни мустаҳкамлашга қара-тилган бўлиши керак.

Умумий жисмоний тайёргарлик жараёнида оптимал соғлом-лаштириш самарадорлигини таъминлаш учун жисмоний ривожла-ниш, гавда тузилиши, ҳар томонлама ҳаракат тайёрлиги кўрсаткич-ларини яхшилаш учун турли воситалардан фойдаланиш кўзда тутилган комплекс дастур тавсия этилади.

Амалий машғулотнинг тайёрлов қисмида яхши жисмоний тайёргарликка эга талабаларга 1000 тагача ҳаракат машқлари, ўрта ва буш тайёргарликка эга талабаларга эга 500 тадан кам бўлмаган ҳаракат машқларини бажариш тавсия этилади. Соғломлаштириш машғулотларининг асосий қисмида эса талабалар ўқитувчи раҳбарлиги остида ўз қизиқишлари ва имкониятларидан келиб чиқиб шуғулланадилар. Машғулотларнинг якуний қисмида чиниқтириш машқлари бажарилади ва рационал овқатланилади. Ўз вақтида рационал овқатланиш машғулотнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Қишқи даврда спорт ва тренажер заллар шароитида мушаклар кучини ривожлантириш, уйғун гавда тузилишини шакллантиришга йўналтирилган жисмоний машқларни турли гимнастик снарядлар (халқалар, лангарлар) шунингдек, гантеллар, штангалар, шейпинг элементларидан фойдаланиб бажариш тавсия этилади.

### *Мусобақа методини қўллаш дастури*

Жисмоний ривожлантириш машғулотида талаба рейтингини қўллашдан ташқари факультетлар, ётоқхоналар терма командалари ўртасида спартакиадалар кўринишидаги мусобақалар методидан фойдаланиш зарур. Сўнгра спорт турлари бўйича олийгоҳ терма командалари тузилади ва улар шаҳар ва республика мусобақаларида қатнашадилар. Волейбол, минифутбол, баскетбол бўйича мусобақаларни гуруҳда, гуруҳлар ўртасида ўтказиш мумкин. Йигитлар камчилик бўлиб, қизлар эса одатдагидек таркибда ( йигитлар 4 та, қизлар 6 та) ўйнайдиган волейбол ўйинлари айниқса қизиқарли ўтади. Ўйинлар 9-11 ҳисобгача давом этади.

#### **4.5. Жисмоний ривожлантириш воситаларининг педагогик асослари**

Маълумки, жисмоний сифатларни тарбиялаш жараёнида куч, тезлик ва чидамлик кўрсаткичлари орасида маълум ҳолатларда ижобий ўзаро боғлиқлик кузатилади, айрим ҳолатларда эса бундай алоқа йўқ. Юқорида қайд этилган сифатлардан бирининг ривож-ланиши бошқаларининг яхшиланишига олиб келади ва, ниҳоят салбий ўзаро алоқа, бунда сифатлардан бирининг ривожланиши бошқаларининг ёмонлашувига сабаб бўлади.

Талабаларни валеологик тарбия воситалари ёрдамида самарали жисмоний ривожлантириш учун алоҳида кўрсаткичлар ўртасида ўзаро алоқа даражаларини аниқлаб олиш зарур. Йигит-ларда ҳаракат сифатлари, жисмоний ривожланиш маълумотлари, гавда тузилиши, қон айланиши, шахснинг типологик хусусият-ларини комплекс баҳолаш бўйича тадқиқотлар 47 та кўркичлар бўйича ўтказилди.

Боғлиқликнинг сон кўрсаткичлари бир неча даражаларга тақсимланди: бўш алоқа – корреляция коэффиценти  $r$  - 0,30; ўртача алоқа—  $r$ — 0,31-0,69; кучли алоқа—  $r$ — 0,70-0,99.

Бундай ёндашув (талабаларни жисмоний ривожлантириш учун илмий асосланган машқларни аниқлаш) соғломлаштириш ишларини самаралироқ режалаштириш, жисмоний тайёргарлик воситаларини танлашга мақсадли ёндашиш имкониятларини беради, бу эса шахсни жисмоний ривожлантиришни оптимизация-лашга ёрдам беради.

Валеологик тарбиянинг жисмоний ривожланиш кўрсаткич-ларини яхшилашга қаратилган турли-туман усул ва воситалари чиройли ва бақувват гавда тузилишини шакллантириш учун кенг имкониятларни очиб беради. Штанга, гантеллар, тошлар иланн машқлар тизими, тренажерларда ўтказиладиган машғулотлар ва умумий

ривожлантириш машқлари нафақат уйғун гавда тузилиши, балки чиройли қомат, куч, чидамлилиқ ва чаққонлиққа эга бўлишга ёрдам беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баён этилган машқлар учун махсус техник тайёрлик шарт эмас, улар осон дозаларга тақсим-ланади ва уларни мустақил шуғулланишни хохлаган истаган кишига тавсия этиш мумкин.

Мушаклар кучини ривожлантиришга йўналтирилган жисмо-ний машқлар комплекси кўкрак қафаси айланасини кенгайтиради, вазн-бўй кўрсаткичини оптимизациялайди, қувват имкониятларини яхшилайдди.

#### **4.6. Умумий жисмоний тайёргарлик саломатлиқни яхшилашнинг асосий воситаси сифатида**

А.А. Гужаловскийнинг таъкидлашича, умумий жисмоний тайёргарлик жисмоний тарбиянинг асосий, базавий кўриниши ҳисобланади. Унинг мазмуни, воситалари, усуллари ва машғулот-ларни ташкил этиш шакллари инсон фаолиятининг исталган кўринишлари учун ҳаётий, меҳнат ва турмуш жараёнида кенг базавий жисмоний тайёргарлик яратишга қаратилган. Спорт фани ва амалиётида умумий жисмоний тайёргарлик инсонни бақувват-роқ, соғломроқ, катта юкламаларга дош беришга чидамлироқ этиши исбот қилинган.

Умумий жисмоний тайёргарлик қуйидаги вазифаларни ечишга имкон беради:

1) инсон организмнинг ҳар томонлама ривожланишини таъ-минлаш, чидамлилиқ, куч, тезлик, чайирлик, чаққонлик каби жисмоний сифатларни ривожлантириш, шу сифатларни ривожлантириш асосида ёшларни жисмоний ривожлантириш учун зарур бўлган умумий характердаги функционал базани яратиш;

2) саломатликни мустаҳкамлаш, ташқи муҳитнинг зарарли омилларига қарши таъсир кўрсатиш;

3) ўқув ва меҳнат фаолияти жараёнида ишлаш қобилияти пасайган даврда фаол ҳордиқ чиқариш учун шароит яратиш;

4) қўшимча туғдирилган қийинчиликларни енгиш жараёнида ирода кучини мустаҳкамлаш.

Жисмоний тайёрлик, жисмоний тайёргарликнинг натижаси сифатида нафақат шахсий, балки ижтимоий қадрият касб этади.

Жисмоний етуклик талабанинг жисмоний ривожланиши, унинг ҳаракат билим ва кўникмаларининг барча ижодий имконият-ларни тўлиқ намоён этишга имкон берувчи даражасидир.

Шундай қилиб, жисмоний тайёргарлик шахсни жисмоний етукликка эриштиришнинг базавий кўриниши сифатида таҳлил этилади.

Умумий жисмоний тайёргарлик талабанинг атлетик ривож-ланишини таъминлайди, унинг саломатлигини мустаҳкамлайди, ҳаракат сифатлари диапазонини кенгайтиради ва жисмоний ривожлантириш учун мустаҳкам фундамент яратади.

Шуни эътиборга олиш керакки, инсоннинг жисмоний сифат-лари бир-бири билан чамчарбас боғлиқ. Шунинг учун у ёки бу жисмоний машқни муайян бир жисмоний сифатни ривожлантириш учун қўллаш нотўғри. Айни пайтда жисмоний машқлар талабанинг жисмоний ривожланишига ижобий таъир кўрсатади.

Жисмоний сифатлар ривожи хусусиятларини шахсни жисмо-ний ривожлантириш билан боғлиқликда кўриб чиқамиз. Куч сифат-лари оғирликларни кўтариш, ўз танасини кўтариш, юкни улоқти-риш, турган жойдан, баландликка, узунликка сакраш машқларида намоён бўлади.

Мушак кучини ривожлантириш учун мушакларни инсоннинг кундалик фаолиятига нисбатан анча кўпроқ юклама билан ишлатиш керак. Кучни ривожлантириш учун юклар билан ишлаш, гимнастик снарядларда тренажерларда бажариш лозим.

Умумий ривожлантирувчи машқлар турли аъзолар ва мушаклар гуруҳига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари бу машқларни бажарган талаба ҳаракатларнинг кенг диапазони билан Тани-шади, уларни бажариш нечоғлик зарур эканлиги тўғрисида тасав-вурга эга бўлади. Умумий ривожлантирувчи машқларни турган жойда ёки юриб туриб 50-100 мартадан бажариш керак, машқлар умумий сони 500 дан 1000 тагача ҳаракатлардан иборат бўлиши лозим.

### ***Жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёрлик кўрсаткичларнинг ўзаро алоқаси хусусиятлари***

Жисмоний ривожланишнинг айрим кўрсаткичлари ва жисмоний машқлар орасида кучли ва ўрта даражадаги алоқа корреляцион таҳлил натижасида аниқланган. Ўпканинг ҳаётий сизими ва оёқларни тўсинга кўтариш ўртасида кучли  $r=0,7$  алоқа аниқланган.

Айрим жисмоний машқлар ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўртасида ўртача  $r=0,6$  алоқа аниқланган. Оёқларни тўсинга кўтариш - тана кучи, кўкрак қафаси айланаси; тортилиш-айланиб кўтарилиш, кўкрак қафасининг айланаси; қўлларни тира-либ букиш ва ёзиш - турган жойдан сакраш, турган жойдан узун-ликка сакраш - кўкрак қафаси айланаси.

Жисмоний аҳвол ва тана уйғунлиги орасидаги ўрта алоқани ҳам қайд этиш муҳим.

Баён этилганлардан хулоса шуки умумий жисмоний тайёргар-лик воситалари ўртасида тўсинларда, брусларда

турли оғирликлар билан бажариладиган машқлар, тренажерларда ўтказиладиган машқлар жисмоний ривожлантириш учун самаралироқ экан. Уму-мий ривожлантирувчи машқлар, сакрашлар ва ҳ.з.лар тана уйғунлигини таъминлайди.

Мушаклар массаси, чиройли қоматни яратиш, ташқи нафас олишни яхшилашга йўналтирилган жисмоний машқлар комплекси ёшлар саломатлигини асрайди ва мустаҳкамлайди.

Жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёрликни яхшилаш учун куч имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган машқлар сонини кўпайтириш зарур. Уларнинг бўй ва вазн нисбатларига ижобий таъсири, қомат бузилишларини олдини олиши ва гавда тузилишини яхшилаши тадқиқотларимиз натижасида аниқланган.

Кўкрак қафаси айланасини ошириш учун тўсинларда бажариладиган машқлар самараси катта. Бунда фақат бицепслар эмас кўк-рак мушаклар ҳам кучланади (тортилиш, айланиб кўтарилиш, осилган қуйи оёқларни тўсинга теккизиш ва ҳ.з).

Спорт - куч характеридаги машқлар нафас олиш органлари фаолиятини ҳам яхшилайди.

### *Чиниқиш соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг мустақил воситаси сифатида*

Қуёш радиацияси, ҳаво ва сув муҳитининг хусусиятлари сало-матликни яхшилаш, чиниқиш ва иш қобилиятини ошириш учун самарали восита ҳисобланади.

Чиниқишни амалий машғулотнинг сўнгги қисмида 10-15 минут давомида амалга ошириш тавсия этилади. Ҳаво, қуёш ванна-лари воситасида чиниқиш фаол ҳаракатда



(соғломлаштирувчи юриш, югуриш вақтида) ҳам амалга оширилиши мумкин.

### *Соғломлаштирувчи юриш*

Спорт юришнинг бош, ўзига хос хусусияти- оддий юришга ўхшамаган, ўзига хос юриш услубидир. Спорт юриши сонларнинг кучли ҳаракатига асосланган. Б.Франклиннинг фикрича, спорт юриши соғломлаштириш самараси бўйича югуриш машғулотларига тенг. Шундай қилиб, спорт юриши соғломлаштирувчи юришнинг турларидан бири. Фарқ шундаки, соғломлаштирувчи юриш билан шуғулланаётган инсон спорт юришида мавжуд қоидаларга амал қилмайди. Соғломлаштирувчи юриш спорт юришининг номусо-бақавий кўринишидир.

### *Соғломлаштирувчи югуриш*

Жисмоний фаолликнинг кескин камайиши организмда моддалар алмашинувининг бузилишига, бош миёда кислород танқислигига олиб келади. Шунинг учун соғлом бўлиш учун фаол ҳаёт кечириш керак, соғломлаштирувчи югуриш, юриш, умум ривожлантирувчи машқлар каби ҳамма инсон бажариши мумкин бўлган машқлар билан шуғулланиши лозим. Уларни бажариш учун махсус шароит керак эмас, бу машқларни хонада, спорт майдон-часида, пиёдалар йўлакларида бажариш мумкин.

Соғломлаштирувчи югуриш - элементларнинг бутун бир комплекси. Улар югуриш олди машқлари, югуришдан олдин ва кейин тез юриш, соғломлаштирувчи югуришнинг ўзи ва бошқалар. Югуриш фаол ҳаракатга табиий интилишни ривожлантиради. Югуриш ва чиниқиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ахир исталган об-ҳавода югуриш керак. қўшимча чиниқтирувчи элемент - югуришдан

сўнг контраст душ қабул қилиш. У тери ва тери ости томирларининг ўзига хос гимнастикасидир.

Мутахассислар югуришга ақлий чарчоқдан фориғ этувчи восита сифатида қарайдилар.

Табиий педагогик тадқиқотлар қуйидаги амалий тавсиялар бериш имконини беради:

1. Экспериментал тадқиқотлар Ўрта Осиёда чиниқтириш сало-матликни мустаҳкамлашнинг асосий воситаси эканлигини тасдиқ-лади. Организмнинг ташқи муҳитнинг турли таъсирларига чидам-лилигини ошириш учун очик ҳавода ўтказиладиган жисмоний машқларнинг аҳамияти катта. Ўзгаришлар натижасида модда алмашинуви яхшиланади, организмнинг реактивлиги, курашувчан-лиги ошади. Агар амалий машғулотлар талабаларнинг эмоционал кайфияти фонида ўтказилса чиниқтириш самараси анча ошади.

2. Очик ҳавода жисмоний машқлар, спорт, ҳаракатли, миллий ўйинлар элементлари қўлланилган, рухий кўтаринкилик фонида ўтказилган амалий машғулотлар талабанинг адаптив имконият-ларини оширади, унинг ижтимоий ва биологик табиатини ривож-лантиради.

3. Ўрта Осиё шароитида очик ҳавода ўтказилаётган мунтазам жисмоний машғулотлар организмнинг шамоллаш касалликларига чидамлилигини оширади, қуйи курс талабаларининг олийгоҳда ўқиш адаптациян давридаги зўриқишларини енгиллаштиради ва шу билан уларнинг иш қобилиятларини кўтаради.

4. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия очик ҳаво шароитида 1 сентябрдан 30 ноябргача, 1 мартдан июнь ойигача ўтказилиши кераклиги ўрнатилган.

5. Ҳаво ҳарорати +25 ва ундан ошганда жисмоний машғу-лотлар гоҳ офотобда, гоҳ салқин жойда 10-15 минутдан ўтказилиши керак.

6. Соғломлаштирувчи сузиш машғулотларини октябрь ойла-рида ўтказиш тавсия этилади. Ўзбекистон Республикаси Бош гидро-метрология маркази маълумотларига кўра бу ойлар йилнинг сузиш учун энг қулай ойлари ҳисобланади.

Калит сўзлар: бошқариш, таълимнинг фаол усуллари, жисмоний ривожлантириш, педагогик назорат, воситаларни асослаш, умумий жисмоний тайёргарлик, жисмоний аҳвол.

Назорат саволлари:

1. Инсоннинг жисмоний ривожлантиришни бошқариш қандай амалга оширилади?

2. Инсоннинг ҳар томонлама тайёрлигини баҳолаш қандай амалга оширилади?

3. Талабаларни жисмоний ривожлантириш бўйича жараёни педагогик назорат қилиш қандай амалга оширилади?

4. Жисмоний ривожлантиришнинг қандай самарали усуллар-ини биласиз?

5. Жисмоний аҳволни яхшилаш воситаларини асослаб беринг.

6. «Умумий жисмоний тайёргарлик саломатликни яхшилаш воситаси» мавзуси мазмунини ёритиб беринг.

Адабиёт:

Ашмарин Б.А. Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании. М., ФиС, 1979.

Годик М.А. Контроль тренировочных и соревновательных нагрузок. М., ФиС, 1986.

Зациорский В.М. Основы спортивной метрологии. М., ФиС, 1979.

Иващенко Л. Научно-педагогические основы базовой физической культуры мужчин 20-59 лет. Автореф. докт. дисс.-М., 1988.

Красовский Н.Н. Теория управления движением. М., 1968.

Кошбахтиев И.А. Валеология студенческой молодежи. Т., 2000.

Керимов Ф.А. Комплексный контроль в управлении подготовкой борцов высокого класса. Методические рекомендации. Т., 1986. (в соавт.).

## 5-БОБ. ТАЛАБАЛАРГА ВАЛЕОЛОГИЯДАН ТАЪЛИМ БЕРИШ ЖАРАЁНИ МОНИТОРИНГИ

Комплекс назорат тизими валеологик тарбия жараёнини бошқаришнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Комплекс назорат ўқув жараёнинг танланган йўналиши, қабул қилинган у ёки бу қарорнинг самарадорлигини баҳолаш имконини беради ва у ўз ичига педа-гогик, тиббий ва психологик тадқиқотларни ўз ичига олади, талаба тайёрлигининг кучли ва бўш тарафларини аниқлашга йўналтирилган қатор ташкилий ва методик усулларни назарда тутаяди.

Тиббий педагогик назорат талаба аҳволи ҳақида маълумот олишда асосий назорат ҳисобланади. Ундан жисмоний аҳволни аниқлаш учун ўрнатилган назорат меъёрларига мувофиқ қўллани-лаётган ўқув восита ва усуллар самарасини баҳолашда ҳам фойда-ланилади.

Комплекс тиббий-педагогик назорат саломатлик аҳволини баҳолаш, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарликни аниқлашга йўналтирилган. Тестлаш (жисмоний иш қобилиятини, жисмоний ривожланишни, гавда тузилишини, жисмоний ва функ-ционал тайёрликни) тиббий-педагогик назоратда асосий усул ҳисобланади. Валеологик тарбиянинг педагогик амалиётида тест-лаш худудий дастурга мувофиқ семестр бошида ва охирида, йил охирида ўтказилади.

Аммо талабанинг бошланғич жисмоний аҳволини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида баҳолаш комплекс бўлиши кераклиги ва у талаба тайёрлигининг бўш жиҳатларини ривожлантириш асоси бўлиши кераклиги аниқланди.

Педагогик назорат валеологик тарбия жараёнида кафедралар томонидан ишлаб чиқилган тестлар ёрдамида амалга оширилади.

Талабалар шахси асаб тизими ва типологик хусусиятларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ўқув жараёнини бошқаришда ёрдам беради ва бу психологик тадқиқотлар натижасида исботланган.

1990-1994 ўқув йилларида ТЭАИ «Жисмоний тарбия ва спорт» кафедрасида талабалар билан соғломлаштириш-тарбиявий ишларни олиб боришни назорат қилиш методологиясини ишлаб чиқиш бўйича эксперимент ўтказилган эди. Шу мақсадда талаба-нинг жисмоний ривожланиши, гавда тузилиши, жисмоний тайёр-лиги (20 дан ортиқ тестлар), жисмоний иш қобилиятини комплекс баҳолаш амалга оширилган эди.

### **5.1. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишга бўлган эҳтиёжни фаоллаштириш**

Ёшлар фаоллигининг характери уларнинг ўқув жараёнига онгли муносабатини аниқлашнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Онглилик орқали фаолликка - бу икки тамойилнинг шиори ана шундай. Фаолликсиз онглилик пассив камолотга олиб келади.

Амалий, ўқув ва мустақил машғулотларга интилиш жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланиш, жисмоний етукликка эҳтиёжнинг фаоллашувида намоён бўлиши лозим.

Баён этилган эҳтиёжни тарбиялаш муҳим муаммолардан бири- талаба ёшларнинг ҳаракат фаоллиги танқислигини бартараф этишга ёрдам беради. Талабаларнинг ҳаракат фаоллигини жонлан-тириш воситалари тизимида академик аттестация - талаба билимини баҳолашнинг

регламентлаштирилган тизими киради. Талабадан ўқитувчига «тескари алоқа» бўлган баҳолашнинг бундай тизими ўқув жараёнини мақсадли бошқариш имконини беради. Бу тизим талаба тайёрлигининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди ва унга тўғри таъсир этишга замин тайёрлайди. Айти пайтда у ўқитувчи ишига ҳам таъсир кўрсатади. Ўқитувчи талабаларни чуқур ўрга-ниши, гавда тузилиши, қон айланиши, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёрлик кўрсаткичлари хусусиятлари диагностикаси асосида талабаларни ҳар томонлама аттестация қилиш учун комплекс назорат усулларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Комплекс баҳолаш назорат ва ўз - ўзини назорат воситаси сифатида ташкил этиш ва ишлаб чиқишда содда бўлиши керак. Маълумки, педагогик меҳнат самарадорлиги ўқув жараёнининг қандай функцияни (ахборотни актив ёки пассив қабул қилиш ва ўзлаштириш) бажараётганлигига боғлиқ. Ўқитувчининг вазифаси талабаларнинг ўрганиш фаолиятини мумкин қадар фаоллаштириш, уларда фаол, мустақил ижодий фикр юритишни ривожлантириш ва бунга эришишнинг усуллари ва воситаларини кўрсатишдан иборат. Психологларнинг фикрича, ижодий фаолликка эҳтиёж туғма, у инсоннинг биологик ирсиятида мавжуд. Аммо у барча туғма хусусиятлар қатори ижтимоий меъёрлар ва муайян шароитлар таъсирида бўлади. Шунинг учун билимларга интилиш эҳтиёжини тарбиялаш учун ўқитувчи маҳоратли бўлиши, тарбия учун дидактик ва психологик шароитларни яратиш керак.

Барча фаолиятлар қатори ўқув фаолияти ҳам маълум сабаблардан келиб чиқади ва у муайян мақсадларга эришишга йў-налтирилган. Маълумки, сабаб - инсонни фаолиятга ундайдиган нарса. Муносабат, сабаб, мақсад - ўзига хос вектор бўлиб, интенсив фаолият йўналишини белгилаб

беради. Сабабнинг муҳим асоси - бу эҳтиёждир. Инсонни муайян йўналишдаги фаолиятга ундайдиган сабаб ва эҳтиёжлар йиғиндиси мотивация дейилади. Инсоннинг барча мақсадли фаолияти ўз мотивациясига эга бўлиши керак. Ўқув жараёнининг мотивацион тарафи 3 та сабабни ўз ичига олади: ташқи (рақбат-жазо); мусобақа (ким биландир ёки ўз-ўзи билан мусобақа); ички сабаблар ўқув жараёнига анча қатъий қизиқишни таъминлайди.

Ўрганишга қизиқишни ривожлантириш 3 та умумий босқич-лардан иборат: янгилик, ноаниқлик ва ҳ.з.лар шароитида вужудга келадиган қизиқиш; муайян предметга, мазмунга, фаолиятга қатъий, турғун қизиқиш; қизиқишларни шахс, унинг ҳаётий мақсадлари ва режалари тизимининг умумий йўналишига қўшиш. Талабаларнинг ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришнинг энг самарали воситаси- бу ўқитиш усулларидаги янгилик, уларни экспериментал шаклга солиш.

Ўрганиш мотивациясини қўйидаги низомлар асосида шакл-лантириш керак:

- ўрганиш мотивацияси нафақат шахсий хусусиятларни, балки у фаолиятнинг берилган шароитларини ҳам акс эттиради, бу уни махсус ташкил этилган дидактик таъсирлар воситасида шакллантириш учун имкониятлар очади;

- ўрганиш мотивацияси муаммоли вазиятда пайдо бўлади, бу унинг нафақат ички, балки ташқи шартларини акс эттиради;

- мутахассисларни тайёрлашди фаол таълимнинг шакл ва усулларини қўллаш;

- ўрганиш мотивациясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши талаба ва ўқитувчи, шунингдек талабаларнинг ўзаро муносабатлари турига ҳам боғлиқ бўлади.

Ўрганиш мотивациясини ривожлантириш педагог маҳорати, унинг талабалар фаолиятини тўғри ташкил



этишига боғлиқ. Моти-вацияни тўғри тушуниш ўқитувчи меҳнати самарадорлигини оши-ради ва ёшларнинг ўрганилаётган предметга қизиқишини оширади.

Ёшларда махсус мотивацияни шакллантираётганда билимлар тайёр ҳолда берилмаслиги, уларни оддийгина кўрсатиб бериб бўлмаслиги, билимлар маълум ҳаракатлар натижасида эгалланиши мумкинлигини аввал бошдан тушунтириш жуда муҳим. Шундай ҳаракатлардан бири - бу талабани баҳолаш жараёнидир.

ТАТУда соғломлаштирувчи жисмоний тарбия машғулот-ларига эҳтиёжни жонлантириш ва унинг амалий аҳамиятини оши-риш мақсадида кафедрада талабанинг ҳар томонлама тайёрлигини реётингли назорат қилиш тизими ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Айнан талаба рейтингини аниқлаш ва унинг шахсий паспортини тузиш мунтазам соғломлаштирувчи жисмоний тарбия машғулотларига ижодий фаоллигини жонлантиришга асос бўлди.

### *Талаба тайёрлигининг шахсий паспорти*

Талаба тайёрлигини комплекс баҳолаш ўз ичига асаб тизими-нинг типологик хусусиятлари, жисмоний ривожланиш кўрсаткич-лари, гавда тузилиши хусусиятлари, функционал, жисмоний тайёр-лик хусусиятларини ўз ичига олиши шарт. Талаба ва ўқитувчи талабанинг олийгоқда ўқиш даврида ҳар томонлама тайёрлиги ҳақида маълумотга эга бўлишлари учун талаба паспорти тузилади. Шу билан бир қаторда бу талабаларни жисмоний машғулотларга жалб этиш учун ёритиш иши функциясини бажаради.

## **5.2. Саломатликни аниқлашнинг рейтинг тизими**

Тайёрликни ҳар томонлама баҳолаш мақсадида ижтимоий усул-талаба рейтингини аниқлаш қўлланилади.

Рейтинг - талабанинг ҳаракат ва функционал тайёрлигини комплекс баҳолашдир. Ўқув рейтингини аттестацияни талаба тайёр-лигининг интеграл кўрсаткичларини намоён этувчи тадбирлар тизими сифатида акс эттиради. Талаба тайёрлиги диагностикаси унинг кучли ва бўш тарафларини аниқлаш имконини беради ва у ўқув жараёнининг йўналишини белгилаб беради.

Шундай қилиб, комплекс тайёрликни баҳолаш учун янги прогрессив тизим даркор: назоратнинг ҳар бир босқичида талаба томондан эришилган натижалар очколарда ва балларда баҳоланади. Барча баллар йиғилади ва индивидуал кумулятив индексни (И.К.И) ташкил этади. Талабанинг мақсади - балларнинг максимал сонини тўплаш. Ушбу тамойилни тадбиқ этиш ўқув жараёнини муайян қайта қуришни талаб этади: ўқитувчи ишини режалаштиришни ўзгартириш, назорат нормативларини қабул қилишни ташкил этиш, илмий асосланган соғломлаштириш - тарбиявий воситаларни излаш ва ҳ.з.

Жисмоний ривожланиш, функционал ва жисмоний тайёрлик балларда баҳоланади ва унинг йиғиндисини талаба рейтингини белги-лаб беради.

Энг муҳими - назорат талабанинг қундалик мунтазам ўқув ишини стимуллаштириб туради ва синов топшираётганда объектив-ликни таъминлаб беради. Талаба тайёрлиги баҳоланади. Талаба-ларнинг ўртачалаштирилган гуруҳлари бартараф қилинади, бунинг ўрнига биринчи, ўнинчи, ўн иккинчи талаба пайдо бўлади.

Талаба рейтингини аниқлашнинг бошқачароқ схемаси тавсия этилади. Масалан, талаба 100 метрлик масофани 13 секундда югуриб ўтди, 20 кишилик гуруҳ ичида у 2 ўринни (2 очко) эгал-лайди; тўсида 12 марта тортилди (4 очко) ва

ҳоказо. Натижада 10 тест бўйича 41 очко тўплади ва у гуруҳда 5-ўринни эгаллайди (жадвал). Талаба тўплаган баллар ёки очколар ва у эгаллаган ўрин қайдномаси осиб қўйилади.

Талабалар фикрига кўра саломатликни бундай баҳолаш жисмонан бўш талабаларни ҳам ҳаракат қилишга чорлайди.

Натижада 47 очко тўплаган талабалар аъло даражадаги, 41-46 очко тўплаганлар яхши тайёргарликка эга, 25-40 очко тўплаганлар эса жисмонан етарлича тайёргарликка эга эмаслар. Кўрсаткичлар таҳлили жисмоний тарбия бўйича машғулотлар жараёнида соғломлаштириш-тарбиявий воситалар дастурини индивидуал-лаштириш имконини беради.

Масалан, талаба вазнини камайтириши, тезлик куч тайёргар-лигини яхшилаши, чидамлилигини ошириши керак.

Талаба саломатлигини комплекс баҳолашга жарима очко-ларини (-5 балл спиртли ичимликлар ичгани учун, - 5 чеккани учун) киритиш мумкин.

Жисмоний ривожланиш, функционал ва жисмоний тайёрлик маълумотларини ҳисобга олишдан иборат бўлган комплекс баҳолаш талаба саломатлигининг баҳосини ташкил этади.

Рейтинг тизимининг бошқа усули ҳам қўлланилган эди. Жисмоний ривожланишдан 2 балл тўплаган талаба, жисмоний тайёрликдан 4 балл олиши мумкин, натижада у ўртача 3 балл тўп-лайди. Бундай усул талабаларни баҳолаш усулларига қизиқишини орттиради.

*Жадвал*

*Талабалар рейтингини аниқлаш*

Фамилия	Кетле индекс и г/см	Пульсини г ошиши %\м	100м га югуриш сек\м	Узунликка а сакраш	Тортилиш	3 км га кросс
1. Д.Б.	350 7	25 2	14,0"927	1 124	12.30"	10

			0			
2. Б.И.	373 3	25 2	15,0''925 0	5 105	12,30''	10
3. Х.Б.	339 11	25 2	15,0''925 0	5 124	11,35''	5
4. Ш.М.	405 14	72 3	13,6''523 0	9 142	12,	7
5. Х.И.	345 8	90 3	14,0''925 4	4 151	11,	3
6. Т.п.	373 3	87 3	14,0''824 8	7 105	13,	11
7. Р.ж.	406 15	40 2	14,5''326 0	2 96	12,	7
8. А.У.	388 1	33 2	14,5''324 8	7 96	12,20''	9
9. К.т.	312 10	37 2	14,0''824 9	6 105	12,30''	10
10. С.Н.	444 17	4 1	13,7''625 0	5 96	11,10''	4

### **5.3. Саломатликни яхшилаш учун ўз - ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилишнинг самарали усуллари**

Узоқ давом этган педагогик синовлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари талабаларда алоҳида қизиқиш уйғотади.

Ўқитувчи раҳбарлиги остида ўз-ўзини назорат қилиш талабанинг ўрганиш мотивациясини ривожлантириш учун муҳим омил ҳисобланади.

Ўз саломатлигини мунтазам кузатаётган инсон унда рўй бераётган турли оғишларни ўз вақтида сезади ва уларни бартараф қилиш учун керакли чораларни кўради.

Кундалик, паспорт тутиш ўз-ўзини назорат қилишнинг самарали ташкилий шаклариридир. Ўзини ҳис қилиш, уйқу, иштаҳа, иш қобилияти, мушакларнинг оғриши - бу субъектив кўрсаткичлар, бўй, тана вазни, вазн-бўй кўрсаткичлари,

бўйин, қорин айланаси, ҳаётий кўрсаткич, жисмоний аҳволни баҳолаш - булар эса объектив кўрсаткичлардир.

Ўз-ўзини назорат қилиш муҳим таълим ва тарбиявий аҳа-миятга эга. У жисмоний соғломлаштириш машғулотларини сама-рали ўтказиш учун зарур ва бу машғулотларга онгли муносабатда бўлиш ва уларга жалб этишнинг самарали усули ҳисобланади.

Ўз-ўзини назорат қилаётган талаба ўз организми билан чу-қурроқ танишади, у ёки бу органлар ва тизимлар ишини ўрганади, у ёки бу юклама организмга қандай таъсир кўрсатаётганини ўрганади. Шундай қилиб, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолашнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- талабани ўз организмга эътиборлироқ бўлишга ишон-тириш;

- жисмоний машғулотлар пайтида ўзини бошқаришнинг оддий усулларига ўргатиш;

- олинган маълумотларни қайд этиш, баҳолаш, таққослаш ва умумлаштиришга ўргатиш;

- педагогик ҳамкорлик асоси бўлган «талаба - ўқитувчи» педагогик тизими бўйича яқин алоқа ўрнатиш;

- тиббий назорат маълумотларини тўлдириш, унга янада аниқлик киритиш;

- ўз-ўзини назорат қилиш маълумотларидан жисмоний аҳвол, жисмоний ривожлантириш даражалари, гавда тузилиши, қон айланиши хусусиятларини аниқлашда фойдаланишни ўргатиш.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш талаба таълим жараёнининг самарадорлигини оширади.

Жисмоний машғулотларга мотивацияни фаоллаштиришга ўз-ўзини назорат қилиш усуллари ёрдам беради. Унинг энг муҳим афзаллиги шундаки, шуғулланувчилар ўз саломатликларини мун-тазам кузатар

эканлар жисмоний машғулотларнинг ўз организм-ларига ижобий таъсирини ҳис қиладилар.

Ўз-ўзини объектив назорат қилиш учун турли синов ва тестлардан фойдаланилади.

Юрак-қон тизимининг функционал ҳолати тайёрлигини баҳолаш учун кверг тестидан фойдаланилади. Кверг тести бир-бирини кетидан танаффуссиз келувчи 4 та машқдан иборат: 30 сек ичида 30 та ўтириб туриш, турган жойда максимал тезликда 30 сек югуриш, турган жойда минутига 150 қадам частота билан 3 минут югуриш, 1 минут арқон билан сақраш.

$$\text{КИ (Кверг индекси)} - \frac{1500}{P_1 + P_2 + P_3}$$

бу ерда,  $P_1$  - машқлар комплексини бажаргандан кейин 30 секундлик юрак пульси,  $P_2$  - 2 минутдан сўнг 30 секундлик юрак уриши,  $P_3$  - 4 минутдан сўнг 30 секундлик юрак уриши КИ катталиги 105 дан кўп бўлса - аъло кўрсаткич, 104-99 - яхши, 99-93 қониқарли ва 92 дан кам бўлса қониқарсиз кўрсаткич бўлади.

#### **5.4. Жисмоний ривожланиш ва гавда тузилишини баҳолаш мезонлари**

Инсоннинг жисмоний ривожланиши деганда организмнинг морфологик ва функционал хусусиятлари комплекси тушунилади ва бу унинг жисмоний кучи заҳираларини белгилайди. Ушбу тарифдан кўриниб турибдики, талабаларнинг жисмоний ривожланишини ўрганиш ва баҳолаш ўқитувчи учун жуда муҳим. Саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланиш даражаси – жисмоний машғулотлар имконияти ва характерини белгилаб берувчи омил-лардир. Жисмоний ривожланиш ва гавда тузилишини баҳолаш турли кўрсаткичлар (Кетле индекси, ўпкаларнинг

ҳаётий сифими, ҳаётий кўрсаткич, кўкрак қафаси айланаси, ўнг ва чап билаклар динамометрияси, тана кучи) бўйича амалга оширилади. Қуйида турли ёшдаги талабалар жисмоний ривожланиши кўрсаткич-ларининг мезонлари келтирилган. Улар педагогик экспериментлар натижасида аниқланган. Кўп йиллар давомида ТАТУ нинг 1да 4 курс талабалари (18-24 ёш) устидан тиббий назорат ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб 1000 дан ошиқ талаба кўриқдан ўтказилди. Шунини қайд этиш лозимки, ўқув қўлланмаларда Европа талабаларининг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари келтирилади, Ўрта Осиё талабалари учун улар ишлаб чиқилмаган жисмоний ривожланишни ўрганиш натижаларига кўра кўпгина кўрсаткичлар бўйича қолақлик аниқланган. Шунинг учун талабалар ўртача 2 балл оладилар.

Шунинг учун ўқув жараёни соғломлаштирувчи характерга эга бўлиши керак.

### **5.5. Жисмоний тайёрликни баҳолаш мезонлари**

Маълумки, жисмоний тайёрлик саломатликни мустаҳкамлаш, тананинг ҳаракат сифатлари ва шаклларини ривожлантириш, шу-нингдек, инсоннинг ҳаракат тасаввурларини кенгайтиришга йўнал-тирилган.

Жисмоний тайёргарлик - организм функционал имконият-ларининг умумий даражасини кўтариш, ҳар томонлама ривож-ланиши, саломатликни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ жисмоний қобилиятни тарбиялаш жараёнидир. Асосий воситалар сифатида талаба организмга умумий таъсир кўрсатувчи умумий ривожлантирувчи машқлар ва қатор спорт турларига тегишли машқлар қўлланилади. Бунда мушак-пай апараты ривожлантирилади ва мустаҳкамланади, ички органлар ва тизимлар функция-лари ривожлантирилади, координация

яхшиланади ва ҳаракат сифатларининг ривожланиш даражаси оширилади. Жисмоний тайёрлик организмнинг вегетатив функциясининг ҳолати, ҳаракат сифатлари ва тана шакллари шунингдек, турли ҳаракат кўникма-ларининг даражаси билан характерланади.

Талабанинг жисмоний тайёрлиги - комплекс тушунча. У жисмоний, функционал тайёрлик ва жисмоний ривожланиши, гавда тузилиши, қон айланиш тизимининг сон ва сифат баҳосида акс этган, интеграллаштирилган баҳолаш унинг умумлашган характе-ристикасидир.

*Жадвал*

*18 ёшда талабалар жисмоний ривожланиши кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари*

Кўрсаткичлар	Баҳолар				
	5	4	3	2	1
1.Вазн - бўй кўрсаткичи	394	380	366	352	338
2. Ўпканинг ҳаётий сиғими	4863	4682	4501	4320	4139
3.Ўнгқўл динамометрияси (кг)	41	40	39	38	37
Чап қўл (кг)	37	36	35	34	33
4. Тана кучи (кг)	138	134	130	126	122
5. Кўкрак қафасининг айланаси (нафас олиш)	112	108	104	100	96
Нафас чиқариш (см)	102 99	99	96	93	90
Танаффус (см)	98	93	88	83	78
Фарқ (см)	10	9	8	7	6
6.Ҳаётий кўрсаткич (мл/кг)	75	72	69	66	63
7. Семизлик (кг/дц)	4,4	4,1	3,8	3,5	3,2
8. Тана мустаҳкамлиги	15	21	27	33	39

*19 ёшда талабалар жисмоний ривожланиши кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари*



Кўрсаткичлар номи	Баҳолар				
	5	4	3	2	1
1. Вазн-бўй кўрсаткичи	382	368	364	350	334
2. Ўпканинг ҳаётий сифими	5003	4779	4555	4331	4107
3. Ўнг қўл динамометрияси (кг)	42	41	40	39	38
Чап қўл (кг)	38	37	36	35	34
4. Тана кучи (кг)	136	130	124	118	112
5. Кўкрак қафасининг айла-наси (нафас олиш)	105	102	99	96	93
Нафас чиқариш (см)	92	90	88	86	84
Танаффус (см)	94	92	90	88	86
Фарқ (см)	13	12	11	10	9
6. Ҳаётий кўрсаткич (мл/кг)	79	75	71	67	63
7. Семизлик (кг/дц)	4,4	4,1	3,8	3,5	3,2
8. Тана мустаҳкамлиги	4	11	18	25	32
9. Тананинг ёғ массаси	10,5	9,5	9	8,5	8

*20-24 ёшда талабалар жисмоний ривожланиши  
кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари*

Жадвал

Кўрсаткичлар номи	Баҳолар				
	5	4	3	2	1
1. Вазн-бўй кўрсаткичи	408	390	372	354	336
2. Ўпканинг ҳаётий сифими	4990	4787	4584	4381	4078
3. Ўнг қўл динамометрияси (кг)	44	43	42	41	40
Чап қўл (кг)	43	42	41	40	39
4. Тана кучи (кг)	149	143	137	131	125
5. Кўкрак қафасининг айланаси (нафас олиш)	105	99	93	87	81
Нафас чиқариш (см)	98	93	88	83	78
Танаффус (см)	102	96	90	84	78
Фарқ (см)	7	6	5	4	3

6. Ҳаётий кўрсаткич (мл/кг)	79	74	69	64	59
7. Семизлик (кг/дц)	4,4	4,1	3,8	3,5	3,2
8. Тана мустаҳкамлиги	7	3	19	25	3.2
9. Тананинг ёғ массаси	14	12	10	9	8

## 5.6. Жисмоний аҳволни баҳолаш

Соғломлаштирувчи машқларнинг таъсири вазифаларидан бири жисмоний аҳволни назорат қилишдир. Жисмоний аҳвол тушунчаси талабалар саломатлиги: жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, жисмоний ва функционал тайёрлик даражаси билан белгиланади.

Ўқув-соғломлаштириш жараёнида жисмоний аҳволни баҳолаш учун Л. Ивашенко, Е.А. Пирогова ва Л.А. Калинин тестлари фойдаланиш тавсия этилади.

Л. Ивашенко (1989) жисмоний аҳвол диагностикасини К.Цадра (1980) тестлари ёрдамида амалга оширишни тавсия этади.

Бунда К - индекснинг шартли бирликлардаги қиймати; а - ёш; т-1000 м га югуришга кетган вақт (мин); ЧСС бошланғич турганда бошланғич ЧСС зарб/мин; ЧСС5 - 1000 м югургандан сўнг 5-минутда, зарб/мин. Жисмоний аҳволни баҳолаш қуйидаги шкалада амалга оширилади.

Баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади: жисмоний аҳволнинг паст даражаси - 0,375, ўртачадан пастроқ 0,376 - 0,525, ўртача - 0,526 - 0,675, ўртачадан юқори - 0,676 - 0,825, юқори - 0,826 ва ундан баланд.

Кўргазма учун жисмоний аҳвол даражасини ҳисоблашни келтирамиз. Кўрсаткичлари қуйидагича бўлган субъектда жисмоний аҳвол даражаси: 42 ёш, (ЧСС 60 зарба минутига, АД 120/80 мм сим. уст, вазни -78 кг, бўйи 170 см.

АД - ўртача ҳисобланади:

Диастоли АД<sub>к</sub>1/3АД пульсли

Бу ерда, Пульсли АД сист - диаст. АД, яъни  
120-80-40 мм сим. уст. демак:  
Адср-80+40/3-93 мм сим.уст.

Кейин жисмоний аҳвол даражаси индекси – х- 0,707 ни х диапазон билан таққослаб кузатилаётган шахснинг жисмоний аҳволи даражасини аниқлаймиз - ўртачадан юқори «Студент» лотинчадан таржима қилганда «астойдил ишловчи, билимларга чанқоқ» маъносини англатади. Шунинг учун шундай таълимни яратиш керакки, у талабада соғломлаштиришнинг у ёки бу восита-ларини эгаллашга зарурат, эҳтиёж уйғотсин. Бунга эса ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш усуллари ёрдам бериши маълум.

Мустақилликка ўргатиш талабаларда умумтаълим билимлар ва кўникмаларни шакллантириш орқали таъминланади.

Талабаларни мустақилликка ўргатишнинг айрим усулларини очиб бериш ва уларнинг мазмунини асослаб беришда тўхталиб ўтаемиз. Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш нормативли тестларни бажаришни назарда тутаяди. Жисмоний аҳволни баҳолашда синалган Кверг тести қўлланилади.

Л.А. Калинина (1988) ишидаги йўналиш ўзига хос қизиқиш уйғотади. У жисмоний фаоллик кўрсаткичини ҳисоблаб лаёқатли-лик категориясини аниқлашни таклиф этади.

5 баллик тезликда тез-тез нафас олиш, терлаш илан бирга-ликда кузатилувчи юқори юкламалар, 4 баллда кўчиб турувчи оғир юкламалар (масалан, теннис ўйинида), 3 баллда – оғирлиги бир меъёрда юкламалар ( масалан, велосипед ҳайдаш), 2 баллда – ўртача оғирлик ( масалан, волейбол ўйнаганда), 1 баллда – енгил юклама-лар ( балиқ тутиш, сайр) баҳоланади.

Жисмоний юкламалар давомийлигини баҳолаш қуйидагича: агар юклама фаолияти 30 минутдан ортиқ бўлса – 4 балл; 20 миунтдан 30 минутгача – 3 балл; 10 минутдан 20 минутгача – 2 балл; 10 минутдан кам бўлса – 1 балл.

Жисмоний юкламалар частотаси қуйидагича баҳоланади: ҳар кунлик юклама – 5 балл; ҳафтада 3 – 5 марта – 4 балл; ҳафтада 1-2 марта – 3 балл; бир ойда 1 мартадан кам -1 балл.

Энди тезлик баллини давомийлик баллига кейин уни жисмо-ний юклама частотаси баллига қўпайтирамиз. Ҳосил бўлган сон 40 дан кам бўлса бу лаёқатлиликнинг паст категорияси, ҳаёт тарзи ўтирувчан (20 дан паст) ёки жисмоний фаоллиги етарлича эмас (20-40) ҳисобланади.

Э.Н.Вайнер (2001) саломатликни қуйидагича комплекс баҳо-лашни таклиф этади.

### **5.7. Талабаларни соғломлаштиришни педагогик назорат қилишнинг рейтинг тизими**

Синов ўтказилиши жараёнида талабаларни ўқув-соғлом-лаштириш жараёнини педагогик назорат қилишнинг рейтинг тизими қўлланилди.

Бунинг учун диагностик, тезкор, босқичли, якуний (семестр охирида, йиллик) каби педагогик назорат турларидан фойдаланилди.

Диагностик назорат ўқув йили бошида 1-3 курс талабаларида ўтказилди, машғулотлар ўтиш жараёнида эса тезкор назорат амалга оширилди. Ноябрь ойида, яъни очиқ ҳаво шароитида машғулотлар ўтказиш якунланганда ва гавда тузилиши ва куч тайёргарлиги якунланган вақтда босқичли назорат ўтказилди. Ва ниҳоят йил охирида якуний назорат амалга оширилди. Талабаларнинг ҳар томонлама тайёрлигини комплекс баҳолаш 4 модула бўйича ўтказилди.

Биринчи ва иккинчи модуль (диагностик назорат) талабаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш мақсадида ўтказилди. Улар Кетле вазн-бўй индекси, ҳаётий кўрсаткич, ўпканинг ҳаётий сифими, кўкрак қафаси айланаси, тана кучи, ўнг ва чап билаклар динамометрияси, тананинг ёғ массаси, гавда тузи-лиши, семизлик кўрсаткичларидан иборат бўлди.

Учинчи модуль жисмоний тайёрлик маълумотларини (торти-лиш, ерга тиралиб қўлларни букиб-ёзиш, брусларга тиралиб қўл-ларни букиб-ёзиш, 5 км га ва 3 км га кросс, айланиб тортилиш, оёқларни тўсинга кўтариш) баҳолашдан иборат. Тўртинчи модуль (якуний назорат) талабанинг жисмоний аҳолини баҳоловчи тестлардан (Кверг, Пирогова, Ивашченко тестлари, Руфье синовви) иборат.

Ҳар бир модуль бўйича талаба рейтинги тузилади. Ҳар бир модулда талаба 25 балл тўплаши мумкин, чунки у 5 нормативдан иборат.

Ўқув йили (семестр) охирида 60 дан кўп балл тўплаган талаба синовдан автоматик тарзда ўтган ҳисобланади. Жисмоний тайёр-лиги бўш бўлган, 60 дан кам балл тўплаган талаба назарий бўлим бўйича талабларни бажаради. 20 та савол, талаба 60 балл тўплаши керак. Жисмоний юкламадан озод талабалар реферат ёзадилар ва гуруҳ олдида уни ҳимоя қиладилар.

### ***«Педагог-талаба» педагогик ҳамкорлик тизимини таъминлашнинг методологик асослари***

Ҳозирги вақтда талабалар гиподинамия (инсон ҳаракат фаол-лигининг чекланиши)нинг организмга зарарли таъсирини тобора кўпроқ англамоқдалар.

Шубҳасиз ҳаммага маълумки, жисмоний машқлар инсон организмидаги барча аъзолар ва тизимлар фаолиятига

ижобий таъсир кўрсатади ва руҳий зўриқиш, стресс, безовталиқ каби нега-тив кўринишларни бартараф қилишга ва уларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Жисмоний машқларни мунтазам бажариш организмнинг турли шамоллаш ва юқумли касалликларига қарши курашувчан-лигини оширади, асаб-руҳий чарчоқ ҳиссини йўқ қилади.

Бундан ташқари жисмоний-соғломлаштириш фаолиятга талаба тарбиясининг нафақат тиббий, ижтимоий, иқтисодий тарафлари, балки ахлоқий, эстетик, этик жиҳатлари билан ҳам бевосита ва бил-восита боғлиқ.

Аммо жисмоний машғулотлар бошқарилувчи характерга эга бўлиши учун ҳар томонлама педагогик назорат ўтказиб туриш керак. Назоратнинг турли шакллари (диагностик, тезкор, боқичли, якуний) назоратнинг рейтинг тизими, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари педагогик ҳамкорлик - «ўқитувчи-талаба» тизимини яратиш имконини беради. Бу тизим мунтазам жисмоний машғулотлар мотивациясига ёрдам беради ва талабаларни ўз саломатлигини таҳлил қилиш ва бошқариш кўникмаларини эгаллашга ўргатади.

Ҳар томонлама педагогик назорат талабанинг индивидуал хусусиятларига мос машғулотлар ўтказиш учун зарур комплекс педагогик назорат талаба ёшларни жисмоний ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади ва унинг якуний мақсади – жисмоний етуклик.

Машғулотларнинг тайёрлов қисмида оптимал соғломлаш-тириш самарасига эришиш учун жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши, ҳар томонлама ҳаракат тайёрлиги кўрсаткичларини оптимал яхшилаш учун воситалар комплексида фойдаланиш тавсия этилади. Яхши жисмоний тайёргарликка эга талабалар 1000 ҳаракатдан

иборат, ўрта ва бўш тайёргарликка эга талабалар эса 500 та ҳаракатдан иборат машқларни бажариши зарур.

### *Талаба рейтингини аниқлаш*

Талаба рейтингини ҳаракат фаоллиги самарадорлиги кўрсаткичи сифатида уни аттестация қилишда объектив мезон ҳисобланади.

Семестр давомида талабанинг фаол ва бир меърдаги ишла-шини таъминлаш учун факультетлар учун 6-12 ҳафтада ва ўқув йили сўнггида ҳисобот муддати белгиланади аш у вақтда синов ўтказилади.

Синовдан автомат тарзда ўтиш учун талаба жорий назорат якунига кўра 60 балл йиғиши керак ( яъни, Р 60 балл). 50 дан ошиқ балл тўплаган талаба синовдан ўтиш учун индивидуал график олади. Жорий ўзлаштиришни 40 баллдан кам бўлган талабалар си-новга қўйилмайди ва уларнинг келгусидаги ўқиши «Олий таълими низоми» га кўра ҳал қилинади.

Касаллиги ва бошқа сабабларга кўра синовларни вақтида топшира олмаган талабалар (керакли ҳужжатлар бор бўлса) индии-видуал тартибда синов топширадилар.

Синовлар гуруҳларда машғулот ўтган ўқитувчилар томондан қабул қилинади.

### **5.8. Валеология бўйича синов ва имтиҳонларни қабул қилиш тартиби**

Валеология бўйича синовлар талабанинг жисмоний ривож-ланиши, гавда тузилиши, жисмоний ва функционал тайёрлиги кўрсаткичлари ва, умуман, саломатлик даражаси динамикасини баҳолаш бўйича ҳисобот бериш шаклидир.

Имтиҳон валеология асосларини ўрганишнинг яқунловчи босқичи ҳисобланади. У сессия пайтида ўтказилади.

Имтиҳонлар жадвали деканат томондан тузилади ва олий-гоҳнинг ўқув бўлими томондан тасдиқланади. Имтиҳон санаси ўқитувчи ва талабаларга бир ойдан кам бўлмаган муддатда етказилади.

Имтиҳонга ўқув дастурининг барча талабаларини бажарган ва семестрлардаги синовлардан ўтган талабалар қўйилади.

Кафедра мудири гуруҳ ўқитувчиси тавсия этган жисмоний ва функционал тайёрлик бўйича аъло натижалар кўрсатган, жисмоний аҳволи, ривожланиши ва гавда тузилиши даражаси аъло бўлган талабаларни имтиҳондан озод этиш мумкин.

Имтиҳонни маъруза курсини ўқиган ва гуруҳларда амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар томондан қабул қилинади.

Имтиҳон пайтида талабалар ўқув дастурлар, сўровномалар ва кўргазмали қуроллардан фойдаланишлари мумкин.

Яқуний имтиҳоннинг мақсади - талабанинг валеология курси бўйича меҳнатини, назарий билимларини, уларнинг чуқурлигини, ижодий онги ривожланишини, соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини эгаллаганлиги, жисмоний машқларни мустақил бажарганлиги, олинган билимларни таҳлил қилиш, уларни саломатликни асраш ва яхшилашда қўллаш билимларини баҳолашдир.

### *Валеологиядан имтиҳон қабул қилиш*

Валеологиядан имтиҳон ўқув дастури ҳажмидан қабул қилинади. Имтиҳон назарий билимлар даражасини



текшириш ва жисмоний ривожланиши, гавда тузилиши, жисмоний ва функ-ционал тайёрликни аниқлашдан иборат.

Жисмоний ривожланиш, гавда тузилиши ва жисмоний-функ-ционал тайёрлик кафедра томондан ишлаб чиқилган нормативлар бўйича баҳоланади. Жисмоний аҳвол даражаси кўрсаткичларига кўра талабанинг мутахассислик тавсифномасига унинг саломатлиги даражаси (аъло, яхши, қониқарли, бўш) қайд этилади.

«Қониқарсиз» баҳоси фақат имтиҳон қайдномасига қўйилади, имзо қўйилгач қатъий ҳисобот ҳужжати сифатида сақланади.

Назарий билимлар тестлаш усули орқали баҳоланади.

Жисмоний аҳвол ва назарий билимлар баҳоси қўшилиб ягона баҳо қўйилади.

1. Назарий бўлим бўйича имтиҳон қабул қилиш учун ҳар бир талабага 45 минут ажратилади. Жавоб беришга тайёрланиш учун 30 минут берилади. Жавоб беришга тайёрланганда талабага кўрга-змали қурооллар ва сўровномалардан фойдаланишга рухсат берилади.

2. Имтиҳон натижалари «аъло», «яхши», «ўрта», «қониқарсиз» баҳолари билан қайд этилади.

Баҳо қўйишда талабанинг жисмоний аҳвол даражаси, ғоявий-назарий ва илмий тайёргарлиги, олинган билимлардан ижодий фойдаланиш кўникмалари эътиборга олинади.

Калит сўзлар: мониторинг, саломатлик рейтинги, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш, мезон, баҳолаш, синовлар, имтиҳонлар.

Назорат учун саволлар.

1. Мониторингга таъриф беринг.
2. Саломатликнинг индивидуал паспорти.
3. Ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилиш усуллари.

4. Жисмоний ривожланиш ва гавда тузилишини баҳолаш.
5. Жисмоний тайёрликни баҳолаш.
6. Жисмоний аҳволни баҳолаш.
7. Валеология бўйича синов ва имтиҳонлар.

Адабиёт:

Афанасьев Ю.А, Куликов Ю.А, Насреддинов Ф.Н. Физическое воспитание и врачебный контроль в вузе. Т., 1991.

Ананасенко Г.Л. Эволюция биоэнергетики и здоровья человека. СГБ, 1992.

Абрамов М.С, Столярук В.С. Состояние и оценка морфофункциональных показателей у студентов. Т., 1985.

Благуш П.К. Теории тестирования двигательных способностей. (чех тилидан қисқартирилган таржима). М., ФиС, 1982.

Купер К. Новая аэробика. Система оздоровительных физио-ческих упражнений для всех возрастов. (Сўз боши А. Коробники, инглизчадан С. Шекман таржимаси). М., ФиС, 1976.

Кашбахтиев И.А. Основы физического совершенствования студентов. Т., 1992.

Кашбахтиев И.А. Валеология студенческой молодежи. Т., 2000.

Рихсиева А.А. Насреддинов Ф.Н., Рихсиев А.И. Физическое состояние школьников и спортивной молодежи. Т., 1989.

Талага Е. Энциклопедия физических упражнений (Полякчадан таржима). М., ФиС, 1998.

Ханкельдиев Ш.Х. Физическая подготовленность учащихся, молодёжи. Т., 1986.

## **6-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИ ВАЛЕОЛОГИК ТАЪЛИМ БЕРИШ ЖАРАЁНИДАГИ ТАРБИЯ**

Юқори малакали мутахассисни тайёрлаш жараёни янги комил инсонни шакллантиришга йўналтирилган ва ҳар бир талаба шахсини ҳар томонлама гармоник ривожлантиришга ёрдам беради.

Ривожланиб келаётган давлатни манфаатдорлиги шахсни тарбиялашдаги зарур бўлган ахлоқ нормалари, қатъий ишонишига жавоб берадиган тарбияни ташкил қилиш учун асос ҳисобланади. Жамиятдаги тарбия тизими шундай ташкил этиш ишларига эга бўлмоқда ва уни тартибга солишда шундай усул ва услубиятлардан фойдаланилади, у ушбу жамиятни мақсади ва қизиқишларига мос келади.

Жамиятда тарбия жараёнини бошқариш инсон шахсини ривожланиш тартибсизлигини енгиб ўтиш, уни баргараф қилишга имкон беради ва талабани шаклланишида ўзига хос салбий объектив ва субъектив таъсирини бўшаштиради. Бирдан-бир сама-рали ва амалий натижа берадиган педагогик воситалардан бири умумий тарбияни таркибий қисми бўлган, ёшларни валеологик тарбияси ҳисобланади. Спорт, жисмоний машқлар билан шуғулла-

нишни доимо ўсиб бораётган ижтимоий, тарбиявий аҳамияти талабаларни ахлоқий, уни маънавий ташқи кўринишига маълум талабларга боғлиқ равишда келиб чиқади. Ахлоқий тарбия ўқув-тарбивий-соғломлаштириш жараёни асосида бўлиши шарт, чунки тарбиявий ишни самарадорлиги талабаларни ахлоқ-одоб норма-ларини, иқтисодий мафкурасини шакллантириш бўйича вазифаларни муваффақиятли ҳал этишига боғлиқдир.

Ахлоқни жисмоний тарбия жараёни мақсадга йўналтирилган педагогик таъсир этиши бўйича ўзига хос хусусиятини кўрсатиб туради - бу уни кучини ўз ичига олади ва шу билан бирга талаба шахсини ўзига хос ахлоқий шаклланини тарбиялашда ҳал этувчи ролни аниқлайди.

Педагогик таъсир этиши, шахсни ахлоқий ривожлантиришда зарур бўлган даражада муваффақиятини таъминлашда, ахлоқий - валеологик тарбияни асосини ташкил этади. Ахлоқий-валеологик тарбия нафақат талабани ҳис этишига ёки тушунишига таъсир этади. Бу ва балки уни ахлоқий-жисмоний тажрибасини тарбиялаш фаолиятини ташкил этишда, уни ахлоқини турли туман ҳаётий вазиятда тўғри шаклини танлашда мустаҳкам таянчини яратишга ва шахсни жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиши ёрдамида жисмоний такомиллаштиришга йўналтиради.

Талабалар билан амалий машғулларни ўтказишдаги энг асосий вазифаси кишини юқори маънавий руҳини тарбиялаш ҳисобланади: Ватанни севиш, халқига садоқатли, жамоа ҳиссиётини сезиш, интизомлилик ва меҳнатсеварлигидир.

### **6.1. Олий ўқув юрти ўқитувчиси ва талабаларни тарбиялаш омили**

Педагог сифатида ўқитувчининг бурчи кенг ва кўп қирралидир. У талабаларни тарбиялайди, уларни ўқув-соғломлаш-тириш-амалий фаолиятларини ташкил этади ва уни орқасидан назоратни амалга оширади, саломатликни яхшиланишига ва сақлаш воситалари ҳамда шакллари, усуллари ўргатади. Ўқитувчи ана шу мақсад билан ўқув-соғломлаштириш жараёнини режалаш-тирида, назари ва амалий машғулотларни аниқ мазмунини ва мақса-дини аниқлайди:

- жисмоний такомиллаштиришни восита ва шакллари, оптимал усул ва йўллари танлайди;

- талабаларни билиш имкониятларини фаолаштиради, уларда жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишга бўлган эҳтиё-жини тарбиялайди;

- жисмоний ўз-ўзини камолотга етказиш (ўстириш) учун мустақил ишни характерини аниқлайди;

- жисмоний ривожланиш, тана тузилиши, жисмоний ва функ-ционал тайёргарлик кўрсаткичларини ошиб боришини мунтазам равишда назорат қилиш;

- жисмоний такомиллаштиришни мазмунига ва ташкил этишига зарур ўзгартиришлар киритиш;

- Шахсни типологик хусусияти асосида ҳисобга олиб талабани жисмоний такомиллаштиришни, индивидуаллаштиришни амалга оширади.

Талабаларни жисмоний такомиллаштиришда ва уларда соғлом турмуш тарзи малакаларини такомиллаштиришда, касбий билимларини режали сақланиши ва саломатликни яхшиланишида, турмуш тарзини фаол нуқтаи назаридан тарбиялашда ўқитувчи муҳим роль ўйнайди.

Жисмоний тарбия ривожланишни, жисмоний тайёргарликни ва тўлиқ соғлик ҳолатини яхшиланиши учун зарурдир. Олий ўқув юртини битирувчиларнинг жисмоний

ҳолати, иш қобилиятига, кўпроқ касбий хизматини бажариш даражасига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун ўзининг мазмуни ва педагогик характери бўйи-ча ўқитувчининг педагогик фазилати кўп қирралидир. Уни педагогик маҳоратида улар уйғун (комплекс) бирликда намоён этадилар.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати психология - педагогика томонидан фикр юрғазишини билим, малака, кўникмаларни ва ҳис туйғу иродаси воситасини жонлилигини улардан олинган натижа-ларни умумлаштириш ўзида тасаввур қилиш, унда педагог шахсини юқори даражада ривожланганлигини бир-бирига боғлиқлиги унга ўқув-тарбиявий соғломлаштириш вазибаларини самарали ҳал этишга имконият беради.

Педагогик маҳоратни тузилишида энг юқори ўринни психо-логия-педагогика билимлари эгаллайди. Энг аввало - бу билим одамнинг руҳий ҳолатида ва уни ривожланиши объектив қонуният-ларга асосланганлигидадир. Айниқса ўқитувчи талабани шахси, уни миждози, характери, қобилияти, руҳий ҳолати тўғрисида ва жисмоний ривожланиши, тана тузилиши, жисмоний ва функционал тайёргарлиги ҳақидаги маълумотни билиши зарур.

Психолог-педагогик билим, ўқитувчининг иждодий педагогик фаолиятини мазмун сифатидаги дастлабки шартига унга ўрганишга имконият беради, уларни ҳар бирини шахсий (индиди-видуал) имкониятини намоён қилади, худди шундай алоҳида талабалар, гуруҳлар ва тўлиқ барчаси учун педагогик таъсир этиш кўпроқ самарали меъерини аниқлайди.

## **6.2. Талабалар тарбияси омилида ўқитувчи мураббий сифатида**

Олий ўқув юртини жисмоний тарбия ўқитувчиси шу билан бир вақтда алоҳида спорт турлари бўйича мураббий бўлиб ҳисобланади. Олий ўқув юртида ўқитувчи мураббий амалий машғулотли соғломлаштириш-тарбиявий йўналтирилганлигига ва сифат секцияларига, талаба-спортчиларни тайёрлашни педагогик томондан тўғри ташкил этилганлигига жавоб беради.

Ўқитувчи мураббий спортчиларни тайёрлашда муҳим роль ўйнайди. Талабаларни юқори даражадаги спорт натижаларини кўрсатишга тайёрлашда, у бир вақтни ўзида уни мустақил давлатга садоқат руҳида тарбиялайди. У ўзини ўқувчилари билан тренировка машғулотларида ва мусобақаларда тез-тез алоҳида бўлиб туриши бунинг учун қулай шароит яратади.

Талабалар билан тарбиявий ишларни олиб боришда ўқитувчи - мураббий умумий педагогик талабларга амал қилиб, уни дунёқарашини тарбиялашга йўналтиради. У албатта ўзини тарбия-ланувчиларини ғоявий-назарий билимини ўсишга, уни ижтимоий ва махсус фанларни ўзлаштиришларга қизиқишлари керак.

Талабаларни у ёки бошқа спорт турлари билан боғлиқ бўлган махсус илмий билимларни эгаллаши спортда муваффақиятга эришиши учун катта аҳамиятга эга бўлади. Мураббий ўзини ўқувчиларига жисмоний тарбия сифатларини тарбиялашни наза-рияси услубиёт асосларини техник усулларни ва тактик ҳаракат-ларни такомиллаштиришни ҳамда спорт билан шуғулланиш вақтида киши организмида келиб чиқадиган , физиологик жараёнларни тушуниб етишига ёрдам бериши керак.

У ҳар бир спортчини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиши шарт, чунки кучли ва бўш томонларини, уни қобилиятини, имко-ниятларини билиши керак ва шу билан бирга мос келадиган муваффақиятларга эришишида кўпроқ оптимал

йўлни танлайди. Бу ҳар бир талабага шахсий ёндашиши - мураббийни педагогик фаолиятидаги мажбурий шартларидандир.

### **6.3. Шахсни жисмоний такомиллаштиришда индивидуал (алоҳида) ёндошиш**

Жараён, инсон буни натижасида атрофидаги муҳитни ўзаро фаол таъсир этиш йўли билан шахс бўлиб шаклланади, буни умумлаштириш дейилади. Умумлаштириш жамиятда муракаб, тирик организм фаолияти учун зарур бўлган мураккаб, асосий кучли даражада, ҳар бир шахс сифатини, кўп даражали жараённи шаклланишидир.

Олий ўқув юртида тарбияни мақсади шахсни туб маънода тушуниш ҳисобланади. Талабага шахс сифатида, ижтимоий сифатга эга бўлган, бу ўқув фаолиятида намоён этади деб қаралади.

Талабаларни шахсий психологиясини ўзига хос хусусияти ўзини тута билиши эса ўзига хос тус беради. Уларни юриш-туришини кузатадиган бўлсак, билиб олиш унча қийин эмас, чунки улардан бири хотиржам, секин ҳаракат қиладиган ёки ланж, бошқа-лари ҳаракатчан, учинчиси ғамгин, маъюс, мулоҳаза қилишга, ёлғизлик, мойил, тўртинчиси хушчақчақ, одамга эл бўладиган, киришимли ва б.қ. Инсонлар орасидаги ана шундай индивидуал фарқлар уларни мижозларини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади («темперамент» лотинча сўз бўлиб, у аралашма ёки қориш-ма маъносини билдиради). Мижоз (темперамент) юриш - туриш (ахлоқ) ва психикани ўзгариши ёки ривожланишини билдиради. қадимги юнон тиббиётини врачлари Гиппократни ва ўрта асрнинг буюк олими Абу Али ибн Синони бўйича мижозни тўртта типга бўладилар: сангвиник (хушчақчақ) мижоз, холерик



(серғайратлик, жўшқинлик) мижози, флегматик (оғир) мижоз, меланхолик (ғамгин) мижозлардир. И.П. Павловни таснифи бўйича асаб тизимларини типларига қараб тўртта турга ажратилади:

1. Кучли ҳаракатчан вазминли («Жонли тип»)
2. Кучли ҳаракатчан (енгил) салга ловуллаб кетадиган ёки бир хил турмайдиган - «тўхтатиб бўлмайдиган тип».
3. Кучли фаолиятсиз суст вазмин - «хотиржам тип»
4. «Бўш тип» ёки «Кучсиз тип».

Сангвиник (хушчақчақ) мижозли талабани, агарда уни иши қизиқарли бўлса у яхши натижаларга эришади. У қийин ҳолатларда бошқаларга нисбатан тетиклик, ишонч, эга бўлади, ўртоқларига ижобий таъсир этади, уларни кайфиятини кўтаради. Бу пешқадам ҳар доим ўқитувчига ёрдам беришга қодир. Муҳими тарбиявий жараёнда шундай талабалар намоён бўладика, бунинг учун ўқи-тувчи мижозларни диагностикасини психологик услубларини билиши шарт.

Холерик (серғайратли) мижозли талаба эса ўзига хос салга ловуллаб кетадиган, кучли ёки тўхтатиб бўлмайдиган, тезлик реакцияси, жонли имо-ишоралар ва ишора эга бўлади. И.П. Павловни баҳо бериши бўйича, холерик (серғайратлик) - бу очикдан очик жасур тип, енгил ва тез аникланадиган деб аталади. Ўзига хос ҳеч қандай қийинчиликларсиз у янги ҳаёт шароитларига кўникма ҳосил қилади, ўраб олган билан енгилликка алоқа боғлаш мумкин, яхши жамиятга, фаол иштирокчи бўлиши мумкин. Талаба шундай мижоз билан ишга киришиб кетадиган бўлса у жуда зўр фаоллик намоён этади, бироқ тез совуб қолади. Уни бир маромдаги ҳаракат, секин ва осойиштали меъер (секин югуриш, юриш). У фаол, кескин ҳаракатларга мойилдир (спорт ўйинлари, 30-100 мм қисқа масофа-ларга югуришга).

Амалиёт шуни кўрсатадики, холерик (серғайратли) мижозли киши бирорта вазифани бажаришдан олдин хаддан ташқари ҳая-жонланади. Бу эса финал ва маъсулиятли мусобақалар олдидан салбий таъсир этиши мумкин. Бунақа ҳолатда ўқитувчининг роли шундан иборат бўлиши керакки, чунки талабадан хаддан ташқари ортиқча ҳаяжонланишни тўлқинланишни сўз ёрдамида пасайти-ришда хулқ-атвори билан шахсий намуна кўрсатиши керак. Бу курсдошларини мохирона ҳаракати, ўзини дадил тутишини мисол-лар билан мустаҳкамлаш, яхшилик билдириш ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун талабага етарли кўп бўлмаган жадал характердаги жисмоний юklamани бериш фойдалидир, чунки у топшириқни бажаришдан уни бошқа томонга жалб қилади.

Ўқитувчи муҳими шуни ҳисобга олиш керакки, яъни низоли ёки жанжалли ҳолатда холерик (серғайратлик) мижоздаги талабалар одатда кучли салбий асабийлашган ҳолатни бошдан кечиради, у ҳақиқатан ҳам тарбиявий таъсир этишни пасайтиради. Бундай ҳолатда энг яхшиси уларни диққат эътиборини бошқа ҳаракатни ба-жаришга қаратиш керак, чунки кутиш керак, талаба тинчангунча, ундан сўнг керакли йўналишга таъсир этиш керак. Балки шуни эътиборга олиш керакки, яъни бир хил турмайдиган, қизиққонлиги интизомни бузилиш сабаби бўлиши мумкин. Бу, албатта, талаба-лардан айибни олиб ташламайди, лекин тарбияни ҳисобга олиши керак.

Флегматик (бўшанг ёки оғир) мижозли талаба - оғир вазмин, кам ҳаракатчан, хотиржам бўлади. Унга хос бўлган бўш ҳис - туй-ғуга тез бериладигандир. У бўлажак ҳаракатларини узоқ вақт ўйлайдиган интилишлилик пайдо бўлади, янги ҳаракат малака-ларини секин ва қийинлик билан ўзлаштиради, бир ҳаракатдан бошқа ҳаракатга йўналишини ўзгартиради. Бироқ ўқув, меҳнат фаолиятида

қўш матонатли, бардошли, узоқ ўтириб ишлаш қобилиятини намоён қилади. «Флегматик бўшанг ёки оғир» мижоз-осойишта, ҳар доим баб-баравар, қунт билан курашувчи ва зўр бериб кўп ишлайдиган» - деб айтганди И.П. Павлов. Флегматик (бўшанг ёки оғир) ўзига хос чидамли, диққатли, ўзини-ўзи назорат қиладиган, вазмин оғир бўлади. Унда ўзини тута билишлик, эҳтиётлик иш тутиш шунингдек қатъиятли кўрсатиш енгилиш шакллантирилади.

Флегматик (бўшанг ёки оғир) мижозли талабаларда психик жараёнлар меъёри секинлаштирилган. Шунинг учун уларга визуал бутун тавсилотлари билан тушунтириш керак, уни бажариш вақтни ҳақида эслатиб қўйиш, ҳаракатни бажаришда шоширмаслик керак. Талабаларга аста секин ўзига мос вазифаларни бериб бориш, унга тез реакцияни тилаб қолувчи, шартни қўйиш билан, ундаги суст-кашликни, журъатсизлигини йўқотиш мумкин, унга соғломлаш-тириш машқларини бажариш шароитида ўзлаштиришга ёрдам бериш.

Ташкилий алоқа институти талабалари билан ўтказилган психологик илмий-тадқиқот шуни кўрсатадики, чунки улар асосан флегматик (бўшанг ёки оғир) мижозга эга эканликларини кўрсатди.

Мелонхолик (ғамгин) мижоздаги талабалар одамларга ара-лашмайдиган, адамови, кас ташаббускорликлари билан ажралиб туради. У маъюсликка, хафагарчиликка тез берилувчан, яъни ша-роитга секин-аста кўникадиган, қийинчиликларни ўзига оғир оладиган, чунки унга ўзи боридан кўпроқ бўлиб кўринишга бориш-га мойил бўлади.

Ҳар қандай нарсани кучли таъсир этиши уни саросима ёки эсанкираб қолишга олиб келади, мувозаматдан чиқаради.

Бўш типдаги талаба (меланхолик) янги турмуш қаётга тушиб қолса, у ўзини томони йўқотиб қўяди. Мелонхолик ҳар доим фақат ёмон, хавф-хатарни кўради. Мелонхолик

осойишта, яхшилик истов-чилар доирасида ўзини яхши хис этади ва ҳаётини вазифалар билан муваффақиятли равишда уддасидан чиқа олади. Мелонхоликда одатга кўра, сезги органлари яхши ривожланган, бу унга нозик ишларни бажаришга имкон беради (улар стол тенниси, баскетбол, қўл тўпини яхши ўйнайдилар). Юқори даражадаги ҳаяжонлашишни таранглашишни мелонхолик бошқалар мушқулига ниҳоятда сезгирр бўлишига имкон беради.

Бундаги мижоздаги фазилатга эга бўлган талабалар олий ўқув юртидаги ўқиш шароитига тезда кўникиб кета олмайди, чунки арзи-маган маваффақиятсизликларни оғир бошдан кечиради. Шунинг учун бундай талабалар тўғрисида ўқитувчилар уни яхши кайфиятда бўлшини қўллаб туриши, уларни ютуқлари иш сезиши ва қайд қилиб туриши, унга бериладиган вазифани мағзини тўлиқ тушун-тириш, талабалар жамоаси муҳитига фаол киришиб кетиши тўғрисида қайғуришлари керак. Яна уларни ташвишини қилиш учун, яъни энг яхши ўртоғи ва дўсти бошқа мижлоздаги талаба бўлиши керак масалан, сангваник (хушчақчақ) мижозли талаба.

Ўқитувчи, одоб сақлаган ҳолда, ҳар бир талабага мижозларини (темпераменти) ўзига хос хусуситига қараб тўғри тушуниб етишига ва барча яхши ва ёмон томонларини баҳолашга ёрдам бериш керак, шахсни типологик хусусиятини диагностика асосида такомиллаштиришга интилишга чорлайди.

Талабада мижозий (темперамент) энг яхши томонларини ана шундай жамоада ривожлантирилади, қаерда шўхлик, хушчақчақ-лик шароитида, фаолликни ташаббус ботирликни қўллаб-қувват-ламоқ, интизомни қўллаб-қувватлаш, гуруҳда талабаларни пси-хологик жиҳатдан бир-бирига мос келиши ҳақида қайғуриши керак. Агарда ўқитувчи талабаларга таълим бериш ва тарбиялашда

тала-баларни мижозларини (темперамист) фарқини ҳисобга олса, бу эса шахсни кўпроқ мақсадга йўналтирилган ҳолда жисмоний такомил-лаштиришга, психологик жиҳатдан бири-бирига мос келадиган саволларни ҳал этиш, яхши сифатларни шакллантириши, уларни, фаолиятини бошқаришга ва раҳбарлик қилишга ёрдам беради.

Талабани шахсини индивидуал психологик хусусиятини тадқиқот қилиш ўқитувчи жисмоний тарбияни ўйлай ташкил қилишда ва ижодий ўсиш ҳолатини сақлашда ҳамда фаол ишлашдаги йўналишни ишлаб чиқади.

Далиллар билан тасдиқланганки, юқори курс талабалари учун амалий машғулотларни мазмуни ташкил топган бўлиб, у жисмоний ҳолатини яхшилашга йўналтирилган бўлиб, у жисмоний ҳолатни яхшилашга йўналтирилган, шу билан бирга олий ўқув юртларида кичик курсдаги талабаларнинг ўқишидаги қийинчиликларга мослашуви сабабли, соғломлаштириш профилактика машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки ҳаракатни фаоллиги асаб тизимини тонусини оширади.

#### **6.4. Ўз-ўзини назорат қилиш шахсни жисмоний такомиллаштиришни самарали усулидир**

Педагогик тарбия системасини энг муҳим вазифалари ёшларга таълим бериш шакллари усуллари ва саломатликни мустаҳкамлаш ҳамда сақлаш воситалари, уларда жисмоний такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжларини шакллантириш ҳисобланади.

Ўзини-ўзи камолатга етказиш кишини жисмоний ривожланиши, жисмоний ва функционал тайёргарлигини, яъни тўлиқ-жисмоний ҳолатини ошириб беришга интилиши деб тушунилади.

Ўзини-ўзи камолатга етказиш, тарбиялаш натижаси сифатида ва ўзини-ўзи тарбиялаш элементини ташкил қилиш ва жисмоний тарбияни умумий жараёни бўйича йўналтирилади.

Ёшларни ўз устида мақсадга йўналтирилган ҳолда ишлашга мажбурлайдиган нарса маълум дастлабки шарт-шароит ва бу мавжуддир. Педагогикада кишига бўладиган муносабатни бўйича уни ички ва ташқига бўлади.

Ташқи шарт-шароитга қуйидагилар киради: барча талабалар жамоасини юқори даражада ривожланиши, ўзини ўзи тарбиялаш соҳасида мақсадга йўналтирилган маърифий ишлар - бу жамоат чилик фикри; ички шарт-шароитдаги ўзини-ўзи тарбиялашга қуйидагилар киради: маълум даражадаги ўзини ўзи англаш ва ўзини ўзи билиш, касбий - маънавият жиҳатдан олий мақсадга интилиш ва х.к. Ўзини ўзи тарбиялаш, тизимида ички шарт-шароит кишини иродаси шаклланишида ҳал қилувчи аҳамитяга эгадир, Иродага зўр бермасдан туриб ўзини ўзи тарбиялаш мумкин эмас.

Ички шарт шароитида ўзини ўзи камолотга ёки такомиллаш-тиришга қуйидагилар киради: қадди-қоматни яхшилашга, куч имкониятларини ривожлантиришга, чиройли қоматни шаклланти-ришга, яъни тўлиқ - жисмоний ҳолатни, саломатликни сақлашга ва яхшилашга интилиш.

Ўзини ўзи камолатга етказишга ёки такомиллаштиришни самарадорлигини ошириш жисмоний тарбия жараёнини ташкил этилишига боғлиқдир. Чунки кўрсатилаётган жисмоний тарбия натижалари талабаларнинг камолотга етишувига ёки такомил-лашувига интилиши ҳисобланади.

Олий ўқув юртларида ўзини ўзи камолотга етказишни ташкил қилиш вазифаларидан бири талабаларни ўзини ўзи тарбиялашни назарияси ва усуллари билан қуроллантириш,

уларда мунтазам равишда, ижодий ва ўз устида онгли равишда мустақил ишлашга одатлари ва эҳтиёжларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Талабаларни ўз-ўзини билишни тезлаштириш жараёнини, муҳим воситаси, уларда мустаҳкам, саломатликни қўллаб қувват-лаш ва мустаҳкамлашни таъсирчан усули сифатида жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш ва соғломлаштириш жисмоний тарбияни тушуниб етиши ва ижобий муносабатини шаклланиши ҳисобланади.

Жисмоний машқлар билан шуғулланишга жалб қилиш ва онгли муносабатда бўлиши муҳим омилларидан бири, соғломлаш-тириш жисмоний тарбияни билишни асослаб ривожлантириш ўзини ўзи назорат қилиш усули ҳисобланади.

Жисмоний машқлар билан шуғулланишга жалб қилиш ва онгли муносабатда бўлиши муҳим омиллардан бири, соғломлаш-тириш жисмоний тарбияни билишни асослаб ривожлантириш ўзи-ни ўзи назорат қилиш усули ҳисобланади.

Ўзини ўзи назорат қилиш - организмни функционал ҳолати ва жисмоний юкламани олиб ўтиш, ўзининг саломатлигининг кузатиш тизимидир. У жисмоний ҳолатни бошқаришга, қаттиқ чарчашдан қочиш ва юкламаларни тартибга солишда ёрдам беради.

Ўзини саломатлигини ҳолатини мунтазам равишда ва ўз вақтида кузатиб бориши, ўзини ўзи назорат қилиш четга чиқишни ўз вақтида сезиши ва бартараф этиш учун зарур чора тадбирларни қабул қилишга имкон беради.

Саломатлик паспорти қундалигини юритиш - ўзини - ўзи назорат қилишни самарали шаклидир. Шахсан ўзигагина хос бўлган кўрсаткичлари кайфияти, уйқу, иштаҳаси, иш қобилияти, мушак-ларни оғири киради. Кишининг онгига

боғланмаган ҳолда мавжуд бўлган кўрсаткичлар - бўйининг узунлиги, тананинг оғирлиги, оғир-лик-бўй кўрсаткичи, бўйин, қорин айланаси танани ёғ қатлами массасини аниқлаш, организмнинг тириклик кўрсаткичини, жисмо-ний ҳолатини баҳолаш киради.

Кишининг ўзини ўзи назорат қилиши муҳим таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир, у жисмоний соғломлаштириш машқла-рини самарали ўтказиш учун зарур ва унга онгли муносабатда бўлиши ва мақсадга мувофиқ усулда жалб қилиши ҳисобланади.

### ***Қадди-қоматни ва жисмоний ривожланишни баҳолаш мезони***

Кишини жисмоний ривожланиши деганда шуни тушуни-ладики организмнинг морфологик ва функционал хусусияти, уни жисмоний куч кўламини аниқловчидир. Ушбу аниқлашдан шак шубҳасиз қай даражада муҳимлиги ҳар бир кишини қадди-қоматини гармоник тузилиши ва яхши жисмоний ривожланишга эга бўлишига ҳамда уни баҳолашни билиш.

Қадди-қоматни, жисмоний ривожланиш даражаси-жисмо-ний машқлар билан шуғулланиш характери ва имкониятини шакл-лантирувчи омидир.

Шу билан бирга жисмоний ривожланиш жисмоний машқ-ларни амалий машғулотларини бири натижасида кўриб чиқилади.

Жисмоний ривожланишни, қадди-қоматни баҳолаш ҳар бир шуғуланувчининг кўрсаткичлари кўпроқ ҳаммани кўлидан келади-гани бўйича амалга оширилади (вазн-ўсиш кўрсаткичи, ўпкани тириклик сифими ва тириклик кўрсаткичи, кўкрак қафасининг айланаси, ўнг ва чап қўл панжалари кучи, орқа мушак кучи ва тўлаликни, қадди-қоматни қаттиқлиги, тананинг ёғ массаси).



Кетле кўрсаткичи бўйича (вазн - ўсиш кўрсаткичи) ушбу тана оғирлигини бўлишда (гр), бўйни (см) билан аниқланади.

Ҳаётий кўрсаткич - ўпкани тириклик сифимини айрим бўлишларини (мл) вазнига қараб (кг) бўлинади. Семизлик тана вазнини (кг) бўйини(дц) моҳиятини бўлиниши билан аниқланади.

6.1. жадвал

18 ёшдаги ўспиринни жисмоний ривожланиш кўрсаткичини баҳолаш мезони

№	Кўрсаткичлар тури	Баҳоси			
		5	4	3	2
1.	Вазн-ўсиш кўрсаткичи (г/см)	394	380	366	352
2.	Ўпкани тириклик сифими (мл)	4863	4682	4501	4320
3.	Ўнг панжаси кучи (кг)	41	40	39	38
	Чап панжа кучи (кг)	37	36	35	34
4.	Становая (кг)	138	134	130	126
5.	Кўкрак қафасини айланаси: -нафас олиш (см)	102	99	96	93
	-пауза (см)	98	93	88	83
	фарқи (см)	10	9	8	7
6.	Ҳаётий кўрсаткич (мл/кг)	75	72	69	66
7.	Семизлик ёки тўлалик (кг/дц)	4,4	4,1	3,8	3,5
8.	қадди-қоматни қаттиқлиги	15	21	27	33

Жисмоний ривожланишнинг умумий баҳоси

Балларнинг йиғиндиси	аъло	яхши	ўрта	Бўш
	40-юқори	32-39	31-24	23 дан паст

Жисмоний тайёргарликни баҳолаш мезони

Маълумки, жисмоний тайёрланиш даражаси саломатликни мустаҳкамлашга, ҳаракат сифатини ва тана шаклини ривож-лантиришга, шунингдек кишини ҳаракатланишини кенгайтириш ҳақида тушунча ҳосил қилишга йўналтирилган.

Жисмоний тайёрланиш - бу жисмоний қобилиятни тарбия-лаш жараёни бўлиб, саломатликни мустаҳкамлашни умумий да-ражасини ошириш билан мустаҳкам алоқададир. Бунга асосий восита сифатида шуғулланувчиларнинг организмга умумий таъсир этиши туйиладиган, турли-туман спорт турларидан машқлар ва умумий ривожлантирувчи машқлар қўлланилади. Бунда мушак-боғлам аппаратини мустаҳкамлайди ва ривожлантиришга эришади, ички системаси ва органларини вазифасини такомиллаштиради, ҳаракат сифатларини умумий ошириш даражасини ривожлантириш ва координация ҳаракатини оширади. Талабага мунтазам равишда машқни таъсир этишини яқуний ифодаси уни жисмоний ривож-лантиришни, жисмоний тайёргарликни яхшилаш деб ҳисобланади.

Жисмоний тайёргарлик организмни вегетатив вазифаси ҳолати, тана шакли ва ҳаракат сифатларини ривожланиш даражаси, шунингдек, киши эгаллаган ҳар хил ҳаракат малакалари билан ўзига хос хусусиятини кўрсатиб туради.

Талабаларни жисмоний тайёргарлиги жисмоний тайёрлаш натижаси сифатида бир бутун қилиб бирлаштириб баҳолаш, жисмо-ний, функционал тайёргарлик ва жисмоний ривожланиш, қадди-қомат, қон айланишини ўзига хос хусусияти кўрсаткичларини сон ва сифат жиҳатдан ифодалиликни кўрсатади.

Шуғулланувчилар 11 та тест бўйича 55 дан ошиқ балл тўп-ласа, кучли жисмоний тайёргарликка эга бўлади, 44-54

балл - яхши, 33-43 балл-ўрта ва 32 баллдан паст - жисмоний тайёргарлиги бўш ҳисобланади (6.2.-жадвал).

**18 ёшдаги ўспиринларни жисмоний тайёргарлигини баҳолаш  
градацияси**

№	Тестларни тури	Баҳолар				
		5	4	3	2	1
1	Балаңд турниқда тортилиш	16	14	12	10	8
2	Тўнқарилиб қўтарилиш марта	12	9	6	3	1

3	Брусда таяниб ётган ҳолда қўлни букиш ва ёзиш (марта)17	17	14	11	8	5
4	Турникда осилиб турган ҳолатдан оёқни кўтариб кизиқиш (марта)	15	12	9	6	4
5	3 км га кросс (дақиқа, секунд)	11	11'36''	12'12''	12'48''	13'22''
6	5 км га кросс (дақиқа, секунд)	18''11'	14'45''	22'19''	23'53''	25'27''
7	100 м га югуриш (секунд)	12.7''	13,1''	13.4''	13.7''	14.1''
8	Турган жойдан сакраш (см)	245	244	234	224	214
9	Югуриб келиб узунликка сакраш (см)	434	424	414	404	394
10	Гавдани кўтариш (марта)	73	65	57	49	41
11	Таяниб ётган ҳолатдан қўлни букиш ва ёзиш (марта)	41	39	37	35	33

### Жисмоний ривожланишнинг умумий баҳоси

Жами баллар	Аъло	яхши	ўрта	Бўш
	55-юқориси	44-54	33-43	32 паст

### Жисмоний саломатлик даражасини экспресс-баҳолаш

Кўрсаткичлари	Функционал синфлар (даражаси)				
	Паст	Ўрта-дан паст II	Ўрта III	Ўрта-дан паст IV	Юқори V
1.Тана массаси (г/см)					
Бўйи Ў	501	451-500	401-450	375-400	375
Бўйи Қ	451	401-450	375-400	400-351	350

2. Ұпкани тириклик сигими (мл/кг)					
Тана массаси Ұ	50	31-55	56-60	61-65	66
Қ	40	41-45	46-50	51-57	57
Баллар	0	1	2	4	5
3. ЧССХОД сист					
100 Ұ	111	95-110	85-94	70-84	69
Қ	111	95-110	85-94	70-84	69
Баллар	-2	0	2	3	4

4. 30 секунд 20 марта ўтириб туришдан кейин ЧСС ни тикланиш вақти (дақиқа, сек) Ў	3	2-3	1,30-1,59	1.00-1.29	59
Қ	2	2-3	1.30-1.59	1.00-1.29	58
Баллар	-2	1	3	4	5
1. Панжа динамометрияси %					
Ў	60	61-65	66-70	71-80	81
Қ	40	41-50	51-55	56-60	61
Баллар	0	1	3	3	4
Саломатлик даражасини умумий баҳоси	4	5-9	10-13	14-16	17-21

Калит сўзлар: шахсий ёндашув, ўз-ўзини назорат қилиш, тарбиялаш.

Назорат саволлари:

1. Ўқитувчининг шахсияти студентга қандай таъсир қилади?

2. Инсон тарбияси жараёнида шахсий ёндашув қандай амалга оширилади?

3. Шуғулланувчининг ўз-ўзини назорат қилиши қандай амалга оширилади?

Адабиёт:

Нурмухамедов Р.М., Быкова Л.А. Некоторые вопросы теории обучения и воспитания в медицинских вузах. Т., 1989.

Основы военной психологии и педагогики. Учебное пособие, под. ред. А.Б. Барабанщикова. М., 1981.

Хамдамов Т.Б. Воспитание в вузе: организация и управление. Т., 1989.

Хазламов И.Ф. Педагогика. Учебное пособие. М., 1990.

## 7-БОБ. САЛОМАТЛИКНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Маълумки, ҳаракат фаоллиги инсоннинг руҳий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. У салбий руҳий таъсирлар, ақлий чар-чоқни бартараф этиш воситаси ва интеллектуал фаолият омили сифатида хизмат қилади.

Жисмоний машғулотлар натижасида миёда қон айланиши яхшиланади, ахборотни қабул қилиш, уни ишлаб чиқишни таъмин-ловчи руҳий жараёнларни фаоллаштиради. Жисмоний машқлар таъсирида хотиранинг яхшиланиши, эътиборнинг барқарорлашиши, элементар интеллектуал масалалар ечишнинг тезлашиши, кўриш-ҳаракат реакциясининг фаоллашуви кўп мартаба исбот қилинган.

### 7.1. Психодиагностика - соғломлаштириш жараёнини индивидуализациялаш асосидир

В.С. Юркевичнинг (1986) фикрига кўра, шахс тарбиясига индивидуал ёндашув руҳий-педагогик таъсир тизимининг ичичига синган бўлиши лозим ва айнан шунинг учун бу тарбиянинг умумий тамойилидир. Айни пайтда таълим ва тарбиянинг турли жабҳа-ларида бундай ёндашув турлича акс этади. Бизнинг мамлакатда у қобилиятларни тарбия қилиш назарияси ва амалиётида қўлла-нилади. Қобилиятлар муаммосининг ўзи эса психология фанида, даставвал, индивидуал фарқлар муаммоси сифатида пайдо бўлган ва сўнгги вақтларда унинг умумий нуқтаи назари ишлаб чиқилмоқда.

Шунга қарамай, сўнгги йилларда ўқувчи руҳий индивидуаллигини ўрганиш методлари тўғрисидаги маълумотларнинг кат-та ҳажми тўпланган махсус илмий - амалий фан - мактаб психо-диагностикаси шакллана бошлади. Яқин келажакда педагогика олийгоҳларида махсус



курслар ташкил этилиши муқаррар. Улар педагогларни психодиагностик билимлар, махсус амалий усуллар билан қуроллантириш ва бу усуллардан амалда фойдаланишни ўргатиш имконини беради (Ю.З. Гильбух, 1989). Қобилиятлар ва кенг шахсий планда психодиагностика масалалари Б.Г. Ананьев, А.Г. Ковалев, В.И. Мясничев (1960) ишларида кўриб чиқилган. Улар қобилиятлар ва шахснинг бошқа хусусиятлари деганда бирор- бир фаолиятни амалга оширишда зарур бўладиган хусусиятлар ансамблини тушунишади.

К.К. Платонов (1968) «қобилият» тушунчасини қобилият ва шахснинг тузилиши ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиқиб ёритади.

М.Г. Давлетшин (1973) нинг ёзишича, қобилият - инсоннинг у ёки бу фаолиятга лаёқатдир ёки «қобилият инсоннинг муайян фао-лиятга лаёқати даражасини аниқловчи индивидуал хусусияти сифа-тида кўриб чиқилиши керак».

Қобилиятларни ривожлантириш учун даставвал уни аниқлаш керак. Диагностика тиббиётда, техникада ва касбий фаолиятининг бошқа жабҳаларида қўлланилади. Тарбияланувчини кундалик фао-лиятда ўрганиш ва унга дидактик ва тарбиявий таъсирни тезкор баҳолаш жуда муҳим. Асосан талабанинг индивидуал хусусият-ларига эътибор қаратиш керак.

Олийгоҳда тарбиянинг мақсади шахс моҳиятини тушунишга асосланган. Талаба шахсияти унинг ижтимоий муҳит билан алоқаси жараёнида табиий хусусиятлар ва фаолият асосида шаклланади. Хулқ ва шахснинг ривожланишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи қадрий дунёқарашлар, сабаблар ва эҳтиёжлардир.

В.М. Рошнский (1990) таъкидлашича, талаба шахсини ривож-лантириш бир неча йўналишларда боради: ғоявий

ишончини, касбий йўналишини мустаҳкамлаш, руҳий жараёнларни ривож-лантириш, маъсулият ҳиссини ошириш, бўлажак касбига меҳрини барқарорлаштириш ва ҳ.з. Талаба шахсиятини руҳий ривожлан-тириш ташқи омилларнинг ичкига ўтиши, ўз устида фаол ишлаш қарама-қаршиликларининг пайдо бўлиши ва ҳал этишдек диалектик жараёндир. Инсон темпераменти турини билиш жуда муҳим, чунки шу асосда фаолиятнинг мазмуний тарафлари кўриб чиқи-лади.

Темперамент характернинг динамик асосини ташкил этади. Бу инсоннинг муҳим ва барқарор руҳий хусусиятларини ўз ичига олади ва унинг ҳаётга муносабатини акс эттиради. Темпераментда фаоллик ва эмоционаллик чамбарчас боғлиқдир. Ҳаракат фаоллиги тезликда, ёки ҳаракатнинг сустлигида акс этади. Ҳаракатнинг эмоционаллиги ҳиссиётлар, кайфиятларнинг кечиши хусусиятлари билан характерланади. Талаба характерини билиш унинг ҳаракат-ларини олдиндан кўра билиш, ва у билан тўғри муносабатлар ўрнатиш имконини беради. Талабанинг ижобий руҳий ҳолатини ушлаб туришда ўқитувчининг роли катта. Талабалар билан тарбиявий ишлар актив фаолият ўрнатиш ва ижодий кўтаринкилик асосида олиб борилади. Оптимизм, ўзаро бир-бирини тушуниш, ўқитувчи ҳаракатларининг режалаштирилганлиги ва чуқур ўйлан-ганлиги талабаларда ижобий руҳий ҳолатларнинг барқарор бўлишга ёрдам беради. (В.И. Платонов, 1987). Талабаларнинг иродасини ах- лоқий тамойиллар билан боғлиқликда тарбиялаш керак. Бунинг учун уларнинг психологик тузилмаси, руҳий жараёнлари хусусият-ларини, индивидуал типологик хусусиятларини аниқлаб олиш керак.

Қатор муаллифлар биринчи курс талабаларининг адаптациян даври хусусиятларига эътибор берадилар.

В.И. Загвязинский (1982) таъкидлашича, адаптация талаба-ларнинг олийгоҳда таълим шароитларига, ақлий фаолиятнинг янги ташкилотига кўникиш давридир. Адаптациянинг 3 та шакли мав-жуд: касбий, ижтимоий-психологик ва дидактик.

Касбий адаптация - олий таълим тузилмасига, олийгоҳда таъ-лим жараёни мазмуни ва таркибий қисмларига, танланган касб хусусиятларига мослашишдир. Ижтимоий-психологик адаптация янги ўртоқлар билан ижобий муносабатлар ўрнатишда акс этади. Дидактик адаптация олийгоҳдаги таълим тизимига секин-аста киришиши ва мослашишни таъминлайди.

А.В. Петровский (1986) биринчи курс талабаларнинг адапта-цион даврининг қуйидаги асосий қийинчиликлари мавжуд:

- кечаги мактаб ўқувчиларининг мактаб коллективидан, ўр-тоқлари, ўқувчилари маънавий ёрдамидан ажралиш билан соғлиқ салбий кечинмалар;

- касбни танлаш мотивациясининг ноаниқлиги, касбга тайёр-гарликнинг етарлича эмаслиги;

- ўз ҳаракатларини психологик бошқаришни билмаслик, ода-тий педагогик назоратнинг йўқлиги билан боғлиқ руҳий вазият;

- янги шароитда меҳнат қилиш ва дам олишнинг оптимал режимини излаш;

- турмушни ва ўз-ўзини бошқаришни йўлга қўйиш (айниқса, уй шароитидан ётоқхона шароитига ўтаётганда);

- мустақил ишлаш ва яшаш кўникмаларининг йўқлиги.

Н.А. Агаджанян (1988) талабаларнинг олийгоҳда таълим олиш шароитларига адаптациясининг бир неча аспектларига эътибор қаратади:

- ижтимоий (оилавий муносабатлар, яшаш шароити, моддий таъминот)

- психофизик (киришимлилик, гуруҳда ва курсда ўртоқлар, ўқитувчилар билан муносабатлар, шахсий хусусиятлар, қизиқишлар даражаси, характер, коллективга психофизиологик мослашиши)

- атроф-муҳит (организмнинг янги табиий шароитларга, тем-ператураси, атмосферанинг газ таркибига реакцияси)

- физиологик (талаба саломатлигининг аҳволи, асаб фаолия-тининг типи).

## **7.2. Олий асаб фаолиятининг индивидуал хусусиятлари**

Асаб жараёнлари - кўзғалиш ва тормозланиш, учта хусусият билан характерланади: куч, ҳаракатчанлик, вазминлик.

Асаб тизими ёки асаб фаолияти типи тушунчалари асаб тизимининг туғма хусусиятлари, шунингдек, ҳаёт давомида шакл-ланган ва мустаҳкамланган хусусиятларни ўз ичига олади. Инсон типологик хусусиятларининг шаклланишига у яшаётган муҳит, ишлаётган коллектив катта таъсир кўрсатади (З.И. Коларова, 1968).

Сифат хусусиятлари, асаб жараёнлари хусусиятларининг турли комбинацияларига қараб асаб тизимлари 4 та типга ажра-тилади. Куч кўрсаткичига кўра асаб тизимининг кучли, кучсиз типлари, ҳаракатчанлик кўраткичи бўйича инерт (кам ҳаракатчан), ҳаракатчан типлари, вазминлик кўрсаткичи бўйича - вазмин, енгилтак типлари мавжуд.

Асаб тизими кучсиз шахсларда иккала жараён - кўзғалиш ва тормозланиш кучсиз бўлади. Бундай одамлар муҳит шароитларига жуда қийин мослашадилар, мураккаб ҳаётий вазиятларда уларнинг руҳий ҳолати осон синади ва улар невротик бўлиб қоладилар. Бундай инсонни тарбиялаш жараёни қийин кечади, чунки кучсиз асаб тизими организмда

рўй бериши керак бўлган ўзгаришларни секин қабул қилади ва ўзлаштиради.

Асаб тизими кучлиларни тарбия қилиш осон, улар янги кўникмаларни тез қабул қиладилар. Асаб тизими кучли инсонлар орасида ҳаракатчанлиги инерт (суст) шахслар ҳам учраб туради. Вазминлик кўрсаткичи бўйича асаб тизими кучлилар вазмин ва енгилтакларга бўлинади. Енгилтакларда кўзғалиш кучли, тормоз-ланиш реакцияси эса қолоқ бўлади. Шунинг учун улар тез тормоз-ланиш керак бўлган вазиятларда ёрдамга муҳтож бўлиб қоладилар.

Инсон асаб фаолиятининг индивидуал хусусиятлари бутун спорт фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Ҳаракат кўник-маларининг шаклланиши тезлиги ва барқарорлиги, уларнинг тако-миллашуви, зарур бўлганда, уларни ўзгартириш имконияти кўп жиҳатдан асаб фаолиятининг хусусиятларига боғлиқ. Спортчининг спорт фаолиятининг турли даврларидаги ҳолати, машғулотларда ва мусобақалардаги феъл-атвори, ўзини тутиши ҳам индивидуал хусусиятларга киради. Бутун ҳаёт жараёнида, атрофдагилар билан мулоқотда бўлиш, ишлаш жараёнида икки асосий асаб жараёни- кўзғалиш ва тормозланишнинг баланслашуви рўй беради. Бу ба-лансинг бузилиши динамик стереотипининг шаклланишида қи-йинчиликлар уйғотади. Асаб марказларида ишлаётган мушаклар, аъзолардан бераётган таъсирни мустаҳкамлаш, ҳаракат кўник-малари динамик стереотипини яратиш учун маълум даражадаги кўзғалиш, асаб жараёнларининг, унинг ҳаракатчанлигининг муайян кучи даркор.

Спортчи организмга таъсир қилаётган ўта кучли кўзғалишлар (максимал ёки субмаксимал юкламалар, узоқ давом этган машғулотлар, юқори тезликда ритмик ишлаш) натижасида ҳаракат актининг самарадорлиги пасаяди. Айнан шу даврда юкламаларни бир оз камайтириш керак, акс ҳолда

асаб бузилиши рўй бериши ва спортчини анчагача сафдан чиқариб қўйиши мумкин.

Бош мияда у ёки бу ҳаракат актининг динамик стереотипи шаклланиши учун таълим жараёнида олий нерв фаолиятининг ин-дивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Асаб фаолияти ҳара-катчан, вазмин бўлган спортчи учун ҳаракатларни бир неча марта такрорлаш кифоя - бу ҳаракатлар унинг бош мияси қобиғига дарров ўрнашади. Вазмин, ҳаракатчанлиги инерт асаб тизимига эга бўлган спортчи ҳаракатларни кўп марта такрорлаши керак. Бунга, айниқса, янги техник усулларни ўзлаштиришда эътибор бериш керак. Маш-ғулотларда янги техник усулни ўзлаштириш турли спортчиларда турлича ўтади.

А.А. Ухтомский физиологиянинг фундаментал назарияси- доминанта ҳақида таълимотни ишлаб чиқди:

1) доминацияловчи асаб маркази ўз қўзғалишини нармал ва патологик шароитларда мустаҳкамлайди;

2) қўзғалишнинг ривожланиши давомида у бошқа келиб чи-қувчи жараёнларни (қўзғатувчига жавоб реакцияси) тормозлайди.

Доминанта тамойили марказий асаб тизимининг умумий тамойилидир. Доминантлар инсоннинг касби - кори, характери, тем-пераменти, қизиқишлари, организмнинг салбий ҳаётий вазиятларга таъсирчанлигига қараб турлича бўлади. Доминанталарни онгли бо-шқариш саломатликни мустаҳкамлашга элтувчи йўлдир (К.В. Динейка, 1987).

Л.П. Примак (1987) қайд этишича, инсоннинг руҳий-эмоци-онал ҳолатига таъсир этувчи омиллар ичида қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

1. Жамиятни интенсив технизациялаш натижасида мушак тизимига юкламаларининг камайиши. Мушак тизими инсон мар-казий асаб тизимини, биринчи навбатда, унинг эмоционал марказ-ларини жонлантирувчи асаб

импульзациясининг қудратли манбаси ҳисобланади. Шунинг учун мушак аппаратини етарли юклама билан таъминламаслик, инсон учун ҳаётда «Психологик тўсиқларни» енгиш учун керак бўлдагина ижобий таъсирдан асаб марказларини маҳрум этади. Бундай шароитда кўпгина салбий қўзғатувчилар кўчли характерни намоён этиб асабга ёмон таъсир кўрсатади. Мунтазам паст ҳаётий тонус, апатия бундай пайтда жаҳддорлик, оддий салбий таъсирларга чидолмаслик билан туташиб кетади.

2. Жамиятни технизациялаш ҳис қилиш аъзоларига ахборот юкласининг кучли ва ўртача кучли сигналлар диапазонида ошиши билан характерланади ва кучсиз ва ўта кучсиз сигналларни қўллаш заруриятини бартараф этади. Айнан шундай сигналлар табиий шароитда яшаган инсонлар ҳаётий фаолиятининг ишчи диапазонини ташкил этади. Цивилизациянинг ўсиши кичик қувватли сигналлар ҳаётий аҳамиятини йўқ қилиб, кучли сигналлар диапазони юкласини ошириб юборди.

Ҳаракатнинг камлиги натижасида инсон организми асаб ва жисмоний функцияларининг ноуйғунлигини ҳис қилади. Ҳис-ҳая-жонлар, узоқ давом этган асабий ҳолатлар (айниқса, инсон касал бўлган, чарчаган, стресс ҳолатларида) вегетатив асаб тизими, ички секреция безлари, ички органлар функциясининг бузилишига сабаб бўлиши исботланган. Буларнинг барчаси ўткир ва сурункали касалликлар, айнақса, юрак-қон тизими касалликларининг зўрайишига олиб келади. Руҳий барқарорлик ва турли ҳаётий вазиятларга адекват реакцияни тарбиялаш, машқ қилдириш организмнинг стресс ҳолатларга қарши курашувчанлигини кучайтиради ва умумий соғломлаштиришга ёрдам беради (К.В. Динеика, 1987).

### 7.3. Темперамент ва асаб тизими хусусиятлари

В.Д. Небылицин, Б.А.Вяткин каби психологлар таъкидлаши-ча, темперамент - инсон рухий фаолияти динамикасини белгилаб берувчи психиканинг индивидуал, ўзига хос хусусиятлари йиғин-дисидир. Бу хусусиятлар мазмуни, мақсади ва сабабларидан қатъий назар турли фаолиятларда бир ҳил намоён бўлади.

Темпераментга илмий таърифни И.П.Павлов берган. У темпераментнинг асосида шартли - рефлекс фаолиятининг индии-видуал хусусиятлари, айнан эса, асаб тизими хусусиятлари ётади, деган фикрга келган эди. И.П. Павлов бу хусусиятларни 3 га ажра-тади: 1) қўзғалиш ва тормозланиш жараёнининг асаб хужайралари-нинг ишлаш қобилиятига боғлиқ кучи; 2) қўзғалиш кучининг тормозланиш кучига мутаносиблиги, ёки баланс; 3) қўзғалишни тормозланиш билан (ёки аксинча) тез ва осон алмаштириш қобили-яти.

И.П. Павловнинг таъкидлашича, асаб тизимининг умумий типлари 4 та темперамент асосида ётади. Шундай қилиб 4 та тем-перамент пайдо бўлди: флегматик, сангвиник, холерик ва мелан-холик.

Психологлар Б.М. Теплов (1963), В.Д. Небылицин (1966), И.П Павлов тадқиқотларини давом эттиришди. Шундай қилиб янги хусусиятлар, масалан, асаб жараёнларининг динамиклиги - ижобий-шартли алоқалар (қўзғалиш динамиклиги) ва салбий алоқалар (тормозланиш динамиклиги)ни ишлаб чиқиш тезлиги ва осонли-гини белгилаб берувчи хусусият кашф этилди. Асаб жараёнларининг мобиллиги - қўзғатувчи ва тормозловчи жараёнларнинг пайдо бўлиш тезлигини белгилаб берувчи бошқа янги хусусиятдир.



Тормозланиш ва қўзғалиш ўртасида ўзаро муносабатларнинг бузилиши турли асаб касалликларга олиб келиши маълум.

Темпераментнинг асаб тизими хусусиятларига боғлиқлиги қуйидагича намоён бўлади: инсонда асаб тизимининг битта физиологик хусусияти қанчалик кўп намоён бўлса, темперамент мутаносиб хусусияти шунчалик кам (ёки, аксинча, кўп) ифода этилади. Инсонда қўзғалиш жараёни қанчалик кучсиз бўлса, эътиборнинг чалғиши кучли бўлади, кескин вазиятнинг салбий таъсирига қаршилиги шунчалик паст бўлади - бу темпераментнинг асаб тизими хусусиятларига тўғри чизиқли боғлиқлиги. Темпераментнинг асаб тизими хусусиятларига эгри чизиқли боғлиқлиги ҳам мавжуд. Қўзғалиш жараёни кучининг ошиши маълум даражага етгандан сўнг эмоционал қўзғалиш камай бошлайди. қўзғалиш жараёни кучи ошавериши билан эмоционал қўзғалиш оша бош-лайди. Темпераментнинг асаб тизими типига боғлиқлиги кўп қийматли бўлиши ҳам мумкин, яъни асаб тизимининг битта хусусиятига темпераментнинг бир неча турли хусусиятлари боғлиқ бўлиши ва, аксинча, темпераментнинг битта хусусияти асаб тизимининг бир неча хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкин (В.С. Мерлин, 1964).

Н. Айзенк ва Г. Айзенк (1968) экстравертлар ва интровертлар хулқи хусусиятларини кузатганлар.

Экстравертлар - киришимли, секин генерация ва қўзғалиш жараёнинининг сустлиги, кучли, тез ривожланувчи ва барқарор реактив тормозланиш билан ажралиб турадилар.

Интровертларда - қўзғалиш тез ва кучли рўй беради, реактив тормозланиш секин ривожланади, кучсиз ва барқарор эмаслиги билан ажралиб туради («Реактив тормозланиш» атамаси Канелдан ўзлаштирилган).

Г. Айзенк интровертларда кучли кўзгалиш жараёни ўқишга шартли рефлексларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради, деб ҳисоб-лайди.

Психомотор фаолияти ўрганилганда интровертлар ва экстра-вертлар ўртасида фарқлар топилди. Экстравертлар кўп хато қилса-лар ҳам вазифаларни тез бажарадилар. Интровертлар аниқлик ва тўғрилиқка катта аҳамият берадилар, бу эса бажариш тезлигининг камайишига олиб келади.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларнинг кўрса-тишича экстравертлар қийин топшириқларни яхшироқ бажаради-лар. Енгил масалаларда интровертлар ва экстравертлар ўртасидаги фарқ билинмайди (Г. Айзенк, 1938, 1971). Н. Айзенк (1977) экстра-вертлар хотирадан керакли маълумотни тезроқ топадилар, деган маълумотларни умумлаштирди. Ахборот асаб тизимида из қолди-ради ва узоқ вақтгача сақланиб туради. Бу даврда ахборотни узоқ вақт эслаб қолиш учун ўтказиш жараёни ўтаётган бўлади. У ахборотни хотирадан олиш пайти рўй берган вақтинча тормозла-ниш билан уланиб кетади ва бу хотирадаги изнинг йўқолиб кетиши олдини олади. Интровертларда активациянинг юқори даражаси изнинг узоқ вақт тургани билан боғлиқ, бу ахборотнинг узоқ хоти-рада яхши сақланишига ёрдам беради ва уни хотирадан чиқариб олиш узоқроқ чўзилади. Шу сабабли, интровертларда ахборотни узоқ вақт хотирада сақлаш хусусияти мавжуд, экстравертлар эса қисқа вақтли хотирада устунлиқка эга.

И.П. Павлов, марказий асаб тизими функцияларини мустаҳ-камлаш қорбилиятига эга деб кўрсатган эди. Яхши ўзлаштирилган билим ва кўникма - бу барқарор динамик стереотип (из)га эга. Айнан унинг инертлиги кўникмаларнинг мустаҳкамлигини таъмин-лайди. Лекин у ўзгарган шароитда янги кўникмаларнинг ривожла-нишига ҳалақит ҳам беради.

Бошқача қилиб айтганда, кўникма қан-чалик мустаҳкам бўлса, ундан халос бўлиш ёки бошқача кўникма билан алмаштириш шунчалик қийин бўлади. Бунда инсоннинг характери хусусиятлари, темпераментига ҳам эътибор бериш керак.

Кема ва унинг тизимларини бошқариш кўникмаларини ривожлантириш кўп жиҳатдан инсоннинг олий асаб фаолияти хусусиятларига боғлиқ. Холериклар бутун вужуди билан ишга берилишлари, у билан банд бўлишлари, ғайратлари тошиб, кучлари қуйилиб исталган қийинчиликларни енгиллашга тайёр ва уларни енга-дилар ҳам. Лекин кучлар кетгач, асаб тизими кучли инсонда чекиниш пайдо бўлади, у «керагидан ортиқча чарчайди, шунчалик кўп ишлаганидан ҳоли кетиб қолади». Холерик ортиқча жиззаки, муносабатлари кескин, тўғри сўз, фаолиятни жуда кенг юритишга қодир. Холерик темпераментли космонавтлар касбий кўникма ва билимларни тез эгаллайдилар. Айни пайтда машғулотлар пайтида кўп хатолар қиладилар. Улар оддий машғулотлардан кўра парвоз-нинг алоҳида ҳолатлари ўрганиладиган машғулотларни яхши ўз-лаштирадилар. Дастлабки тайёргарлик даврида улар кўп савол берадилар, вазифанинг деталларини муҳокама қиладилар. Ўқув кемасида улар тез, ташаббус билан, жонли ва руҳий кўтаринкилик билан ишлайдилар. Бундай типдаги инсонларнинг характерли хатолари - шошқалоқлик ва эътиборни етарли жамламаслик.

Сангвиник ҳаракатчан, ҳаётдаги ўзгарувчан шароитларга тез кўникади: атрофдагилар билан тез мулоқотга киришади, янги одамлар орасида ўнғайсизлик сезмайди. Коллективда сангвиник қувноқ, янги ишни иштиёқ билан бошлайди, кучли қизиқиш билан ишлайди. Ҳиссиётларга тез берилади ва уларни осонлик билан унутади.

Шунинг учун ёмон кайфиятни қийинчиликсиз енгади, унинг одатий кайфияти - оптимистик. Асаб жараёнларининг ҳаракатчан-лиги сангвиникка эътиборини бошқа нарсага тезда қаратиш ва янги ахборотни тез қабул қилиб олишга ёрдам беради.

Асаб жараёнларининг осойишталиги ва муайян инертлиги туфайли флегматиклар қийин вазиятларда ҳам пинагини бузмайди. Улар ўз ҳис-ҳаяжонларини жиловлай оладилар, икир-чикир нарса-ларга эътибор қаратишни ёқтирмайди ва шу сабабли кучни бир меъёردа сарфлашни, узоқ ва услубий кучланишни талаб қила-диган ишларни бажара олади. Бундай типдаги космонавтлар вазифани узоқ ўзлаштирадилар, бир хил хатоларни тез-тез такрорлайдилар ва уларни оддий вариантларини тез ўзлаштирадилар. Тинчгина, тиришқоқлик билан, шошилмасдан ишлайдилар. Машғулотлар да-вомида хатоларни йўқотадилар, касбий маҳоратларини оширадилар.

Меланхолик инсонлар уятчан, қатъиятсизлик, тортинчоқ бўладилар. Янги шароитлар, одамлар уларни кўрқитади, улар ўзла-рини йўқотиб қўядилар. Одамлар билан мулоқотда бўлар эканлар, улар ўзларини очиқ намоён қилмайдилар. Меланхоликлар космо-навт бўла олмайдилар.

Ўқув кemasида кўникмаларнинг шаклланишини психологик таҳлил қилиш космонавтларнинг вужудга келиши ва уларнинг характери уларни индивидуал хусусиятларга боғлиқ эканлигини кўрсатди (Ю. Гагарин, В. Лебедев, 1976).

#### **7.4. Спортда шахснинг шаклланиш психологияси**

Спорт соҳасидаги кўпгина мутахассислар - педагоглар, пси-хологлар, физиологлар ва шифокорлар ўртасида спортчиларнинг асаб тизими кучли бўлади, уларнинг рухий

хусусиятлари, шу жумладан, темпераментлари спортда юксак муваффақият қозониш учун зарурий шарт ҳисобланади, деган фикр кенг тарқалган. Бу фикр айрим тадқиқот ишлари натижасида қисман тасдиқланган. А.И. Кресотовников ва унинг ҳамкасблари 1937 йилдаёқ асаб тизими тури хусусиятларини тест усулида аниқлаб, кўп спортчилар кучли типнинг турли варивцияларига мансуб, деган хулосага келган. Ушбу муаммони ўрганишни давом этган олимлар спортдаги муваффақият асаб тизимининг типологик хусусиятларига шартли равишда боғлиқлиги тўғрисида хулосага келдилар (А.Н. Крестовников, 1951-1955).

К.М. Смирнов (1954, 1962) мусобақаларнинг юқори тоифа-даги спортчилар фаолиятига таъсирини ўрганар экан, қўзғалиш жараён кучсиз кечадиган шахслар муҳим мусобақаларда ёмон натижаларга эришишини аниқлади.

В.В. Медведев, А.В. Родионов, Н.А. Худатов (1973) тадқиқот-лар натижасида спортчиларнинг мусобақаларда, руҳий зўриқиш ша-роитида асаб тизимининг қўзғалиш жараёнига боғлиқ хусусиятлари етакчи роль ўйнайди, деган фикрга келдилар. Олинган маълумотлар қатор муаллифлар (К.М. Гуревич, Л.А. Копитова, В.Ф. Матвеева, В.С. Мерлин ва ҳ.з.) тўплаган маълумотларга мос келади.

Бу фикрлар оммавий ва ўсмирлар спортида бошқача тус олади. Н.Д. Синани (1967,1968) велосипедчилар фаолияти хусу-сиятларини ўрганар экан, турли малакали спортчилар ўртасида асаб тизими бўш шахсларни учратмади. Аммо бундай фикрлар замо-навий маълумотларга (айрим хусусиятлар компенсацияси, темпе-раментнинг фаолият талабларига мослашиши) кўп ҳам тўғри келавермайди (В.С. Мерлин, В.Д. Небиглицин, В.М. Теплов, К.М. Гуревич ва ҳ.з.) тоифаси, ёши, жинси, спортдаги стажи турлича бўлган спортчилар ўртасида инертли, енгилтак, жиззаки, асаб тизи-

ми бўш шахсларнинг ҳам учраши ўрганишлар натижасида исбот қилинган.

Темперамент хусусиятларини оммавий спорт билан шуғул-ланишга бўлган қобилият, деб қараш нотўғри. Асаб тизимининг кучсизлиги, инертлилиги ёки барқарор эмаслиги ва бу билан боғлиқ темперамент хусусиятлари муваффақиятли спорт фаолиятига халақит бермайди (Б.А. Вяткин, 1964, 1967, 1970; Ю.Я. Кисёлев, 1971; В.П. Мерликин, 1967,1968; О.А.Черникова, 1961; В.М. Шадрин, 1967).

Б.А. Вяткин (1978) икки нуқтаи назар мавжуд, деган фикрга келган:

1) исталган спорт туридаги муваффақият асаб тизими ва темперамент хусусиятларига боғлиқ;

2) оммавий спортда ва спортнинг алоҳида турларида асаб тизими ва темперамент муҳим роль ўйнамайди, турли типдаги асаб тизими ва ҳар ҳил темпераментли шахслар спортда бирдек натижага эришишлари мумкин.

Инсон асаб фаолиятининг индивидуал жиҳатлари бутун спорт фаолиятининг боришида катта аҳамият касб этади. Улар ҳаракат кўникмаларининг шаклланиш ва барқарорлашиши тезлигига, уларнинг ривожланиши ва керак булганда, қайта ишлаб чиқиш, ўзгартиришга катта таъсир кўрсатадилар. Спортчининг машғулот-ларда ва мусобақалардаги руҳий ҳолати ва ўзини тутиши ҳам индивидуал хусусиятларга боғлиқ. Ҳаётда, ишда, атрофдагилар билан муносабатда икки асосий асаб жараёни - қўзғалиш ва тормоз-ланишнинг баланслашуви рўй беради. Бу баланснинг бузилиши динамик стереотипнинг шаклланишида қийинчиликлар туғдиради. Асаб марказларида ишлаётган мушаклар, органлардан келаётган таъсирларни мустаҳкамлаш, ҳаракат кўникмаси динамик стереоти-пини яратиш учун асаб марказлари қўзғалишининг маълум даражаси зарур бўлади.

Спортчи организмга таъсир қилувчи ўта кучли омиллар (узоқ давом этган максимал юкламалар, юқори темпда ритмик ишлаш) дан сўнг шуғулланишларнинг самараси кучли тормозланиш натижасида тушиб кетади. Айнан шу даврда юкламаларни камай-тириш керак, акс ҳолда олий асаб фаолиятида портлаш рўй беради ва спортчини узоқ вақт издан чиқариши мумкин.

## **7.5. Жисмоний машғулотларнинг психологик масалалари**

Машҳур психолог П.А. Рудик (1973) тадқиқотлар натижасида шахснинг психологик хусусиятлари жисмоний машқлар таъсири остида муайян, барқарор ўзгариши мумкин, деган фикрга келган. Одатда спорт шахснинг шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Спорт мусобақа-лари тиришқоқлик, ахлоқ ва ирода сифатлари, мардликни тарбиялашга ёрдам бериши юқорида қайд этилди. Аммо бу йўналишдаги тадқиқотлар энди бошланмоқда.

Вернер ва Тотхейд Вест - Пойнтдаги ҳарбий академия кур-сантларининг шахсий хусусиятларига мунтазам спорт машғу-лотлари ва мусобақаларининг таъсирини аниқламоқчи бўлдилар. Бунинг учун ўрта мактабнинг ҳарбий академияга ўқишга кирмоқчи бўлган, спортчи ва спортчи бўлмаган битирувчилари кузатилди. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра шахс ўсмирлик даврида шаклланиб бўлади ва спорт билан шуғулланиш айтарли ўзгариш-ларга олиб келмайди, деган тахминга келинди.

1968 йилда Вашингтонда ўтказилган спорт психологияси бўйича Иккинчи халқаро конгрессда профессор Икегами узоқ ва мунтазам спорт машғулотларининг шахснинг ўзгаришга таъсирини ўрганишга бағишланган фундаментал тадқиқотлар

натижасини тақдим этди. Бу маълумотларнинг статистик таҳлили шуни кўрса-тадики, спорт стажи ошавериши билан кузатилган шахслар фаол-роқ, тажовузкорроқ, беғамроқ бўлаверган, депрессия ва фрестация камроқ иштиёқ ҳис этганлар, бошқалар билан муносабатда етакчи бўлишга камроқ интилганлар. Унинг фикрига кўра, спорт машғулоти руҳий барқарорликнинг умумий ўзгаришига таъсир этмаган.

## **7.6. Ўқувчи ёшлар асаб тизимининг типологик хусусиятларини тадқиқ этиш**

Асаб жараёнлари - уйғониш ва тормозланиш учта хусусият билан характерланади: куч, ҳаракатчанлик, босиқлик. Бу хусусиятлар комбинацияси турлича бўлиши, ҳар бир инсонни харак-терловчи асаб тизимининг индивидуал хусусиятлари шу комби-нацияга боғлиқ бўлиши мумкин (З.И. Коларова, 1968). Умумий типдаги асаб тизимининг айрим хусусиятларини тадқиқ этишнинг ишончли, замонавий, психологик усуллари Б.М. Теплов (1963), В.Д. Небглицин (1966), В.С. Мерлин, Э.И. Маствилескер (1971) ишла-рида баён этилган.

Сўнги йилларда спорт психологиясида В.А. Вяткин (1978), Б.Д. Кретт (1978), М.А. Робер, Ф. Тильман (1988)нинг спортнинг турли турлари намоёндалари асаб тизимининг типологик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлари кенг тус олди.

Психологик тадқиқотлар натижасида А.А. Бодалев, В.В. Столин (1987) қуйидаги хулосага келишди:

1. а) Биринчи шкала бўйича (37қ12) юқори балл кўзғалиш жараёнининг юқори даражасини акс эттиради, чаққон, тез ҳара-катларни талаб этувчи вазиятларда самарали фаолиятни амалга ошириш қобилияти билан ажралиб



туради, асаб тизими узок, тез-тез такрорланувчи қўзғалишга дош беради.

б) Биринчи шкала бўйича паст балл (37-12) қўзғалишнинг бўшлигини акс эттиради.

2. а) Иккинчи шкала бўйича юқори балл асаб тизимининг тормозланиш жараёнига нисбатан кучини акс эттиради, тормозли шартли рефлексларнинг тез ва мустаҳкам ўрнатилиши, тақиқлар вазиятида фаолликдан воз кечиш қобилияти (32+11).

б) Тормозланиш жараёнининг кучсизлик тормозли рефлекс-ларнинг ривожланишини қийинлаштиради (32-11).

3. а) Юқори ҳаракатчанлик асаб тизимининг қўзғатувчилар белгиларини тез қайта ишлаш, янги вазиятга дуч келганда тез қайта қуриш қобилиятлари, янги предмет ва ҳодисалар билан ўзаро муносабатларга тайёрлик ва истак (36-12)

б) Паст ҳаракатчанлик асаб тизимининг қўзғатувчилар белги-ларини қайта ўрганишда юқори шартлилигини акс эттиради, янги кўникмаларга ўтиш қийин, индивид янги вазиятлардан ўзини олиб қочади (32-11)

Юқорида баён этилганлар ўқувчи ёшлар шахсининг типологик хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

#### **Методиканинг мақсади:**

1. Талаба ёшлар асаб тизимининг индивидуал типологик хусусиятларини аниқлаш.

2. Талаба ёшлар шахсининг типологик хусусиятларини аниқлаш.





#### **Тадқиқотлар вазифалари:**

1. Анкета саволларига берилган жавобларни таҳлил қилиш асосида қўзғалиш, тормозланиш кучи ва уларнинг ҳаракатчанли-гини аниқлаш.

2. Анкета саволларига берилган жавоблар асосида эмоционал барқарорлик даражасини, темперамент тури, экстраверсия-интро-версияни аниқлаш.

Тадқиқот вазифаларини бажариш учун поляк психологи Я. Стреляу (1974) ишлаб чиққан «Темперамент сўровномаси» дан; инглиз психологи Г. Айзенк (1964) тузган тестдан фойдаланилди. ТАТУ нинг 300 дан ошиқ 18-24 ёшли талабалари, олимпиада хотираларида захиралари Республика билим юртининг футбол билан шуғулланувчи (9-11 синф) ўқувчилари кузатилди. Натижалар жадвалда келтирилган.

Олинган маълумотлар (7.1-жадвал) А.А. Бодалев, В.В. Столин (1987) лар ўтказган тадқиқотлар кўрсаткичларига мос келади. 1 ва 2 босқич талабалари ва қизлари асаб тизими кучсиз шахслар ҳисоб-ланади. Маълумки бундай талабани тарбия қилиш жараёни қийин кечади, чунки кучсиз асаб тизими организмда рўй бериши керак бўлган ўзгаришларни секин қабул қилади ва ўзлаштиради, янги ҳаракатларнинг катта қийинчиликлар билан ўрганади.



Дастур бўйича эса талабалар баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол ва бошқа ўйинларни ўрганишлари керак.

Улғайган сари қўзғалиш жараёнлари ва асаб жараёнлари-нинг ҳаракатчанлиги ўсиб боради. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия билан шуғулланувчи талабаларда қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли бўлади, асаб жараёнлари ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради. Бундай типдаги талабаларни тарбия қилиш осон кечади, улар янги ҳаракатларни тез ўзлаштирадилар, асаб жараён-ларининг бир меъёрдалиги, босиқлиги билан ажралиб турадилар.

Олимпиада заҳиралари Республика билим юрти ўқувчи-ларида қўзғалиш юқори, асаб жараёнлари қўзғалувчан, тормоз-ланиш эса кучсиз. Бундай спортчилар тормозли реакциялар билан жавоб беришда орқада қоладилар, бу эса турмушда, ўйин майдон-ларида панд бериб қолади. Шунинг учун улар ўзларини қўлда тутиб туролмайдилар ва доим руҳий зўриқишда бўладилар.

Ўтказилган тадқиқот улғайган сари ўғил болаларда, худди қизларда каби, кўпроқ экстраверсия ривожланади. Улғайган сари муносабатларга интилиш язшиланади, нотаниш вазиятларда ўзга-риш дадилроқ тута бошлайдилар. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия билан шуғулланувчи талабалар бошқа курсдошларига қара-ганда экстраверсияга мойил бўладилар ва эмоционал барқарорлар.

Шуни қайд этиш муҳимки, экстравертлар аниқлик ва хато-сизликка катта аҳамият берадилар, бу эса иш тезлигининг пасайи-шига сабаб бўлади. Экстравертлар вазифани тезроқ бажара бошлай-дилар, кейин интровертлар кўрсаткичлари тобора яхшилана бош-лайди ва экстравертлар натижаларидан ошиб кетадилар.

18-19 ёшли талабалар флегматик (содда, эҳтиёткор, оғир, бошқариладиган, назорат қилса бўладиган) бўладилар, улғайган сари улар сангиникларга (киришимли, етакчиликка мойил, қувноқ) яқинлаша бошлайдилар. Спорт-интернат ўқувчилари холерикликка кўпроқ мойил (таъсирчан, безовта, тажовузкор, фаол).

### **7.7. Талаба ёшларнинг эмоционал зўриқишини тадқиқ этиш**

Методика мақсади - талаба ёшларнинг эмоционал зўриқиши индивидуал хусусиятларини аниқлаш.

*Жадвал 7.2.*

**Талаба ёшларнинг олий асаб тизими типи индивидуал хусусиятлари кўрсаткичлари**

Ёш	Жараёнлар кучи		Асаб жараёнларининг харакатчанлиги
	Қўзғалиш	Тормозланиш	
Ўғил болалар			
18	36-10	38-10	39-12
19	39-13	40-11	40-14
20-24	41-12	40-8	41-8

Спорт билан шу- ғулланувчилар ОЗРБЮ ўқувчилари	55-7	55-7	47-10
16	49-5	48-9	50-6
17	56-10	46-13	57-5
қизлар			
18	29-10	38-10	32-11
19	38-13	46-15	46-7

7.3-жадвал

Ёш	Даражаси	
	Интроверсия- экстраверсия	Эмоционал- барқарорлик
18	10-2	6-3
19	11-3	10-2
20-24	12-4	11-4
ОЗРБЮ ўқувчилари, спорт билан шуғулланувчилар	12-3	7-3 13-2,5
16	12-3	13-2,5
17	12-4	13-0,3
	қизлар	
	9-3	11-3
18	12-4	12-4
19	12-4	11-4
20-24		

Вазифа: анкета саволларига жавобларни таҳлил қилиш асосида ўқувчилар ва талабаларнинг эмоционал зўриқиши даражасини аниқлаш.

Тадқиқот объекти: ТАТУ талабалари, ОЗРБЮ ўқувчилари.

Тадқиқот методикаси эмоционал муҳит, ўз ҳис-ҳаяжонларини бошқариш қобилиятини аниқлаш имконини

беради ва у Н.М. Пейсахова, Г.Ш. Габдреева (1988)лар томонидан тузилган. 7.4-жадвалда психологик тадқиқотлар кўрсаткичлари келтирилган.

7.4. жадвал

**Талаба ёшларнинг эмоционал зўриқиш кўрсаткичлари**

Ёш	м		м
18	14,4	-	1,6
19	12,1	4,2	1,8
20-24	13,8	6,1	1,5

Футболчилар, асосан, ўртача эмоционал кўзғалишга эга. Улғайган сари кўзғалиш пасайиб боради. Ўқувчилар орасида эмоционал зўриқиши юқори бўлган (18 балл) футболчилар борлиги маълум бўлди. Улар ўз фаолиятларини бошқара ва назорат қила олмайдилар, ўз имкониятларини олдиндан нотўғри баҳолайдилар, ҳеч бир сабабсиз безовта бўладилар, аразчи, таъсирчан, ўртоқлари билан келиша олмайдилар. Бунга оиладаги нотўғри эмоционал муносабатлар (жазолашлар, болани мунтазам тергашлар) сабаб бўлиши мумкин.

В.Г. Заикин (1991) кучли стресс ҳолатида тадқиқ этилувчи-лар руҳиятида нима рўй бераётганини экспериментал кўрсатиб берди. Тадқиқ этилувчиларга вақт жуда секин (ёки тез) ўтаётгандек, унча узоқ бўлмаган масофалар (5-6 метр) ни 1,5-2 марта хато билан баҳолайдилар. Улар инсон хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатини ҳам нотўғри тушунишлари мумкин: инсоннинг осойишталиги тадқиқ этилувчиларга лоқайдлик, бегонасирашдек, табассум эса заҳархан-далик бўлиб кўринади.

Шундай қилиб, юқори руҳий зўриқиш, кучли безовталиқ ишлаб чиқариш-вақт характеристикалари эталонларини ўзгар-тиради, қабул қилишда психологик

таққослаш механизмларида бузилишларга сабаб бўлади. Ёмон психологик ҳолат инсон муноса-батлари тизимига ҳам таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатнинг тез-тез қайтарилиб туриши инсон табиатини ўзгартиради, унинг психи-касини бузади. Бу эса унинг атрофидагилар билан муносабатларида, тақдирида акс этмай қолмайди.

Психологик тадқиқот маълумотлари улғайган сари эмоционал зўриқиши пасайишини кўрсатди. Талабалик даври инсон ҳаётида муҳим босқич, бу даврда инсоннинг психологик сийрати тубдан ўзгаради.

Б.И. Кочубей, Е.В. Новикова (1988) фикрига кўра «безовта одам» - бу ўзига, ўз қарорларига ишонмайдиган, доим кўнгилсиз-ликларни кутиб яшайдиган, ваҳимачи, бадгумон, ҳеч кимга ишонмайдиган инсон. Безовталик неврознинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Маълумки, инсон ёши нафақат унинг физиологик етуклиги даражаси, балки атроф-муҳит билан муносабати, ички дунёси хусусиятлари, ўй-фикрлари характерини ҳам акс эттиради. Кўпгина психологларнинг фикрига кўра 11 ёшдан сўнг безовталик даражаси кескин ошади, 20 ёшида ўз чўққисига чиқади, 30 ёшдан сўнг пасая бошлайди.

Типологик хусусиятларни аниқлаш учун турли сўровно-малардан фойдаланилади. қуйида Айзенк - Русалованинг шахс типологик хусусиятларини аниқлаш сўровномаси келтирилган.

Назорат саволлари:

1. Психологиянинг психодиагностика йўналиши нималарни ўрганади?
2. Юқори нерв фаолиятининг хусусиятларини ёритинг.
3. Юқори нерв фаолиятининг хусусиятлари қандай аниқла-нади?

Адабиёт:



Брайан, Дж Кретти. Психология в современном спорте. М., ФиС, 1978.

Вяткин Б.А. Роль темперамента в спортивной деятельности. М., ФиС, 1978.

Кошбахтиев И.А. Информационное обеспечение образова-тельного процесса по физическому воспитанию студентов. Т., 2004.

Психология физического воспитания и спорта. Учебное пособие для институтов физической культуры (под. ред. Т.Т. Джемгарова, А.Ц. Пуни. М., ФиС, 1979.

Родионов А.В. Психофизическая тренировка. М., ТОО Даз, 1995.

## **8-БОБ. ҲАРАКАТ ФАОЛЛИГИ ВА САЛОМАТЛИК**

### **8.1. Спортда машқлар юкламаси характеристикаси**

Бугунги кунда ўзбек ва чет эл олимлари спорт машғулотлари-нинг илмий асосларини ишлаб чиққанлар.

Маълумки, спорт машғулоти - инсон жисмоний қобилиятини ўстиришни ўзига мақсад қилиб олган педагогик жараён бўлиб орга-низмнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир (мушак, юрак- қон, нафас олиш тизимларини мустаҳкамлаш, асаб тизимини ривожлантириш). Спорт машғулотлари юкламаси таъсири масала-лари 30 йилдан бери мутахассисларнинг диққат марказида турибди. (Л.Р. Айрапетьянц, М.А. Годик, 1992).

Боксчилар билан турли жадалликда олиб борилган ишлар мазмунининг таҳлили шуни кўрсатадики, разминка пайтида ва якунловчи гимнастик маш қларни бажараётганда, шунингдек, енгил югуриш ва штангалар билан айрим маш қларни бажараётганда жадаллик минимал бўлади. Соғломлаштирувчи жисмоний тайёр-гарлик воситаларига

разминка пайтида бажариладиган умумий ривожлантирувчи машқлар, шунингдек кросслар ва спорт ўйинлари киради.

Спортнинг у ёки бу турининг спортчи организмга таъси-рини аниқлаш учун алоҳида мусобақали машқнинг эмас бутун машғулот жараёнининг таъсирини ўрганиш керак. Шундан келиб чиқиб спорт турини гуруҳларга тақсимлаш учун юкломани характерловчи уч тўғри амал қилиш керак. Буларга спорт машғулотларида бажарилаётган ишнинг кучи (максимал, субмаксимал, катта, ўртача, турли жадалликдаги); ишнинг цикллилиги ёки ноцикллилиги; у ёки бу ҳаракат сифатларининг ривожланиши. Н. Озолин (1971), Н.И. Волков (1968) машғулот воситалари классификациясининг муҳим белгиларига қуйидагиларни киритишни тавсия қиладилар.

1. Ихтисослаштирилганлик, яъни ушбу спорт машғулоти воситасининг мусобақа машқларига ўхшашлиги.

2. Йўналтирилганлик, яъни машқларнинг у ёки бу ҳаракат сифатининг ривожланишига таъсири.

3. Координацион мураккаблик, унинг таъсири машғулотлар самараси катталигида акс этади.

4. Машғулотнинг организмга таъсири сон катталиги сифатида.

Спорт машғулотида юклама деганда спортчининг ҳаракат фаоллиги билан боғлиқ ва унинг организмга таъсири катталиги билан аниқланадиган жисмоний ва асаб кучланишлар тушунилади (Л.П. Матвеев, 1962; В.С. Келлер, 1968; П. Кунат, 1972 ва бош- қалар).

А.Г. Дембо, С.Н. Попов, А.М. Тюрин, Ю.М. Шапкайтц (1986) вегетатив функцияларнинг спорт машғулотлари таъсири остида ўзгаришини ўрганиш масалаларидан келиб чиқиб спорт турлари классификациясини ишлаб чиқдилар. Спорт турларини гуруҳларга тақсимлаш учун юкломани характерловчи уч мезонга тўғри амал қилиш муҳим. Уларга

қуйидагилар киради: спорт машғулотида бажариладиган иш кучи (максимал, субмаксимал, катта, ўртача, жадаллиги турлича). Биринчи туртта гуруҳга спортнинг цикли турлари киради. Улар иш кучи ва у ёки бу ҳаракат сифатлар ривожлантириш бўйича ажратилади. Биринчи гуруҳга узунликка сакраш ва уч марта сакраш, 100 м га, 300 м га, 800 м га югуриш, эшкак эшиш ва ҳ.з.лар киритилган. Бешинчи гуруҳда тузилиши ноцикли спорт турлари (оғир атлетика, диск, ядро улоқтириш, ба-ландликка сакраш) бирлашган. Бундай спорт турлари учун қисқа муддатли кучланиш, максимал куч талаб қилиниши характерлидир. 6-7 ва 8 гуруҳларга кучланиш тез-тез ўзгариб турадиган, ноцикли иш устун келадиган спорт турлари (гимнастика, акробатика, волейбол, теннис, бокс, футбол, кураш, қўл тўпи) киради.

Тўққизинчи гуруҳ-спортнинг бошқа турларини (парашют-ли, елканли, сув-моторли спорт турлари, шашка, от спорти) ўз ичига олади. В.В. Михайлов (1989) соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг жисмоний юкламалари машқлар ҳажми, жадаллиги, характери бўйича аниқланади, деб ҳисобланади. Олим уларни махсус услубий йўналишга эга уч гуруҳга бўлади. Биринчи йўналиши: лаззатланиш самараси. Жисмоний иш вақтида тана тўқималарида гармонлар-эндокринлар ажралиб чиқиб қонга ўтади. Уларнинг бир қисми марказий асаб тизимига етади ва асаб марказларига таъсир этади. Натижада ҳаракатланаётган инсонда қувонч ва лаззатланиш ҳисси уйғонади. Иккинчи йўналиш-юрак қисқаришлари частотаси минутига 135-155 зарбни ташкил этадиган жисмоний юкламани бажариш, машғулот давомийлиги юқори чарчаш билан ифода-ланади. Учтинчи йўналиш-машғулотлар дастурига аэробли ва тезлик - куч жисмоний юкламаларни киритишни талаб қилади.

## **8.2. Жисмоний машқларнинг энергетик қиймати.**

Бир тадқиқот материаллари асосида 81,8% талабаларда жис-моний тарбия ва спортнинг ақлий меҳнатга ижобий таъсири қайд этилган. Спорт машғулоти инсоннинг ички-биохимик ва биофизик «дунё» сини тубдан ўзгартиради. Деярли барча функционал хусу-сиятлар ва тана сифатлар, ҳатто мушаклар, асаб ҳужайралари, ички органларнинг ҳужайравий тузилмалари ўзгаради.

Катта ёшдаги спортчилар ҳаракат фаолиятини тежамлилиги 1 метр йўл «қиймати» орқали ифодаланади.

Тежамлилиқ энергетик, кислородли, пульсли бўлиши мумкин. 1 метр йўлнинг энг кичик қиймати юрганда (0,8-0,9 кал-мин) кислородли-велосипед ҳайдаганда, пульсли-юрганда, чангиларда учганда бўлади.

Машғулотлар ҳафтада 3 марта (минимум) (жис-моний аҳволни яхшилаш учун) ва 2 марта (жисмоний аҳволни сақлаш учун) ўтказилиши керак.

Оптимал соғломлаштириш самарасини таъминлаш мақса-дида умумий чидамлилиқ ва қувватни, тезлик - куч имкониятларни жисмоний аҳвол даражаси паст, ўртадан пастроқ (60:60%), ўрта (50:50%), ўртадан баланд ва баланд (40:60%) бўлган инсонларда ривожлантириш учун воситалардан комплекс фойдаланиш тавсия этилади.

Битта машғулотнинг давомийлиги жисмоний аҳволи дара-жаси паст, ўртадан паст бўлган инсонлар учун 40 минут, ўрта даражалилар учун 30 минутдан кам эмас, ўртадан юқори ва баланд даражалилар учун 20 минутдан кам бўлмаслиги керак.

Пульс режими турли ёшдаги ва жисмоний аҳволи турлича бўлган инсонлар учун қуйидаги формула бўйича аниқланади ЮКЧ-(190-51)-(А-Т), бу ерда ЮКЧ- юрак қис қаришлари частотаси (зарб-мин), К - жисмоний аҳвол даражасининг тартиб рақами (1- паст, 2-ўртадан паст ва ҳ.з.),

А - ёш (20-59); Т - узлуксиз характердаги юклама давомийлиги, минут (10-50).

Мустақил машғулотлар учун соддалаштирилган формула қуйидагича ифодаланади.

20-29 ёшда -3-10-К

30-39 ёшда -3-9-К

40-49 ёшда -3-8-К

Бу ерда, 3 - бир ҳафтада машғулотлар частотаси: 10, 9, 8, 7 машқларнинг цикли турлари ҳажми (км); К-югуриш ва юриш (1,9); сузиш (0,1); велосипед ҳайдаш (1,0) коэффицентлари.

Лейпциглик профессор Нойман югуриш велосипед спорти, юриш, сузишдан аввал чидамлиликни чиниқтиришни тавсия этади. Ушбу машғулотларни ўйин кўринишидаги машқлар билан тугатиш тавсия этилади.

Найман, ҳаёт тарзини ўзгартириб касалликларнинг модда алмашинуви, юрак-қон тизими билан боғлиқ учдан икки қисми-нинг олдини олиш мумкин, деб қайд этади. 400 ккал энергия сарф-ланишни талаб этувчи мунтазам машғулотларда шуғулланиш ин-фарк эҳтимолини 50 % га қисқартиради.

8.5-жадвал

#### Мунтазам юкламада энергиянинг сарфланиши ҳа қида маълумот

Жисмоний фаолият тури	Масофа (км)	Жадаллик 6 км-соат	Вақт (соат)	Энергиянинг сарфланиши (ккал)
югуриш	30-50	5 км-соат 12 км-соат	1	870
			2	1740
			3	3480
			4	5220
			6	7160
велосипед	100-200	2,5 км-соат 20 км-соат	1	400
			2	800

			4	1600
сузиш	4-8	2 км-соат	1	680
			2	1380
Юриш	25-50	6 км-соат	1	600
			2	1200
Волейбол(мусоб)			1	430
Футбол(мусоб)			1	630
Гимнастика			1	220
Боғда ишлаш			1	450

### 8.3 Жисмоний юкламаларни дозалаш

Л.Е. Любомирский (1989) экспериментал тадқиқотларни умумлаштириб болалар ва ўсмирларнинг ҳаракат фаолиятига ўрга-тиш даражасини баҳолаш ва жисмоний тарбия жараёнида жисмо-ний юкламаларни меъёрлаштириш бўйича қатор шартларни ажра-тади:

1. Юкламани шундай жадалликда бериш керакки, токи мактаб ўқувчиси чарчоқни ҳис қилсин.

2. Жадаллиги билан асаб марказларининг қўзғалиши, мушак гуруҳларининг ишини бошқаришни ташкил этишга қодир юклама-ларни қўллаш лозим.

Жисмоний юкламаларнинг мактаб ўқувчиси организмга таъсирини баҳолаш учун ЮҚЧ, иш вақти чегараси, кислород истеъ-мол қилиш кўрсаткичларини баҳоловчи турли классификация-лардан фойдаланилади. Г.Б. Мейксон, Л.Е. Любомирский (1989) 5 зонани ўз ичига олувчи юкламалар классификациясидан фойда-ланишни тавсия этадилар:

1. Жадаллиги паст зона. Пульс минутига 100-120 зарбдан Ош-майди. Бу зонада иш узоқ вақт бажарилиши мумкин.

2. Жадаллиги ўртача зона (масалан, умумий юкламанинг 50%). Бу зонадаги иш юрак-қон, нафас олиш, ҳаракат аппарати функция-лари ўртасида ўзаро таъсирни ўрнатишга ёрдам беради. Бу зонада 7-8 ёшли болалар 5-6 минут, 13-14

ёшли болалар 10-12 (қизлар), 20-22 минут (ўғил болалар) ишлаши мумкин.

3. Жадаллиги юқори зона (умумий юкламанинг 70%). Мактаб ўқувчилари организмида мушаклар ишлаётганда физиологик функ-циялар катта кучланишда бўлади. Кичик ёшли болалар 10 минут ишлашига қарамай, бу зонада нафас олиш функцияси ва бошқа кўрсаткичлар катта қийматга эга бўлиши мумкин.

4. Жадаллиги юқори субмаксимал қувватли зона (умумий юкламанинг 80%). Мушаклар, юрак ва бошқа аъзолар ҳамда тў-қималар иши энергиянинг анаэроб манбалари билан таъминловчи машқларни бажариш режимига мос келади. Цикли юкламаларни бажариш давомийлиги бу зонада кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун 50 сек, каттароқ ёшдагилар учун эса 1 минутни ташкил этади.

5. Жадаллиги максимал зона (100%) жисмоний машқларни максимал тезликда ва темпда бажаришни талаб қилади. Цикли юкламани бажариш вақти ёш болаларда ва катталарда ҳам атиги 10 сек.ни ташкил этади.

Я.С. Войнбаум (1991) мактаб ўқувчиларининг куч сифатлари ва чидамлиги ривожлантиришга ёрдам берувчи юкламалар меъё-рини ишлаб чиқди.

#### **8.4. Талабаларни жисмоний тарбия қилишда юкламаларни меъёрлаш**

Олийгоҳда ўқиш даври маънавий ва жисмоний сифатларнинг фаол шаклланиши даврига тўғри келади. Жисмоний тарбия таълим-тарбиявий ва соғломлаштириш жараёнларининг ажралмас қисми-дир. Жисмоний машқларни меъёрлаш - талабалар саломат-лигини

ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш шартларидан биридир.

Талабалар ҳаракат фаоллигини меъёрлаш муаммоси муҳим аҳамиятга эга, чунки охириги пайтда ёшларда ўсиб бораётган гипо-динимия сезилмоқда. Бу ўқув машғулотлар ҳажмининг нафақат аудиторияда, балки уйда ҳам катталиги билан боғлиқдир. Натижада саломатлиги қониқарсиз, ортиқча вазнга эга, турли касалликларга мойил, қомати бузилган, кўзи яхши кўрмайдиган, руҳияти тушқун талабалар фоизи ошиб бормоқда.

Ёшлар саломатлигини асраш ва жисмоний сифатлар даража-сини кўтариш учун минимум 2,5 минг ккал энергияни сарфлайдиган ҳаракат режими зарур, бу кўрсаткич деярли 600 моторли ккални ташкил этади.

Ҳаракат фаоллиги етишмовчилиги ўсаётган организмнинг кўпгина функцияларига салбий таъсир кўрсатади ва қатор касаллик-ларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида патогенетик омил ҳисоб-ланади.

Ўсмирлар ҳаракат режимидаги етишмовчиликнинг салбий таъсири ушбу ёшга хос бўлган акселерация ҳолати билан мурак-қаблашади. Жисмоний тарбия меъёрларининг ноадекватлиги орга-низмнинг ўсиши ва ривожланишига ёки, юкламага қараб, орқада қолишига ёрдам беради.

Талабаларнинг ҳаракат фаоллиги меъёрларининг гигиеник тамойиллари Д. Шарипова (1991) томонидан ишлаб чи қилган. Ихтиёрий ҳаракат фаоллиги нафа қат ҳаракатга бўлган биологик эҳтиёж (кинезофилия) эмас, балки ўқув машғулотлари, жисмоний тарбия тизими, шунингдек, иқлим шароитларига боғлиқ ҳамдир, дейди Д.Шарипова. У талабалар ҳаракат режимини ташкил этиш ва гиподинамиянинг кузги-қишки даврда олдини олишни тавсия этади.



М.Я. Виленский (1978) талабалар учун ҳаракат фаоллигининг қуйидаги оптимал даражасини таклиф этади: суткада 14-19 минут қадам ёки кунига 1,3-1,8 соат исталган машғулотларда қатнашиш.

Базавий дастурда ҳафталик ҳаракат режими тавсия этилади: эркаклар учун - соғломлаштирувчи югуриш - 15-17 км, тўсинда тортилиш - 70-80 марта, гавдани олдинга энгаштириш - 90-120 марта; аёллар учун - соғломлаштирувчи югуриш - 12-14 км, турган жойда арқонда сакраш - 350 марта, ётган жойдан гавдани кўтариш, қўллар бош орқасида, оёқлар жипслаштирилган - 100-120 марта, ўрта тезликда юриш - 21-36 км.

Таниқли француз меҳнат физиологлари Шеррер ва Моно ҳаракат фаолиятини қуйидаги уч категорияга бўлишни таклиф этди-лар:

- локал иш: уни бажаришда 30% мушаклар унча кўп энергия сарфламасдан иштирок этадилар.

- регионал иш: уни бажаришда 50 % мушаклар ўртача энергия сарфлаб иштирок этадилар

- глобал иш: 70 % кам бўлмаган мушаклар анча энергия сарф қилиб иштирок этадилар.

Дастлабки икки категория аниқ соғломлаштирувчи самарага эга эмас. Фақат глобал ҳаракатли фаолият саломатликни мустаҳкамлашага ёрдам беради. Уларнинг бажарилиши юрак - қон, нафас олиш тизимининг жадал фаолияти ва кўп энергия сарфланиши билан боғлиқ.

И.В. Муравов (1984) чидамлик ривожланиши билан боғлиқ жисмоний юклар қон айланиш органлари касалликларининг ривожланиши ҳавфини анча камайтиради. Семизликда тана вазнини меъёрлаштириш учун мунтазам, узоқ давом этувчи жисмоний юклардан (1-1,5 соат давомида секин югуриш, су-зиш, чанғида юриш, велосипед ҳайдаш) фойдаланиш керак.

Америкалик олимлар саломатликни асраш учун ҳар бир инсон ҳар куни мушак кучларининг эвазига 1200-2000 ккал сарфлаши керак, деб ҳисоблайдилар. Ақлий меҳнат намоёндалари атиги 600-700 ккал энергия сарфлайдилар.

Жадвалда турли жисмоний маш қалар билан шуғулланганда қанча энергия сарфланиши келтирилган.

Юқори тезликда соғломлаштирувчи югуриш, спорт ўйин-лари билан шуғулланиш энергия сарфлаш бўйича етакчи ўринни эгаллайди.

## 8.5. Қуруқ иссиқ иқлим шароитида жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Иссиқ иқлимнинг унга мослашган ва мослашмаган инсоннинг функционал ҳолатига таъсирининг кўп жиҳатлари маълум даражада ўрганилган (З.И. Умидова, 1949; А.Ю. Юнусов, 1961; С.И. Шамсиев, 1966; А.Ю. Тамес, П.А. Соломко, 1968; А.Д. Слоним, 1969; Р. Ахмедов, 1977).

А.И. Яроцкий (1976) фикрича, инсон маторикасини иссиқ иқлим шароитида ривожлантиришда тизим ташкил этувчи омилнинг структуравий компонентларини қуйидагилар ташкил этади:

- 1) оптимал жисмоний юклама; 2) жисмоний машқларнинг уйғунлиги; 3) организмнинг ҳаракат, иссиқлик ва нур мослаши-шининг бирлиги; 4) машқлар юкламаси жараёнида ва жисмоний машқлар билан шуғулланувчилар турмуш режими тикловчи ва стимуляцияловчи воситалар тизими; 5) соғломлаштириш тадбир-лари тизими; 6) организмнинг саломатлиги динамикаси ва функцио-нал статуси ҳақида жорий тиббий-биологик ва диспансер маълумотлар асосида жисмоний ривожлантириш воситаларини ўз вақ-тида коррекциялаш.

Э.С. Алибаев (1978) экспериментал тадқиқотлар натижасида етарлича шуғулланмаган ва мослашган организмларнинг функцио-нал тизимида ўзгаришлар рўй бермаслиги учун жисмоний машғу-лотлар ва мусобақаларни куннинг иссиқ қисмида (30 градусдан ортиқ температура) ўтказмасликни тавсия этади.

Тадқиқотлар натижасида шуни қайд этиш мумкинки, ўқув жараёнида йилнинг иссиқ вақтида яққол билинувчи физиологик функцияларнинг фаслий перилодикаси намоён бўлади. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланувчи шахсларда фаслар ўзгаришининг таъсири силлиқ кечади.

Функционал ўзгаришлар хусусиятлари ривожлантириш воситаларини йил фаслларига қараб танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. (А.И. Ливицкий, А.С. Холматов, 1988).

Тошкентда июль, июнь ва август ойларидаги биотермик шароитлар июль шароитларидан кам фарқ қилади. Организмда кўп иссиқлик йўқотиш айниқса, январь ойида кўпроқ қайд этилади. Манфий қийматлардан мусбатга ўтиш апрель ойининг биринчи ярмида, мусбат қийматлардан манфийга ўтиш эса октябрь охири ва ноябрь бошларида тугалланади. Апрель, октябрь ойлари иссиқлик даражаси қулай вақтдир.

Инсон иссиқлиги кўрсаткичларининг суткалик ўзгариши ҳам йил фаслларига боғлиқ: ёзда ва куз фаслининг бошида биотермик кўрсаткичлар суткада кам ўзгаради, қишда ва баҳорнинг дастлабки икки ойида биотермик кўрсаткичларнинг суткалик ўзгариши юқори бўлади. Бу эса қишда ва ўтиш фасларида шамоллаш касаллик-ларининг кўпайишига олиб келади (Б.А. Айзенштадт, Л.П. Лукина, 1982).

Жадвалда (8.8) Тошкент Гидрометмарказининг 2000 йил учун ҳаво ҳарорати қийматлари келирилган. Маълумки, шаҳар шимолий субтропиклар зонасида жойлашган. Ҳавонинг ҳарорати декабрь, январь ойларида кузатилади. Энг қулай ойлар апрель ва октябр.

Соғломлаштирувчи жисмоний тарбияни режалаштиришда қуйидаги ҳолатларни эътиборга олиш лозим:

1. Жисмоний тарбия ва спортда юклага жисмоний машқ-ларнинг шуғулланувчилар организмга таъсири сифатида қаралади. Параметрлари (машқларнинг катталиги, йўналиши, тузилиши)га биноан жисмоний юклага организмга турлича таъсир кўрсатади:

- ривожлантирувчи юклама, ҳаракат сифатлари ва жисмоний иш қобилияти даражасини ўстириш;
- қўллаб-қувватловчи юклама, иш қобилиятини муайян даражада ушлаб туриш;
- реабилитацион юклама, чарчоқдан сўнг иш қобилиятини тиклаш;
- таълим берувчи юклама, ҳаракат билим ва кўникмаларини эгаллаш.

2. Талабалар жисмоний тарбиясида, асосан, таълим берувчи юклама қўлланилади ва у ҳаракат кўникмаларини шакллантириш, ҳаракатларни бош қариш ва жисмоний сифатларга ривожлан-тирувчи таъсир кўрсатишга йўналтирилган.

3. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия маш қларига гавда тузилиши, жисмоний ривожланишни яхшилаш, нафас олиш, юрак- қон, асаб тизимларини такомиллаштириш касалликларнинг олдини олиш ақлий ва жисмоний иш қобилиятини ўстириш, талабани турли зарарли таъсирларга қарши курашувчанлигини таъминлашга йўнал-тирилган педагогик жараён сифатида қараш керак.

4. Мутахассислар инсон жисмоний ҳолатига энергиянинг сарфланиши жиҳатдан таъсирига қараб спорт турлари классифи-кациясини ишлаб чиқдилар. Қизлар учун жадалликдаги аэробика рақслари, бадминтон ўйини, йигитлар учун - атлетик гимнастика, соғломлаштирувчи югуриш, спорт ўйинлари.

5. Тошкент гидрометмарказининг кўп йиллик маълумотлари соғломлаштирувчи жисмоний тарбия машғулотларини очи қ ҳавода ўтказиш (декабрь - 2,9 , январь - 0,4, февраль - 4,2 дан ташқари) кераклиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Бу организмнинг таш қи муҳит зарарли омилларига, айти қса кузги-қишки даврда, қарши курашувчанлигини оширишга ёрдам беради.

Тошкент Гидрометмарказининг ҳаво ҳарорати ҳақида кўп йиллик ва 2000 йил учун маълумотлари

Калит сўзлар: ҳаракат фаоллиги, энергетик қувват, дозаланиш.

Назорат саволлари:

1. Соғломлаштириш машқларининг энергетик қувватини таърифланг.

2. Жисмоний машқлар қандай дозаланади?

3. Қуруқ, иссиқ иқлим шароитида жисмоний машқларнинг хусусиятлари қандай?

Адабиёт:

Азимов И.Б., Хамрақулов А.Н., Таланина Л.Х., Расулова Э.Р., Гордиевская С.В., Яковенко В.И. Физиология человека. Т., 1991.

Вайнбаум Я.С. Дозирование физических нагрузок школь-ников. М., 1990.

Иванова О.Л. Формула красоты. М., 1980.

Китайская цигун - терапия. (Пер. с англ. С.П.Брешина). М., 1991.

Куликов Ю.А., Худайбердиев Р.И. Жизнь в движении. Т., 1987.

Маслов А.А., Подщеполдин А.М. Уроки китайской гимнастики. М., 1990.

## МУҲДАРИЖА

Сўз боши .....	3
Кириш .....	10
<b>1-боб. Валеология - саломатлик ва соғлом ҳаёт тарзи</b>	
<b>ҳақидаги таълимот .....</b>	<b>13</b>
1.1. Валеологиянинг асосий тушунчалари .....	13
1.2. Валеологиянинг предмети .....	15
1.3. Валеологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси .....	15
1.4. Валеологиянинг вазифалари .....	17
1.5. Валеологиянинг тадқиқот услублари .....	18
1.6. Саломатлик ва соғлом турмуш тарзи .....	21
1.7. Жисмоний тарбия ва саломатлик.....	23
<b>2-боб. Валеология курсининг тузилиши.....</b>	<b>27</b>
2.1. Ижтимоий профилактика Ўзбекистон Республикаси аҳолиси саломатлигининг омили сифатида.....	32
2.2. Индивидуал профилактика - шахс саломатлигининг асосидир.....	34
2.3. Талабалар валеологиянинг концепцияси.....	40
2.4. Валеология курсининг тузилиши.....	45
<b>3-боб. Валеологияни ўқитиш тизими.....</b>	<b>50</b>
3.1. Валеология дарсларининг турлари.....	57
3.2. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг рационал усуллари.....	58
3.3. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг самарали воситалари.....	60
3.4. Соғломлаштирувчи жисмоний тарбиянинг ноанъана- вий воситалари.....	67
3.5. Бўш вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиш.....	76
<b>4-боб. Талабаларга валеологиядан таълим беришнинг фаол услублари.....</b>	<b>82</b>
4.1. Талабаларнинг жисмоний ривожланишини бошқа- риш.....	83
4.2. Талабаларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини ком- плекс баҳолаш.....	86

4.3. Жисмоний ривожланиш жараёнини педагогик назорат этиш.....	90
4.4. Жисмоний ривожланишнинг самарали услублари....	92
4.5. Жисмоний ривожланиш воситаларининг педагогик асослари.....	98
4.6. Умумий жисмоний тайёргарлик саломатликни мустақкамлашнинг асосий воситаси сифатида.....	99
<b>5-боб. Педагогик назорат - талабаларга валеологиядан таълим бериш жараёнини бошқариш асосидир.....</b>	<b>105</b>
5.1. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишга бўлган эҳтиёжни фаоллаштириш.....	106
5.2. Саломатликни аниқлашнинг рейтинг тизими.....	108
5.3. Саломатликни яхшилашда ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилишнинг самарали усуллари.....	110
5.4. Жисмоний камолот ва гавда тузилишини баҳолаш мезонлари.....	112
5.5. Жисмоний тайёргарликни баҳолаш мезонлари.....	112
5.6. Жисмоний ҳолатни баҳолаш.....	115
5.7. Талабаларни соғломлаштириш педагогик назоратининг рейтинг тизими.....	116
5.8. Валеологиядан синов ва имтиҳонларни қабул қилиш қоидалари.....	119
<b>6-боб. Валеологиядан таълим бериш жараёнида тарбия.....</b>	<b>122</b>
6.1. Ўқитувчи шахси талабани тарбия қилиш омили сифатида.....	123
6.2. Ўқитувчи-мураббий шахси талабани тарбия қилиш омили сифатида.....	124
6.3. Шахсни тарбия қилиш жараёнида индивидуал ёндашув.....	125
6.4. Ўз-ўзини назорат қилиш тарбиянинг самарали усули сифатида.....	129
<b>7-боб. Саломатликнинг психологик асослари.....</b>	<b>136</b>
7.1. Психодиагностика - соғломлаштириш жараёнини индивидуализациялаш асосидир.....	136
7.2. Бош асаб фаолиятининг индивидуал хусусиятлари.....	139



7.3. Темперамент ва асаб тизимининг хоссалари.....	142
7.4. Спортда шахснинг шаклланиш психологияси.....	145
7.5. Саломатликнинг психологик масалалари.....	147
7.6. Ўқувчи ёшлар асаб тизимининг типологик хусу- сиятларини тадқиқ этиш.....	148
7.7. Ўқувчи ёшларнинг эмоционал зўриқишини тадқиқ этиш.....	151
<b>8-боб. Ҳаракат фаоллиги ва саломатлик.....</b>	<b>155</b>
8.1. Спортда машқлар юкламаси характеристикаси.....	155
8.2. Жисмоний машқларнинг энергетик қиймати.....	157
8.3. Жисмоний юкламаларни дозалаш.....	158
8.4. Талабаларни жисмоний тарбия қилишда юклама- ларни меъёрлаш.....	160
8.5. Қуруқ иссиқ иқлим шароитида жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	162
<b>9-боб. Саломатликни яхшилаш бўйича машғулот- ларни рационал ташкил этиш ва унинг илмий асосланган воситалари.....</b>	<b>165</b>
9.1. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг ўзаро алоқаси хусусиятлари ва уларни яхшилаш воситалари.....	165
9.2. Шахснинг типологик хоссалари ва ҳаракатланиш сифатларининг ўзаро алоқаси хусусиятлари.....	167
9.3. Талабаларнинг қон айланиш хусусиятлари ва юрак- қон тизими фаолиятини яхшилаш воситалари.....	168
9.4. Ҳаракатланиши сифатларининг ўзаро алоқаси хусусиятлари.....	171
<b>10-боб. Овқатланиш ва саломатлик.....</b>	<b>177</b>
10.1. Овқатланиш ва инсоннинг ҳаётий фаолияти.....	178
10.2. Тананинг ортиқча вазнида овқатланиш.....	183
10.3. Овқатланиш ва касалликлар.....	187
10.4. Рационал овқатланиш.....	194
<b>11-боб. Талабаларга валеологиядан таълим беришда ахборот таъминоти.....</b>	<b>207</b>
11.1. Инсон саломатлиги бўйича маълумотлар ҳақида телеметрик компьютер комплекси тизими.....	207
11.2. Юрак ритми мониторлари.....	211

11.3. Интерфейслар ва дастурий таъминот.....	214
11.4. Инсон танасидаги ёғларни таҳлил қилувчи тарозилар.....	215
<b>12-боб. Ўқувчи ва талаба ёшлар мусобақалари саломатликни мустаҳкамлашнинг самарали воситаси сифатида.....</b>	<b>217</b>
12.1. Мусобақалар мунтазам жисмоний машғулотларга жалб этиш воситаси сифатида.....	217
12.2. Ўқувчи ёшларнинг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», талабаларнинг «Универсиада» мусобақалари.....	219
12.3. Мусобақалар талаба ёшларни тарбиялашнинг самарали йўли сифатида .....	220
12.4. Ўқувчи ва талаба ёшларнинг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари саломатликни мустаҳкамлаш воситаси сифатида .....	224
<b>13-боб. Орттирилган иммун танқислик синдроми.....</b>	<b>229</b>
13.1. ОИТС билан зарарланиш йўллари.....	229
13.2. Инсон иммун танқислик вируси.....	231
13.3. ОИТС диагностикаси.....	233
13.4. ОИТС га ҳамроҳ касалликлар.....	236
13.5. Даволаниш.....	237
<b>14-боб. Саломатлик кушандалари (чекиш, ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик).....</b>	<b>239</b>
14.1. Наркотик модда нима?.....	239
14.2. Гиёҳвандлар ўлимининг сабаблари.....	241

